БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ.

«КИЗИЛ ЎЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши № 19 (11768). | Якшанба, 22 январь; 1961 йил. | Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ ПАРТИЯ, СОВЕТ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИНИ, КОЛХОЗЧИЛАРНИ ВА СОВХОЗЛАРНИНГ, РЕМОНТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИНИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИНИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРНИ СОЦИАЛИСТИК ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН, ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ МЎЛ-КЎЛ ҚИЛИБ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШ УЧУН КУРАШДАГИ ЎЗ ҒАЙРАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШГА ЧАҚИРАДИ.

(КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1961 йил 18 январда қабул қилган қароридан)

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Пленумида 1961 йил 17 январда ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Ўртоқлар! Кейинги йилларда бизда асосий умумпартиявий масалаларни, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, халқнинг фаровонлигини тўхтовсиз юксалтириш масалаларини муҳокама қилмоқ учун партия Марказий Комитетининг Пленумларини мунтазам ўтказиб туриш одат бўлиб қолди. Ана шу яхши традиция халқ хўжалигига партия раҳбарлигининг, кадрларимизни ва барча коммунистларни коммунистик қурилиш вазифаларини амалий ҳал этиш учун партия ва халқ олдида юксак жавобгарлик руҳида тарбиялашнинг ленинча принципларини ривожлантиришдан иборатдир.

Мана, сурункасига уч йилдан буён партия Марказий Комитетининг Пленумларида қишлоқ хўжалик йилининг якунлари муҳокама қилиб келинмоқда ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш чоралари белгилаб чиқилмоқда. Шу билан бирга партия Марказий Комитети Пленумни чақириш тўғрисидаги ахборотни барвақт эълон қилади, хўжаликка раҳбарликни қандай қилиб яхши ташкил этиш ва халқнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун хўжаликдаги барча резервлардан қандай қилиб яхшироқ фойдаланиш тўғрисида коммунистлар ва партиясизлар билан, бутун совет халқи билан маслаҳатлашади.

Партия Марказий Комитети экономикани юксалтириш ва меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш масалаларини қандай қараб чиқаётганлиги ва қандай ҳал этаётганлигидан бутун халқимизни хабардор қилмоқ учун Пленумларнинг иши тўғрисидаги ҳисоботлар матбуотда кенг эълон қилинмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг ҳар бир Пленуми партиямиз ҳаётида, хўжалик қурилишининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларини ҳал этишга меҳнаткашларни сафарбар қилишда катта роль ўйнайди. Бу ерда сўзга чиққан ўртоқлар тўғри таъкидлаб ўтганларидек, Марказий Комитетнинг шу Пленуми партиянинг ва мамлакатнинг ҳаётида жуда катта ўрин тутади. Биз бу Пленумга тайёргарлик кўрган чоқда қишлоқ хўжалигининг сира ҳам кечиктириб бўлмайдиган масалаларини бутун халқ билан муҳокама қилдик, дейиш мумкин. Халқ хўжалигининг мамлакат учун ҳаётий муҳим бўлган ана шу соҳасини ривожлантиришда эришилган каттакатта муваффақиятларни ҳам, ҳозир мавжуд бўлган жиддий камчиликларни ҳам ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Бу Пленумда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан тузилган планлар ва олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида барча ўн беш иттифоқчи республика раҳбарларининг ҳисоботларини биринчи марта тингладик. Пленумда қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг иш методларидаги камчиликлар ҳақида ўткир, принципиал танқид қизғин бўлди. Бу ерда партия Марказий Комитетининг аъзолари, республика, ўлка ва областларнинг раҳбар ходимлари билан бир қаторда қишлоқ хўжалик илғорлари, олимлар ҳам ажойиб нутқ сўзладилар. Улар қишлоқ хўжалигимиздаги катта резервларни очиб бердилар, бу резервлардан қай тарқа яхшироқ фойдаланиш йўлларини кўрсатдилар.

1. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ АҲОЛИНИНГ ТАЛАБИДАН ЎЗИБ КЕТИШИ КЕРАК

Ўртоқлар! КПСС XXI съезди қабул қилган қарорлар, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик плани муваффақиятли бажарилмоқда. Етти йиллик планда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни дастлабки икки йил ичида 17 процент кўпайтириш кўзда тутилган эди. Аниқланган маълумотларга қараганда, етти йилликнинг икки йили ичида саноат маҳсулоти 22,1 процент ўсди. Топшириқдан ташқари 113 миллиард сўмлик, ёки янги пул билан 11 миллиард 300 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Ўртоқлар, бу саноатимизни ривожлантиришда эришилган катта ғалабадир, ишчилар, инженерлар, техниклар ва олимларнинг катта ғалабасидир. **(Қарсаклар).**

Саноатнинг етакчи тармоқлари айниқса катта муваффақиятларга эришди. Мисол учун қора металлургияни олиб кўрайлик. Маълумки, етти йиллик планда 1965 йилда 86-91 миллион тонна пўлат эритиш мўлжалланган эди. 1961 йилнинг ўзидаёқ камида 71 миллион тонна, ёки 1960 йилдагига нисбатан олти миллион тоннадан кўпроқ ортиқ пўлат эритиш кўзда тутилади. Пўлат ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиши 1961 йилга мўлжалланган даражада, яъни йилига 6 миллион тонна миқдорида сақлаб қолинадиган бўлса, етти йиллик охирида пўлат эритиш 95-96 миллион тоннага етказилади. Пўлат ишлаб чиқариш бундан буён ҳам етти йилликнинг дастлабки уч йилидаги суръатлар билан ошириб борилса, 1965 йилда пўлат эритиш 100-102 миллион тоннага етиши мумкин. Бу мисол экономикани ривожлантириш учун қандай катта имкониятларга эга эканлигимизни кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида ҳам анча катта муваффақиятларга эришилди. КПСС Марказий Комитетининг 1953 йил сентябрь Пленумидан кейин ўтган даврнинг ичида партиямиз, бутун совет халқи қилган иш ўз натижаларини берди.

Агар ҳозирги кўрсаткичларни 1953 йил кўрсаткичлари билан таққослайдиган бўлсак, у ҳолда ҳамма соҳаларда ҳам жиддий ўсиш борлигини кўриш мумкин.

Марказий Статистика бошқармасининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилиш тўғрисидаги маълумотларини келтириб ўтаман.

	1953 й.	1960 й.	1960 йилда 1953 йилдагига нисбатан процент ҳисобида
Етиштирилгани:			
дон — миллиард пуд	5.0	8.1	161
қанд лавлаги — миллион тонна	23,2	56.9	246
қанд — миллион тонна	3.4	6.4	185
қунгабоқар — миллион тонна	2.6	3.8	146
гўшт — миллион тонна сўйилган вазнда	5.8	8.7	150
сут — миллион тонна	36.5	61.5	169
ёғ — минг тонна	497	848	171
харид қилинган:			
дон — миллион пуд	1.899	2.852	150
қанд лавлаги — миллион тонна	22.9	48.4	211
кунгабоқар — миллион тонна	1.8	2.3	126
пахта — миллион тонна	3.9	4.4	113
картошка — миллион тонна	5.4	7.1	131
сабзавот — миллион тонна	2.5	5.1	206
гўшт — миллион тонна			
тирик вазнда	3.6	7.9	219
сут ва сут маҳсулотлари сутга айлантириб ҳисоблаганда — миллион тонна	10.6	26.3	247
тухум — миллиард дона	2.6	6.5	248
жун — минг тонна	197	357	182

Бир қанча йиллар мобайнида эришилган кўрсаткичларни олиб кўрсак, бу кўрсаткичлар бундан ҳам ортиқ бўлади.

Кейинги беш йил ичида товар ғалла етиштириш 1953 йилдагига нисбатан ўрта ҳисобда бир миллиард пуддан зиёд ортди. Сут харид қилиш қариб икки ярим баравар, гўшт харид қилиш икки баравардан зиёд ортди.

Қишлоқ хўжалигида муваффақиятларга эришилганлигини ва бу муваффақиятлар катта эканлигини кўриб турибсиз. Бизнинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришда илгари ҳеч қачон сўнгги етти йил ичидаги бундай суръатларни кўрмаган эди.

Биз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш вазифаларини КПСС Марказий Комитетининг 1953 йил сентябрь Пленумидагидан тамомила бошқача шароитда муҳокама қилмоқдамиз ва камчиликларни танқид қилмоқдамиз. Ўша даврда қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари жиддий суръатда орқада қолган эди. У вақтларда қишлоқ хўжалигидаги камчиликларни танқид қилганимизда душманлар бу танқидни Совет Иттифоқининг қишлоқ хўжалиги кризисга учради, деб талқин қилган эдилар. Эндиликда вазият тамомила бошқачадир. Биз социалистик экономика мавж уриб ўсаётган ва халқ хўжалигининг барча соҳаларида катта муваффақиятлар қўлга киритилган бир шароитда камчиликларимизни танқид қилмоқдамиз.

Мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги ҳам, юқорида айтиб ўтилганидек, катта муваффақиятларга эришди, лекин қишлоқ хўжалиги ҳали саноат каби юксак суръатлар билан тараққий этмаётганлигини, индустриямизнинг жадал ўсишидан ва аҳоли эҳтиёжларининг ўсишидан кейинда қолаётганлигини, улар билан бир қаторда бормаётганлигини ҳам эътироф этиш керак. Бунинг устига шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, етти йилликнинг дастлабки икки йили қишлоқ хўжалиги учун ноқулай келди, чунки иқлим шароити жуда оғир бўлди.

Бизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кейинги икки йил ичида гарчи анча ўсган бўлса ҳам, аммо бу ўсиш бизни қаноатлантира олмайди, чунки бу ўсиш халқнинг ўсган эҳтиёжларига жавоб бермайди. Баъзи маҳсулотлар етиштириш эса ҳатто етти йиллик план топшириқларидан анча кейинда қолмоқда. Лекин шунга қарамай, баъзи раҳбарлар афтидан энди чўққига чиқиб олдик, деб ҳотиржам бўлиб қолган бўлсалар керак, қўлга киритилган муваффақиятлардан айрим ходимлар ҳатто талтайиб кетяптилар.

Ўртоқлар, шуни эсда тутиш керакки, кейинги йилларда мамлакатдаги шароит ўзгарди, вазият эса қишлоқ хўжалигини янада юксак суръатлар билан ривожлантиришни тақозо қилади.

Муваффақиятлар қўлга киритилганига қарамай, Марказий Комитетнинг шу Пленумида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш масалалари кескин суратда қўйилаётганлигига сабаб нима?

Бу саволга жавоб бермоқ учун, доғдаги кейинги йилларда мамлакатда қандай ўзгаришлар рўй берганлигини қисқача бўлса-да кўздан кечириш керак. Аввало, шуни ҳисобга олиш керакки, кейинги беш йил ичида аҳоли 18 миллиондан зиёд, шу жумладан шаҳар аҳолиси 17 миллион кишидан зиёд кўпайди. Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ошди, иш ҳақи, хусусан кам ҳақ олувчи ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи кўпайди ва, бинобарин, аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаби ҳам ортди.

Меҳнаткашларнинг кейинги беш йил ичидаги даромадларига доир баъзи маълумотларни келтириб ўтамиз (бир йил ҳисобида янги пуллар билан):

Иш ҳақи фонди 17,1 миллиард сўм кўпайди;

Колхозлар 870 миллион сўм камайди;

Заёмлар бекор қилинганлиги туфайли аҳоли 2.2 миллиард сўм даромад олди;

Пенсия тўлаш 4 миллиард сўм ортди.

Меҳнаткашларнинг беш йил ичидаги даромадлари бир йилга мўлжаллаб ҳисоблаганда янги пуллар билан 24 миллиард 200 миллион сўм кўпайди. Модомики, даромадлар кўпайган экан, аҳоли ҳам гўшт, сут, ёғ ва бошқа маҳсулотларни кўпроқ сотиб ола бошлади.

Колхозчиларнинг ҳам даромадлари кўпайди. Колхозчилар 1959 йилда колхозда қилган ишлари учун 1955 йилдагига нисбатан 2 миллиард 300 миллион сўм кўпроқ маблағ олдилар. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик машиналари ва запас қисмлар нархини камайтириш тўғрисида яқинда қабул қилинган қарор амалга оширилиши натижасида колхозларнинг тежайдиган маблағи бир йилга мўлжаллаб ҳисоблаганда янги пул билан 887 миллион сўмни ташкил этади. Бу маблағларнинг бир қисмидан техникани, минерал ўғитларни сотиб олиш учун фойдаланилади, лекин унинг маълум бир қисмидан истеъмол буюмлари сотиб олиш учун ҳам фойдаланилади.

Реал иш ҳақи бундан буён ҳам ортиб боради. Бинобарин, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллларига бўлган талаби ҳам орта боради. Бу — бизнинг сиёсатимизга мувофиқдир.

Ана шунинг учун ҳам биз экономикамиз халқнинг тез ўсиб бораётган эҳтиёжларини доим қондириши учун бутун чорани кўришимиз лозим. Акс ҳолда харидорларнинг имкониятлари билан уларнинг талабини қондириш имкониятлари ўртасида аҳралиш рўй бериши мумкинки, бу ҳол хавфли оқибатларга олиб келади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпайганлиги билан ҳозир биз ўзимизни ҳотиржам қилмаслигимиз лозим, балки истиқболни очиқ кўриб иш олиб боришимиз ва қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлаб чиқариш бундан буён тағин ҳам кўпроқ ўсиши учун тегишли равишда ҳозирланишимиз лозим.

Мамлакатда рўй берган ўзгаришлар ва реал иш ҳақи ошганлиги натижасида озиқ-овқат маҳсулотларига ва биринчи навбатда гўшт, сариёғ, сутга бўлган талаб кескин равишда кўпайди.

Саноат ишчилари оилаларининг бюджетларини қисман текшириб кўриш маълумотларига қараганда, аҳоли жон бошига шу маҳсулотларнинг истеъмол қилиниши олти йил мобайнида (йилига килограмм ҳисобида) қуйидаги миқдорда кўпайган:

	1953 йил	1959 йил	1959 йилда 1953 йилдагига нисбатан процент ҳисобида
Гўшт	38	54	142
Мол ёғи	4,7	6,4	135
Сут ва бошқа сут маҳсулотлари	88	154	174

Истеъмолнинг бундай ўсиши бизни қувонтиради. Бу амалдаги социализмдир. Бу совет ҳокимияти меҳнаткашларга фақат сиёсий эркинлик келтирибгина қолмасдан, шу билан бирга жуда катта моддий неъматлар келтирганлигини ҳам ёрқин кўрсатувчи далилдир. Халқ фаровонлигини оғишмай ошириш манфаатлари бизни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш масалаларига кун сайин жиддий эътибор бериб туришни талаб қилади.

Шундай шароит вужудга келтириш керакки, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва халқ истеъмол қиладиган моллларга ўсиб бораётган талаби тўла қондирилиб турсин, ишлаб чиқариш талабга қараганда ҳамиша илдам бўлиб борсин.

Шу сабабли қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари партиямизнинг диққат марказида туриши лозим. Яхши ривожланган қишлоқ хўжалиги бўлмаса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўл бўлмаса, социалистик экономиканинг равнақ топиши мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалигини тўхтовсиз юксалтириш учун кураш коммунистик жамият қуришнинг энг муҳим шартидир, бу ҳақиқатан умумхалқ ишидир. Ҳамма коммунистлар, ҳамма совет кишилари шуни тушунадиларки, оғир саноатни вужудга келтирмай туриб, мамлакатни электрлаштирмай туриб социализм ва коммунизм қуриб бўлмайди. Яна шуни ҳам англаб олиш керакки, яхши гараққий этган, халқ учун керакли озиқ-овқат маҳсулотларини мўл-кўл қилиб таъминлай оладиган қишлоқ хўжалиги бўлмаса, коммунизм қуриш мумкин эмас.

Содда ва равшан қилиб айтиладиган бўлса, коммунизм — бу меҳнаткашлар учун, ҳар бир киши учун энг яхши турмуш демакдир. Бу шундай жамиятки, бу жамиятда ҳар бир киши кобилиятига яраша меҳнат қилади ва ҳар бир киши эҳтиёжига яраша олади. Лекин, агар, биз юксак даражада ривожланган саноатга ва юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалигига эга бўлмасак, ҳар бир кишининг қандай қилиб кобилиятига яраша меҳнат қилиши ва эҳтиёжига яраша олиши мумкин?

Ҳамма меҳнаткашлар яхши яшайдиган бўлишлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, оёқ кийимлари, уй-жой, одамларнинг маданий талабларини қондириш учун зарур нарсаларнинг ҳаммаси — китоблар, театрлар, кино етарли миқдорда бўлиши лозим. Шу сабабли, бизда саноат ҳам, қишлоқ хўжалиги ҳам тез суръатлар билан ривожланиши, баб-баравар қадам ташлаб бориши лозим.

Биз қишлоқ хўжалигининг саноат ривожланаётганлиги сингари тез суръатлар билан ривожланиаётганлигини ва аҳолининг эҳтиёжлари ўсиб бораётганлигини ҳисобга олиб, бой берилган вақтнинг ўрнини тўлдирмоқ ва етти йилликнинг колган беш йили мобайнида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг таққослаб бўлмаслик даражада тез суръатлар билан ривожланишига эришмоқ учун керакли чораларни кўришимиз зарур. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига ажратилган маблағларга жиддий тузатишлар киритишга талаб қилинади. Токи иқлим шароитларидан қатъи назар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини зарур миқдорда олиб туриш таъминланадиган бўлсин. Ҳозир бизда бундай имкониятлар бор.

Совет ҳокимиятининг биринчи даврида, биринчи беш йилликлар даврида биз аввало оғир индустрияни, ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни вужудга келтирмоқ учун бутун куч ва ғайратимизни сарфладик. Бутун халқ хўжалигини ва мамлакат мудофаа кобилиятини мустаҳкамлашнинг негизи, маълумки, оғир саноатдир, оғир саноатни қиска муддат ичида вужудга келтирмоқ учун биз ҳамма нарсани, хатто, В. И. Ленининг сўзи билан айтганда, мактабларга қилинадиган сарфларни ҳам тежаб иш олиб бордик. Биз колокликни тезроқ тугатиш, хўжаликни тиклаб олиш ва уни олга силжитиш, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш ва империалистлар ҳужумини даф қила оладиган кучга эга бўлиш учун шундай қилишга мажбур бўлган эдик.

Мамлакатимиз душман капиталистик қуршов ичида турган шароитда социализм қурдик. Капиталистик қуршов бирдан-бир социалистик давлатни — Советлар мамлакатини бўғиб ташлашга интилиб турди. Бу капиталистик қуршов ичида яшаб колмоқ учун, душманларнинг социалистик давлатимизни эзиб ташлашларига йўл қўймаслик учун биз бутун кучимизни оғир саноатни вужудга келтиришга сарфладик.

Ҳозир аҳвол бутунлай бошқача. Бизнинг Совет мамлакатимиз қудратли замонавий саноатни вужудга келтирди. Мамлакатимиз жаҳонда саноат ишлаб чиқариши жиҳатидан иккинчи ўринда турибди ва ўзимизга зарур нарсаларнинг ҳаммасини ишлаб чиқара олади. Экономикамиз кучга тўлиб барқ уриб яшнамоқда, тез суръатлар билан ривожланмоқда. Совет мамлакатининг мудофаси мустаҳкам, ҳар қандай душман бизга ҳужум қилишга ўринадиган бўлса, уни емириб ташлай оламиз. Бизнинг аҳволимиз шунинг учун ҳам таққослаб бўлмас даражада янада мустаҳкам бўлиб қолдики, ҳозир Совет Иттифоқи бирдан-бир социалистик мамлакат эмас. Инсониятнинг учдан бир қисмидан кўпроғини бирлаштиган ҳамда қудратли ва тез ривожланувчи экономикага эга бўлган социалистик лагерь Совет Иттифоқи билан бирга бормоқда.

Эндиликда халқ эҳтиёжларини қондириш имкониятларимиз таққослаб бўлмаслик даражада ўсиб кетди. Ишчилар синфи, деҳқонлар, меҳнатчаш зиёлилар Совет ҳокимиятининг биринчи йилларида, биринчи беш йилликлар даврида мамлакат экономикасини, унинг мудофаасини мустаҳкамламоқ учун ўз камарларини маҳкамроқ боғлашга мажбур бўлган бўлсалар, эндиликда бизнинг мамлакатимизда аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини хийла тўлиқ қондирмоқ учун имкониятлар бор.

Юқорида айтиб ўтганимдек, етти йилликнинг дастлабки икки йилида саноатимиз пландан ташқари, янги пуллар билан ҳисоблаганда, 11 миллиард 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу эса, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, халқ фаровонлигини ошириш билан боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантиришга, етти йилликда мўлжаллангачга яна қўшимча равишда маблағлар ажратишимизга имкон берди. Масалан, шундай рақамларни айтиб ўтиш кифоя қилади. Етти йилликнинг дастлабки икки йили мобайнида шаҳарлар ва ишчи посёлкаларида 165 миллион квадрат метр уй-жой, ёки 4 миллион 600 минг квартира қурилди. Шу йиллар ичида қишлоқ жойларида колхозчилар ва қишлоқ зиёлилари 1 миллион 400 мингдан кўпроқ уй қуриб олдилар. Аҳолига моллар сотиш планда мўлжалланган 15,4 процент ўрнига 19,6 процент кўпайди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, шунингдек қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи саноатни ривожлантиришга сарфланадиган капитал маблағларни энди биз етти йиллик планда кўзда тутилган миқдорлагидан анча кўпайтириш имкониятига эгамиз

Совет Иттифоқи тарихий ривожланишнинг янги босқичида — коммунистик жамият қуришни авж олдириш босқичида турибди. Ҳозир мамлакатимиз шундай қудратли индустрияга, шундай баҳувват мудофаага эгаки, энди у саноатни янада ривожлантиришга ва мудофаани мустаҳкамлашга зарар етказмай туриб, қишлоқ хўжалигини ривожлантирмоқ учун, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқ учун, совет халқининг фаровонлигини янада юксалтирмоқ учун кўпроқ миқдорда маблағ ажратиб бера олади.

Халқимиз шуни кутмоқда, халқимиз ўзининг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилади, деб ишониши учун ҳамма асосларга эга. Халқнинг ўсиб бораётган талабларини қондирмоқ учун ҳозирги замон шароитида ҳамма ишни қилиш керак. Бу ҳаётий муҳим вазифани ҳал қилишда қишлоқ хўжалиги катта роль ўйнайди.

Партия XXI съезднинг, планни ошириб бажариш натижасида вужудга келган маблағларни саноатни ривожлантиришга, шунингдек кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга сарфлаш тўғрисидаги қарорини эслатиб ўтмоқчиман ва Марказий Комитетнинг докладида ҳам шу нарса айтиб ўтилган эди.

Қора металлургияни, машинасозликни, оғир саноатнинг ҳамма тармоқларини бутун чоралар билан ривожлантира беришимиз керак, чунки шундай қилинмаса, янада олга силжиб бўлмайди. Лекин биз қишлоқ хўжалигини ва истеъмол воситалари ишлаб чиқарувчи саноатни ривожлантиришда орқада қолишга йўл қўя олмаймиз. Шу сабабли, оғир саноатни ривожлантиришда партия XXI съездида қабул қилинган планларга амал қила беришимиз керак. Етти йиллик планларини ошириб бажариш натижасида ҳосил бўладиган маблағларни эса, истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи саноатни ва қишлоқ хўжалигини тағин ҳам кўпроқ ривожлантиришга сарфлаш зарур. Биз бу йўлда конкрет чораларни кўриб кўйдик.

Сизларга маълумки, ўтган йил СССР Олий Советининг сессияси тўқимачилик саноатини ҳамда истеъмол воситалари ишлаб чиқарувчи бошқа саноат тармоқларини ривожлантиришга (нархларнинг эски миқёси билан ҳисоблаганда) қўшимча равишда 25-30 миллиард сўм ажратиш тўғрисида карор қабул қилди.

Бу маблағ кифоя қилмай қолганлиги ҳозир кўриниб турибди. Қишлоқ хўжалигини етарли равишда юксалтирмоқ ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришнинг халқнинг ўсиб бораётган талабларидан тезроқ ривожланишини таъминлайдиган шароит вужудга келтирмоқ учун кимёвий ўғитлар ишлаб чиқарадиган заводлар ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари қуришга, қишлоқ хўжалигининг бошқа эҳтиёжларини қондиришга қўшимча равишда капитал маблағлар талаб қилинади.

Шу сабабли, агар биз етти йилликнинг охирига бориб, масалан, пўлатни 86-91 миллион тонна, яъни планлаштирилган миқдорда ишлаб чиқарадиган бўлсак, бу жуда яхши бўлади. Шу рақамлар ўзининг жуда катталиги билан коммунизм душманларини ларзага келтирди-ку, бутун дунёни ларзага келтирди-ку! **(Қарсаклар).**

Маълумки, овқатланаётган вақтда иштаҳа очилади, деган гап бор, мен буни тушунаман, шунинг учун ҳам энди баъзи ўртоқларимизнинг иштаҳаси очилиб кетди, улар мамлакатга кўпроқ металл бериш пайига тушиб қолдилар. Агар бу интилиш халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига зарар етказмайдиган бўлса, бу интилиш яхши интилишдир. Лекин металл кўп ишлаб чиқарила берса-ю, бошқа тармоқлар орқада кола берса, шу тармоқларнинг ўсишига тўсқинлик қилина берса, масалан, ғалла, сариёғ ва бошқа маҳсулотлар кам ишлаб чиқарила берса ёки ҳолда бу бир ёқлама ривожланиш бўлади. Шу нарсани ҳамиша эсда тутиш керакки, давлатнинг маъмурчилиги металлнинг миқдори билан ва бошқа кўрсаткичлар билан, масалан, инсон олаётган ва овқатланиш учун керак бўлган маҳсулотларнинг миқдори, кийим-кечак, пойафзалнинг ишлаб чиқарилаётган миқдори билан — умуман инсоннинг турмушига керакли ҳамма эҳтиёжларнинг қай даражада қондирилаётганлиги билан ҳам белгиланади. Шу сабабли, фақат бир томонгагина қараб оладиган камбала балиқка ўхшамаслик керак.

Агар биз, раҳбарлар мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришдаги нормал пропорциялар бузилишига йўл қўйсак, у ҳолда халкнинг ишончини оқламаган бўламиз. Халқ биздан олга қараб иш олиб боришимизни, бутун экономикамизнинг, маданиятимизнинг ривожланишини тўғри йўлга солиб туришимизни талаб қилади. **(Қарсаклар).**

Экономикани ривожлантиришда пропорциянинг бузилишига йўл қўймаслик учун фақат бир тармоқнинг ривожланишига махлиё бўла бермайлик. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари баб-баравар ривожлантирилиши, қишлоқ хўжалиги ўзининг ривожланишида орқада қолмаслиги, истеъмол воситаларини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш халкнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларидан илдам бўлиб, олдинда бориши зарур. Бундай қилиш шунинг учун ҳам жуда зарурки, етти йиллик план „бажарила бориши ва меҳнаткашларнинг фаровонлиги ўса бориши билан, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб тагин ҳам кўпроқ даражада ўса беради.

Лекин оғир саноат бўлмаса, металлургия бўлмаса, кимё саноати бўлмаса, электрлаштириш бўлмаса қишлоқ хўжалигини кенг миқёсда юксалтириб бўлмайди. Оғир индустрия — ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришдан иборатдир. Оғир индустрияни янада ривожлантирмай туриб, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида, шу жумладан қишлоқ хўжалигида ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш вазифасини ҳал қилолмаймиз, меҳнат унумдорлигини оширмай туриб эса озиқ-овқат маҳсулотларини мўл-кўл қилишга эриша олмаймиз. Сўзга чиққан ўртоқлар буни бу ерда мисоллар билан яхши кўрсатиб бердилар, улар қишлоқ хўжалик машиналарини, тракторларни тагин ҳам кўпроқ ишлаб чиқариш, сут согадиган аппаратларни, юклайдиган машиналарни ҳамда бошқа машиналар ва механизмларни кўпроқ ишлаб чиқариш кераклигини айтдилар. Буларнинг ҳаммаси металлдан қилинади. Шунинг учун ҳам мен экономикамизнинг ҳамма тармоқларини муайян пропорцияда ривожлантириш керак, деб айтяпман.

Коммунизм қуриш ҳаммамизнинг асосий вазифамиздир, бу қурилишни таъминламоқ учун эса халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини баб-баравар ривожлантириш, дадил бўлиб олга бориш керак.

Мамлакатимиз биринчи даражали индустрияга ва қудратли мудофаага эга бўлганлиги билан совет кишилари фахрланмоқдалар. Эндиликда биз, империалистларнинг сиёсатини ларзага келтирамиз деб ғалвирга қарамай, ўз экономикамизни халкнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тағин ҳам тўлиқ қондиргаҳ ҳолда ўзимизга зарур йўлда ривожлантира беришимиз мумкин. Империалистлар бизнинг кучимизни яхши биладилар, ҳарбий авантюралар қилишга ишқибоз бўлганларни оёқларини осмондан келтириб дабдала кила олишимизни биладилар! **(Қарсаклар).**

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қўшимча маблағлар ажратиш билан бирга ўз олдимизга шундай бир мақсадни — қишлоқ хўжалик ишларини табиат инжиқликларига боғлиқ бўлмай ташкил этишимизга имкон берадиган шарт-шароит вужудга келтириш мақсадини кўйишимиз лозим. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши шундай ташкил қилиниши керакки, у халқ эҳтиёжларини қондириш учун зарур маҳсулотлар олишимизни ҳар йил, ҳар қандай иқлим шароитида таъминлайдиган бўлсин. Бу вазифани амалда қандай бажариш керак? Модомики, ҳозирча об-ҳавони бошқаришни ўрганиб олмаган эканмиз, бизнинг фикримизча, ирригация — миллион-миллион гектар ерни суғориш ва сув билан таъминлаш муттасил мўл ҳосил олишни таъминлайдиган энг ишончли воситадир.

Бундай бир савол, ирригация муҳимми, ёки мелиорация муҳимми, деган савол қўйилиши мумкин. Менимча, аввало ирригация керак. Ирригация Жанубнинг қуёшга сероб бўлган, лекин намлиги етишмаётган беғоён ерларини ишга солишимизга имкон беради. Қўриқ ерлар ўзлаштирилганлиги туфайли шарқий районларда бир неча ўн миллион гектар ерни ишга солдик. Ирригация туфайли Ўрта Осиёда, Россия Федерациясининг ва Украинанинг жанубида, Закавказье республикаларида бир неча миллион гектар ер ишга солинади.

Мелиорация ишларини ўтказишдан ҳам воз кечмаймиз, албатта. Ҳозирча кўп капитал маблағ талаб қилмайдиган баъзи ерларда мелиорация ишларини ўтказишга тўғри келади. Ботқоқ ерларни эмас, балки зах босган ва нами кўпайиб кетган ерларни, ўтлоқларни назарда тутиб бу гапни айтаётирман, бу ерда ўртоқлар бу ҳақда гапириб ўтишди. Белоруссия, Латвия, Литва, Эстония, Россия Федерациясининг, Украина ҳамда бошқа республикалар ва областларда бундай ерлар кўп. Қилинадиган мелиорация ишларининг миқдори иқтисодий имкониятларимизни хисобга олиши лозим. Бу ишларнинг биринчи навбатда бажарилиши эса, ҳанчалик манфаатли бўлиши билан белгиланади.

Ирригация ишларини кенг миқёсда ўтказиш керак бўлади. Ирригация бизга пахта, шоли, маккажўхори сингари қимматли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳамиша керак миқдорда олиб туришимизга имконият беради, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни — гўшт, сут, сариёғ, жун етиштиришни анча кўпайтиришимизга имкон беради.

Суғориладиган ерлардан қўшимча яна бир-бир ярим миллиард пуд дон олишимиз, агар керак бўлса бундан ҳам кўпроқ дон олишимиз мумкин. Демак, биз мамлакат эҳтиёжларининг 30-40 процентини суғориладиган ерлардан муттасил олинадиган ғалла билан қондиришимиз, яъни қурғоқчиликлар ва бошқа ноқулай об-ҳаво шароитларидан қатъи назар, муттасил ҳосил олиб туришимиз

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқининг давоми

(Боши биринчи бетда)

Ўрта Осиё, шу жумладан, Мирзачўл районлари, Россия Федерациясининг жанубий, Украинанинг жанубий, Грузия, Озарбайжон, Арманистон мана шундай ерларга эга бўлган районлардир.

Узоқ Шарқда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса шоли етиштириш кўпайтириш учун катта имкониятлар бор. Лекин Узоқ Шарқда асосан мелиорация ишларини ўтказишга, ботқоқликларни қуритишга тўғри келади, чунки Узоқ Шарқ ери нами кўп зонадир. Ерларни текислаш ишларини ўтказишга тўғри келади. Далаларни сув босиб кетмаслиги учун тўғонлар қуришга ҳам тўғри келса керак.

Шу нарсани яхши тушуниб олиш керакки, қўриқ ерларни очиш учун қанча кўп куч сарфлаган бўлсак, катта миқёсдаги ерларни суғоришни ривожлантирмоқ учун ҳам шунча кўп куч сарфлашимиз лозим.

Бу эса, катта-катта капитал маблағлар ва бирталай вақт талаб қилади, албатта. Ирригация ишларининг кенг программасини амалга оширмоқ учун бизга беш йил эмас, балки анча кўп вақт талаб қилиниши турган гап. Биз бундай программани ишлаб чиқишимиз ва уни сира бузмай амалга оширишимиз лозим. Хозир шундай программа ишлаб чиқилмоқда.

Ирригация ишларини авж олдиришга қулайлик туғдирадиган нарса шуки, бу ишлар Волга ва Днепр районларида гидроэлектростанциялар қуриш билан чамбарчас боғланган ҳолда ўтказилади. Волга делтасини, Днепр делтасини, айтиш мумкинки, Дунай делтасини ҳам ўзлаштириш соҳасида катта ишлар қилишимиз керак. Лекин Дунай делтасини ўзлаштириш ишларини руминиялик ўртоқлар билан келишиб қилиш керак бўлади, чунки Дунай делтасини ўзлаштириш биз учун ҳам, руминлар учун ҳам манфаатли бўлади.

Украинанинг жанубида ерларни суғориш учун жуда қулай шароит бор. Мисол учун Қримни олиб кўрайлик. Қримнинг дашт қисмидаги ҳамма ерларни суғориш ва шу ерларда хилма-хил экинлардан мўл ҳосил олиш мумкин. Днепр суви Қора денгизга оқиб ётибди, биз бу сувдан Украинанинг жанубини ва Қримни суғориш учун фойдаланишимиз мумкин. Украинанинг жанубида ва Қримда яхши ерлар бор, қуёш нури ва иссиқлик кўп. Мамлакатнинг бошқа жанубий районларида ҳам шундай қулай шароитлар бор.

Ирригация проблемасини ҳал қилмоқ учун, мамлакатнинг турли районларида бирталай янги гидротехника иншоотлари қуришимиз, масалан, Норак гидроэлектростанциясини қуришимиз керак. Шу муносабат билан мен шуни айтмоқчиманки, биз ўз мамлачатимизни, унинг жуда бой ресурсларини ҳали ҳам яхши билмаймиз. Агар биз мамлакатимизни яхшироқ билганимизда эди, Сибирнинг ичида ўралишиб қолмасдан, аввало, маблағларни Норак ва Ўрта Осиё районларида бошқа гидроэлектростанцияларни қуришга аллақачон сарфлаган бўлур эдик. Сибирда ҳам гидроэлектростанциялар қуришимиз керак, лекин бу ишни кейинги навбатда бажаришимиз керак.

Мисол учун Братск гидроэлектростанциясини олиб кўрайлик. Биз уни тез фурсатда қуриб бўламиз, лекин бу станция ишлаб чиқарадиган электр энергияни истеъмол қилувчилар ҳозирча ўша ерларда йўқ. Бу станцияни қуриш у ердаги ёғочни қайта ишлашимизга, кимё ва алюминий заводлари қуришимизга имконият беради. Лекин шуларнинг ҳаммасини Ўзбекистонда ҳам, Тожикистонда ҳам қилишимиз мумкин эди-ку. Яна бунинг устига бу республикаларда иқлим шароити ҳам яхши. Гидроэлектростанциялар қуриш билан бир қаторда алюминий саноатини ҳам ривожлантириш мумкин эди, чунки у ерда бу саноат учун хомашё бор. Шу республикаларда қамишдан целлюлоза ишлаб чиқарадиган завод ҳам қуриш мумкин. Бу республикаларда қамишзор тўқайларнинг ҳисоби йўқ. Яна бундан ташқари биз шу республикаларда икки ёки уч миллион гектар ерни суғорган бўлур эдик.

Туркманистонда, Тожикистонда ва Ўзбекистонда суғориладиган шу қадар кўп ерга эга бўлишнинг нималигини тасаввур қила оласизми! Уч миллион гектар суғориладиган ерга шоли экиладиган бўлса, 900 миллион пуддан кўпроқ (гектаридан 50 центнердан ҳосил олинганида) шолига эга бўлиш мумкин. Шу районлардаги илғор шоликорлар қандай муваффақиятларга эришаётганларига бир назар солинг. Улар шолининг гектаридан 73 центнердан ва ҳатто 80 центнердан ҳосил олмоқдалар. Лекин ҳамма нарса бирданига бера кела бермайди, деган гап бор. Яхшики энди биз, гарчи кечикиб бўлса ҳам, гидроэлектростанциялар қуришга капиталлар сарфлашни бундан буён қандай ривожлантиришни ва бу ишдаги биринчи навбатда бажаришни тўғри тушуниб қолдик.

Сталинград ва Куйбишев районларида суғориш шохобчалари қуриш катта аҳамиятга эга бўлади. Шимолдаги Печора ва Вичегда дарёларининг сувини Кама дарёси орқали Волгага оқизиб юбориш проблемасини ҳал қилишни олиб бориг. Бу жуда катта вазифа, ўртоқлар! Шу иш билан шуғулланган машҳур олимимиз ва бинокоримиз марҳум Сергей Яковлевич Жук бир вақт менинг олдимга келиб, Шимолий Муз океанига оқиб ётган шу дарёларнинг сувларини Каспий денгизига буриб юбориш мумкинлигини айтган эди. Бу ишни бажарсак Камада ва Волгада қурилган электростанциялардан Волжск гидроэлектростанцияси бераётган миқдорда электр энергия олишимиз мумкин. Волжск гидроэлектростанциясини қуриш, эсингизда бўлса керак, давлатга 12 миллиард сўмга тушди, Печора ва Вичегда дарёларининг сувларини ўзимизга керакли ўзанга буриб юбориш учун даркор иншоотларни қуриш учун эса, мутахассисларнинг қилган ҳисобларига қараганда, тахминан 6-7 миллиард сўм сарф бўлади. Бундан чиқадиган хулоса шуки, ҳозир ишлаб турган гидроэлектростанциялардан, масалан, В. И. Ленин номидаги Волжск гидроэлектростанциясидан қариб икки баравар арзонга тушадиган электр энергия олишимиз мумкин.

Бундан ташқари, шундай иншоотлар қуриш натижасида Каспий денгизи сувининг сатҳини бир меёрда сақлаб туриш имконияти очилади, бу денгизнинг суви ҳамиша камайиб бормоқда. Яна шундай бир факторни ҳам назарда тутиш керакки, биз мамлакатнинг шимолидан жанубига ўтадиган иқтисодий манфаатли янги сув йўлига эга бўлиб қоламиз ва, шундай қилиб, ўрмони кўп шимолий районлардан ёғочларни мамлакатнинг жанубига ташиб келтириш учун йўл очамиз. Шу проблема ҳал қилиниши билан бошқа соҳаларда, масалан, кемачилик соҳасида ҳам бошқа кўпгина фойда ва қулайликларга эга бўлиб қоламиз. Бу проблема ҳал қилинганидан кейин Жанубий денгизларимиз Муз океани билан сув йўллари орқали туташади.

Бизнинг олдимизда мана шундай катта имкониятлар очилмоқда. Эндиликда бу ишларнинг ҳаммаси қўлимиздан келади; тегишли иншоотларни қурмоқ учун анча кўп металл талаб қилинмайди, чунки унда асосан ер қазиш ва бирмунча бетон ётқизиш ишларини бажариш керак. Замонавий техникани эътиборга олганда кенг ҳажмдаги ер қазиш ишларини бемалол бажароламиз. **(Қарсаклар).**

Буларнинг ҳаммасини иқтисодий жиҳатдан ҳам, инженерлик нуқтаи назаридан ҳам яхши ҳисоблаб чиқиш керак бўлади, албатта.

Биз Украинанинг жанубида, Шимолий Кавказ ва Закавказье районларида суғориш системаларини ҳам вужудга келтиришимиз керак. Такрор айтаман, бу проблемаларнинг ҳаммасини пухта ўрганиб чиқиш, инженерлик ва иқтисодий ҳисоб-китобларни тайёрлаб қўйиш керак.

Суғориладиган ерларда бошқа экинларга нисбатан энг кўп иқтисодий натижа олишга имкон берадиган экинга кўпроқ ўрин бериш керак.

Пахтачилик районларида суғориладиган ерлардан биринчи галда пахта экиш учун фойдаланиш лозим. Пахта иқтисодий жиҳатдан энг фойдали экиндир. Бу экинни яхши биладиган кишилар менинг илтимосимга мувофиқ, шундай ҳисоб-китоб қилдилар.

Бир гектар ердан 20 центнердан пахта олинганида қуйидагиларни ҳосил қилиш мумкин:

4 минг 840 метр газлама,
172 килограмм пахта мойи,
452 килограмм кунжара,
30 килограмм кир совун,
70 килограмм линта (момиқ),
160 килограмм ўруғлик чигит.

Бир гектар ердан олинган маҳсулотни реализация қилишдан тушадиган бутун даромад янги нархларда 4.540 сўмни, пахта етиштириш ва ундан олинадиган маҳсулотга бўладиган ҳамма сарфлар эса 1762 сўмни ташкил этади. Шундай қилиб, ҳар гектар ердан тушадиган соф фойда янги пул ҳисобида 2778 сўмни, ёки эски пул ҳисобида 27,780 сўмни ташкил этади.

Аммо илғор колхозлар ҳар гектар ердан 20 центнердан эмас, балки 40 центнердан пахта олмоқдалар. Ҳар гектар ердан 40 центнер пахта етиштириш нима дегани? Бу—жами икки баравар кўпроқ ҳосил олиш демакдир, маҳсулотни реализация қилишдан келадиган даромад эса янги нархларда 9.080 сўм бўлади. Пахта етиштириш ва маҳсулотни қайта ишлаш учун жами 3.524 сўм сарф қилинади. Бир гектар ердан янги пуллар билан 5.556 сўм, ёки эски пуллар билан 55.560 сўм соф фойда олинади.

Бунга қуйидагиларни ҳам қўшмоқ керак: гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили олинганида хўжалик 904 килограмм кунжарага эга бўлади. Бу эса 960 озуқа единицасига ёки қариб 10 центнер сулига баравардир. Чорва моллар ана шу кунжара билан боқилганида 820 килограмм сут ёки 2 центнер гўшт олиш мумкин.

Шу сабабли биз пахтага—кенг йўл очиб берилсин, демоқдамиз! **(Қарсаклар).**

Афтидан, ҳаммадан аввал ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, туркманлар ва бошқа пахтакорлар қарсак чалаётган бўлсалар керак. Аммо ўртоқлар бу нарса маҳаллийчиликка берилиб кетишни кўрсатмайди, балки уларнинг ишни яхши англаганликларини ва суғориладиган ерларда пахтани кўпроқ етиштириш учун курашганларида бу масалага давлат нуқтаи назаридан қараётганликларни кўрсатади. **(Қарсаклар).**

Ирригация—деҳқонларнинг қадимий орзусидир. Эндиликда бу орзу рўёбга чиқмоқда. Ҳозирги вақтда суғориладиган ерларни кенгайтириш учун бениҳоя катта имкониятлар бор. Авваллари биз ариқ суви билангина суғориш таяниб иш кўрган эдик. Техника ва фаннинг ҳозирги тараққиётини эътиборга олганда биз эндиликда ариқ суви билан суғориш усулига қарам бўлиб қолмаймиз. Кучли насосларни ўрнатиш, электр энергиясидан фойдаланиш ва энг яхши майдонларни суғориш учун сувни зарур баландликка чиқариш мумкин. Экономистлар ва ирригаторларнинг тахминий ҳисобларига қараганда, бу ариқ суви билан суғоришдан кўра ҳатто арзонга тушади.

Ирригация қишлоқ хўжалигини интенсивроқ олиб бориш йўлида янги қадам қўйишимиз учун имконият яратиб беради. Ирригация соҳасидаги кенг программа—катта истиқболга эга бўлган ишдир

Буржуа экономистлари инсоният олдида ер юзи аҳолисининг ортиб кетиш таҳдиди туғилмоқда, деб айтмоқдалар. Бундай кишилар одамларни озиқ-овқат билан таъминлашнинг мавжуд имкониятларини ё тушунмайдилар, ёки қасддан бузиб тасвирлайдилар, бу имкониятларнинг аҳамиятини камситадилар. Фан ва техниканинг ютуқларидан тўғри фойдаланилса, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун ҳақиқатан ҳам чексиз имкониятлар бор.

Мисол учун Ҳиндистонни олиб кўрайлик. Бу мамлакат ўзига керакли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштира олмайди. Бунга шу нарса сабабки, Ҳиндистон иқтисодий жиҳатдан қолоқдир, бунга сабаб шуки, мустамлакачилар уни талаб келган эдилар, иқтисодий тараққиётни орқага суриб юборган эдилар. Агар Ҳиндистонга электр энергияси, насослар бериладиган бўлса, трубопроводлар қуриладиган бўлса, сувни тегишли баландликка чиқариш ва ерни суғориш мумкин бўлади. Ахир Ҳиндистонда жуда кўп сув ресурслари бор-ку. Ана шу ресурслардан яхши фойдаланганда, ҳозирги вақтда қақраб ётган миллион-миллион гектар ерларни суғориладиган ва мўл ҳосил берадиган ерларга айлантириш мумкин

Осиё, Африканинг ҳар бир мамлакатида, хуллас ҳамма жойда ҳам талаб этилган миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш мумкин. Бинобарин, инсоният аҳоли сони ортиб кетади деб, хавфсирамай бемалол яшаши мумкин. **(Шодиёна жонланиш. Қарсаклар).**

Бизнинг мамлакатимиз учун эса, бу нарса умуман проблема эмас. Бизда ҳақиқатан ҳам битмас-туганмас имкониятлар бор. Мамлакатнинг колхоз ва совхозлари ҳозирча гектаридан ўрта ҳисобда 10-11 центнердан ҳосил олмоқдалар. Агар биз етарли миқдорда минерал ўғитлар берадиган бўлсак, шу майдонларнинг ўзида гектаридан 25-30 центнердан ҳосил оламиз. Маккажўхори етиштиришда қанчадан-қанча катта имкониятлар бор! Машҳур маккажўхорикорлар — Марк Озерний, Пенчо Пенчев ва бошқалар қандай мўл ҳосил олганликларини эса олингиз. Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг истиқболлари ана шундай.

Ирригация программаси билан бир қаторда минерал ўғитлар ва бошқа қимёвий моддаларни—гербицидларни, мочевиналарни, бактерия ўғитларини ва зарур бўлган бошқа қимёвий материалларни ишлаб чиқариш планини ҳам тузиб чиқишимиз зарур.

Тез юрадиган кучли тракторларни ва уларга тиркаладиган асбобларни ишлаб чиқаришни ҳам ташкил этиш, комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришни кўпайтириш керак.

Ўртоқлар! Мен перспектив масалалар ҳақида гапирдим. **Аммо ҳозирги пайтда асосий нарса шуки, шу йилнинг ўзидаёқ ва яқин йиллар ичида дон, техника экинлари, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кескин суратда кўпайтириш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланиш керак.** Халққа гўзал истиқболни ваъда қилиш билангина чекланиш ярамайди. Шунга эришмоқ керакки, шу куннинг ўзидаёқ одамларда сут ҳам, гўшт ҳам, бошқа маҳсулотлар ҳам бўлсин. Истиқбол тўғрисида ваъда бериб, ҳаёл сурган ҳолда ана шу истиқболга эришмоқ учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилмаслик—маниловчиликдир.

Руҳонийлар: бу дунёда кўпроқ жабр-жафо чеккан кимса вафот этганидан кейин нариги дунёда фароғатда бўлади, дейдилар. Бизнинг бундай руҳонийларга тақлид қилишга ҳақимиз йўқ ва ҳеч қачон тақлид қилмаслигимиз керак. Биз ер устида ҳамиша барқарор турган коммунистлар, инсонлар бўлишимиз, одамларга нариги дунё роҳатларини ваъда қилмай, уларни бу дунёнинг ноз-неъматлари билан таъминлашимиз керак. Энг муҳими шуки, ваъда беришгина қолмай, балки бу вазифаларни ҳал этиш, одамларни улар учун керакли бўлган зарур нарсаларнинг ҳаммаси билан яхшироқ таъминламоқ учун бутун чорани кўриш керак. **(Қарсаклар).**

2. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФАН ВА ИЛҒОР ТАЖРИБАНИНГ РОЛИНИ КЎТАРАЙЛИК

Ўртоқлар! Пленум қатнашчиларининг докладларида ва нутқларида қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилашга, мавжуд резервлардан тағин ҳам тўлароқ фойдаланишга қаратилган кўпгина қимматли таклифлар айтиб ўтилди, конкрет тадбирлар баён қилиб берилди.

КПСС Марказий Комитети Президиумига ёзилган Хатда ва шу Пленумда сўзланадиган нутқнинг қўлларингизга берилган тезисларида айтилганларга қўшимча қилиб, қишлоқ хўжалигига раҳбарликнинг баъзи масалалари ва энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг кечиктирилмайдиган вазифалари устида гапириб ўтмоқчиман.

Аввало Қишлоқ хўжалик министрлигини ва унинг жойлардаги органларини қайта ташкил қилиш тўғрисида, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фан ва илғор тажрибанинг ролини ошириш ҳақида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва колхозларни техника билан, ўғитлар билан таъминлаш ишларини ташкил этиш тўғрисида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини савдо билан шуғулланувчи кооперация ёки бошқа шу хилдаги ташкилот орқали сотишни ташкил этиш тўғрисида гапириб ўтмоқчиман.

Илгари Қишлоқ хўжалик министрлиги қишлоқ хўжалигини ривожлантириш планларини ишлаб чиқиш, колхозларни техника, ўғитлар ва бошқа зарур материаллар билан таъминлаш билан шуғулланиб келди, моддий воситаларни республикалар ўртасида тақсимлаш билан шуғулланиб келди. Кейинги йилларда бу вазифалар СССР Госпланига топширилди. Шароит ўзгарди-ю, аммо Қишлоқ хўжалик министрлигининг структураси аввалги ҳолида қола берди.

Ҳозир Қишлоқ хўжалик министрлигининг ишини, унинг маҳаллий органларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларнинг ишини бутунлай янгича ташкил қилиш зарур.

Илмий муассасаларга раҳбарлик қилиш, фанни янада ривожлантириш ва қишлоқ хўжалик илғорларининг тажрибаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш Қишлоқ хўжалик министрлигининг асосий иши бўлиши лозим. Қисқача қилиб айтганда, Қишлоқ хўжалик министрлигининг фаолияти биринчи навбатда ҳамма колхозлар ва совхозларга мамлакатнинг илғор хўжаликларида бўлган ишлаб чиқариш даражасига эришиб олишлари учун ёрдам беришга қаратилиши лозим.

Министрликнинг структураси ҳам, афтидан, шунга мувофиқ бўлиши лозим.

Селекция ишларини ташкил этиш, уруғчиликни ривожлантириш министрликнинг асосий вазифаларидан биридир. Бизда қишлоқ хўжалик экинларининг яхши навлари бор, ажойиб селекционерлар бор, аммо уруғчилик ишида эса тартиб ҳали ҳам етишмаётир. Уруғчиликка доир қатъий қонунчиликка эга бўлишимиз керак. Ҳар бир хўжалик районлаштирилган энг яхши навлардан бўлган уруғликлар экиши лозим.

Чорва молларнинг зотларини районлаштириш, наслдорлик иши, ветеринария хизмати кўрсатиш, карантин хизмати кўрсатиш, қишлоқ хўжалик адабиётн нашр қилиш, илмий-техника ва бошқа оммабоп фильмлар чиқариш сингари масалалар СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг қарамоғида бўлиши лозим.

Илмий муассасаларга раҳбарлик қилиш учун, колхозлар ва совхозларга илмий тавсиялар ишлаб бериш учун жавобгарлик министрликнинг зиммасида эканлигини айниқса уқтириб ўтмоқчиман. Ҳозирги вақтда илм-фанга таянмай туриб, қишлоқ хўжалигини бошқариш мумкин эмас. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишни тағин ҳам мустаҳкам негизга қуриш керак. Халқ хўжалигининг ҳар қандай тармоғи илм-фанга таянади. Қишлоқ хўжалигида эса, кўпинча илм-фан назар-эътиборга олинмаётир. Мутахассислар ва олимларнинг фикрлари билан ҳисоблашилмаётир.

Қандайдир чала мулла бир киши металлургия заводига келиб, пўлатни қандай қилиб эритишни металлургларга ўргата бошласа, бунинг оқибати нима бўлиб чиқишини тасаввур қилиб кўринг-чи. Лекин заводда бундай ҳодисалар бўлмайди.

Қишлоқ хўжалигида-чи? Қишлоқ хўжалигида ҳар ким ўзини мутахассис қилиб кўрсатиши мумкин экан. Ошонада бир марта картошка еган киши ўзини қишлоқ хўжалигини биламан, қишлоқ хўжалигига даҳлим бор, деб ҳисоблай беради. **(Қарсаклар).**

Бундай фактларга тоқат қилиш мумкин эмас, ўртоқлар! Ҳозир бизга бунинг зарбаси тегяпти, буни ҳозир ҳис қилмоқдамиз. Аммо биз олга боришимиз керак. Йўл очиқ, агар биз компасни тўғри ушлаб олсак, олга томон бемалол бора берамиз. Фан эса, бизга компасдир. Фан бўлмаса олга бориш мумкин эмас. Қишлоқ хўжалик фанига тағин ҳам жиддий эътибор бериш керак. Турмуш билан боғланган, ишлаб чиқаришга ёрдам бераётган, уни олга силжитаётган фанни қўллаб-қувватлаш керак. Фанга илашиб қолган сохта олимлар билан курашиш керак.

Министрлик ва Ленин номли Қишлоқ хўжалик фанлари академияси ҳар бир институтнинг ишидан хабардор бўлиб туришлари лозим Баъзи илмий-тадқиқот институтларининг хўжаликларида олиб борилаётган ишлар теварак-атрофдаги колхозларнинг ишидан ёмонроқ. Мисол учун, Бутуниттифоқ Чорвачилик институтини олиб кўрайлик (институт директори Бурлаков). Бу институт Москвадаги 8-март кўчасида «Динамо» стадиони яқинида жойлашган.

Институтнинг Москва областидаги Подольский районида тажриба хўжалиги—«Кленово—Чегодаево» совхози бор. Хўжаликнинг 6000 гектарга яқин ери, шу жумладан, ҳайдаладиган 4700 гектар ери бор.

Шу районда жойлашган, бир хил шароитга эга бўлган, ери ҳам бир хил бўлган «Большевик» колхози билан таққослаганда, институт хўжалиги олган ҳосил қуйидагича:

Ҳосилдорлик (гектаридан центнер ҳисобида)

	институт хўжалиги	«Большевик» колхози
Дон экинлари	9,8	14,7
маккажўхори	150	660
картошка	83	102

Институт хўжалиги 6 минг гектар ерга эга бўлгани ҳолда, ўзининг чорва молларини ем-хашак билан таъминлай олмаётир

Буни қандай қилиб илмий институт деб бўлади, унинг тажриба хўжалигидан нимани ўрганиш мумкин?

Москва областида (Ленинские Горида) академик Т. Д. Лисенконинг тажриба фермаси бор. Уни Чорвачилик институтининг «Кленово—Чегодаево» хўжалиги билан таққослаб кўриш фойдали бўлади.

	1960 йилда ҳар бир сигирдан согиб олинган сут килограмм ҳисобида	сутнинг таркибидаги мойнинг проценти
Лисенко фермаси	4919	5,07
Институт хўжалиги	3226	3,66

Сут таркибидаги мойни 0,1 процентгина кўпайтириш қандай натижа беришини биласизми? 1959 йилда колхозлар ва совхозлар 30 миллион тонна сут етиштириб берди. Агар шу миқдордаги сутдан 0,1 процент мой олинса, кўшимча 30 минг тонна сут мойи ёки 36 минг тонна сариёғ ҳосил қилиш мумкин, яъни ҳар бири ўрта ҳисобда 2600 килограммдан сут берадиган 300 минг сигирнинг сутидан олинаётган миқдорида мой ҳосил қилиш мумкин.

Турмуш билан, практика билан боғланган чинакам фан деб шуни айтадилар.

Лекин бизда самарасиз илмий ишлар ҳам оз эмас. Масалан, профессор Арзуманян раҳбарлигида қорамол илик суягининг аҳамияти деган темани ўрганишга кўп йиллар сарфланди.

Тадқиқотлар натижасида олим қуйидаги хулосага келган: «Ўзига туташган мускуллари қисқартириш ва кенгайтириш йўли билан йўғон суяк ричаглар функциясини бажариб, бутун организмнинг айрим қисмларини керакли ҳаракатга келтиради. Скелетнинг айрим суякларн, чандирлари, чоқларн ва тоғайлари бўлган мускуллар орқали бир-бири билан боғланиб, организмга керакли мустаҳкамлик ва айни вақтда керакли ҳаракатчанлик беради».

Олимлар, илик суяги жониворнинг ёшига қараб ўзгаради, деган чўқур хулосага келибдилар.

Қишлоқ хўжалик фанини ишлаб чиқариш билан чинакамига боғлаш пайти келди

Қишлоқ хўжалик министрлиги, унинг жойлардаги органлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари илғорлар тажрибасини кенг ёйишга алоҳида эътибор беришлари лозим.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг илғорлари, ўртоқлар, қишлоқ хўжалигини намунали ташкил қилиш, юксак унумдорликка эришиш йўлини кўрсатиб турувчи йўлчиларимиздир. Улар қишлоқ хўжалигининг энг хилма-хил тармоқларида ва мамлакатнинг турли зоналарида қандай ажойиб натижаларга эришганликларини кўринг.

Мисол учун, маккажўхори етиштириш усталарини олиб кўрайлик. Ўртоқ Долинюк—Тернополь областидаги Сталин номли колхознинг звено бошлиғи — маккажўхорининг ҳар бир гектаридан 167 центнердан дон олди! Урушдан кейинги дастлабки йилларда Украинада аҳвол жуда оғир бўлганлиги менинг эсимда. Чамамда 1948 йилда шундай бўлган эди. Ўша вақтда машиналар йўқ эди. Уруш ҳамма нарсани хонавайрон килган эди. Ҳамма иш қўл билан бажарилар эди. Қанд лавлаги етиштиришни ривожлантириш керак эди. Биз лавлагикорларни тўпладик. Бу кенгашда оддий колхозчилар ва совхоз ишчилари, звено бошлиқлари қатнашди. Кенгаш қатнашчилари орасида Полтавадан келган бир чол ҳам бор эди; унинг фамилияси ёдимда қолмапти. У звено бошлиғи бўлиб ишлар эди, кези келганда шуни айтиб ўтайки, лавлаги экиш билан шуғулланадиган звенода эркак кишининг бошлиқ бўлиб ишлаши камдан-кам учрайди. У, лавлагининг гектаридан 500-600-700 центнер ҳосил олар эди.

Ўша вақтда лавлагининг гектаридан 200 центнер ҳосил олишга эришамиз деган вазифа қўйилган эди. Мен бу рақамни мажбуриятга ёзиб қўйиш кераклигини исботлаб гапирдим. Шу пайтда ўша чол сўз олиб бундай деди: «Никита Сергеевич, кўпроқ қилиб ёзиш керак, менки 500-600-700 центнер олаётган эканман, 200 центнер олиш ҳеч гап эмас, лоақал 350 центнер ҳосил оламиз, деб ёзиб қўйилик».

Гўё мен лавлагидан кўпроқ ҳосил олишга қарши бўлган кишидек, у мени 350 центнер ҳосил олиш керак деган рақамни мажбуриятга ёзиб қўйиш керак деб қистай берди. Ваҳоланки мен, лавлаги экилган жамики майдонда лоақал 200 центнердан ҳосил олинса, жуда ҳам соз бўлар эди, деб ўйлардим. Лекин реал имкониятларни ҳисобга олиш керак эди. Аммо деҳқоннинг ўзи гектаридан 500-600 центнер ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил олаётган бир пайтда мажбуриятга 350 центнерни ёзиб бўлмайди деб мен унга қандай қилиб ҳам исботлай олар эдим. Шунга қарамай, деҳқон менинг фикримни тушунди ва унга рози бўлди.

Чувашистон республикасидаги Ленин номли колхознинг аъзолари ва колхоз раиси ўртоқ Коротков маккажўхори етиштиришда жуда яхши ўрнак кўрсатмоқдалар. Колхоз маккажўхорининг гектаридан 800-1000 центнер ҳосил олмоқда, ҳар юз гектарга ҳисоблаганда колхознинг 29 гадан сигири бор. Кабарда-Балқар Автоном Республикасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ **Тарчоков** раис бўлиб ишлаётган Ленин номли колхоз 800 гектар ердаги маккажўхорининг ҳар гектаридан 82 центнердан дон олди. **(Қарсаклар).**

Пахтачилик соҳасида ажойиб илғорларимиз бор. Тожикистон ССР да ўртоқ Маҳамадалиев раис бўлиб турган Ленин номли колхоз 2570 гектар ернинг ҳар бир гектаридан 40,7 центнердан пахта топширди ва 1961 йилда 2700 гектар ернинг ҳар бир гектаридан 43 центнердан пахта топшириш тўғрисида мажбурият олди.

Бундай кишиларни, қишлоқ хўжалигининг бундай усталарини ҳурматлаб, ҳар қанча гапирсак ҳам кам. Белоруссиядаги «Рассвет» колхозининг раиси, Ватан уруши инвалиди ўртоқ Орловский шу ерда ўтирибди, унинг ёши ҳам анчага бориб қолган, аммо, у, колхозга жуда яхши раҳбарлик қилмоқда, янги муваффақиятлар учун курашмоқда.

Коммунистик идеяларга астойдил берилган чинакам коммунист мана шудир. «Рассвет» колхози ҳар юз гектарга ҳисоблаганда 85 центнердан гўшт ва 754 центнердан сут етиштирди. Агар бутун мамлакатда ернинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда шунчадан гўшт ва сут етиштириб берганимизда эди, биз маҳсулотни қўйишга жой тополмай қолур эдик.

Курск областининг Калиновка қишлоғида ўртоқ Грачев раислик қилаётган колхозни мисол учун олиб кўрайлик. Бу колхоз тўғрисида гапирмасдан ўтолмайман, чунки бу колхозда рўй берган ўзгаришларга ўзим шоҳидман. Калиновкада ернинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда 160 центнердан гўшт ва 758 центнердан сут етиштирилди. Калиновкадек жойда шундай натижага эришилди! Ахир, мен ўз қишлоғимни биламан-ку. Менинг биринчи муаллимам — Лидия Михайловна Шевченко — яқинда менинг меҳмоним бўлди. У айтдики, Калиновка сингари камбағал қишлоқни учратмаган эдим. Бу қишлоққа келганимда, унинг камбағаллигини кўриб ҳайратда қолган эдим.

Калиновкадаги кўпчилик деҳқонларнинг ўзлари етиштирган галла рождествога қадар етмай қолар эди. Шу сабабли, қишлоқ одамлари рудникларга, заводларга, ўз қишлоқларидан бўлак бошқа ҳар қандай жойларга тарқалиб кетишар эди, бунинг сабаби шуки, уларнинг ўз қишлоғида сийдиган нарса қолмас эди. Энди бўлса, худди ўша ерларнинг ўзида одамлар қандай натижаларга эришганликларига бир назар солинг. Совет ҳокимияти уларга ишлаб чиқаришни шундай ўстиришни ва ўзларининг моддий фаровонликларини шундай ўстиришни таъминлайдиган имконият яратиб берди.

Бундан икки йил муқаддам қўшни Жеденовка қишлоғидаги занф колхоз Калиновкага қўшилди ва Калиновка колхозининг бригадаси бўлиб қолди. Шу бригадада етиштирилаётган маҳсулотларни ҳозир ҳам алоҳида ҳисобга олмоқдалар. Бу бригаданинг кўрсаткичларини айтиб ўтай: ерни юз гектарига ҳисоблаганда бу бригада 98 центнердан гўшт, 301 центнердан сут етиштирди. Умуман бу бирлашган колхозда ернинг юз гектарига ҳисоблаганда 118 центнердан гўшт ва 450 центнердан сут етиштирилди. Агар ҳамма колхозлар ва совхозларда мана шундай ҳосил олишга эришилганида эди, бизнинг аҳоли жон бошига етиштирадиган гўштимиз, сариёғимиз ва сутимиз Америка Қўшма Штатларидагига қараганда анча ошиб кетган бўлур эди.

Бу гапларни айтаётганимнинг сабаби нима? Бунинг сабаби шуки, бизнинг имкониятларимиз ҳақиқатан ҳам чексиздир. Аммо бу имкониятлардан ёмон фойдаланилмоқда. Шунинг учун ҳам баъзи шаҳарларда гўшт, сут, сариёғ кам қотилмоқда. Баъзи раҳбарларга телефон қилиб, сизларда сут нимага сотилмаётир, деб сўрасангиз, улар, ҳа, узилиш бўлиб қолди, деб бамайли-хотир жавоб берадилар. Шундай бир тасаввур қилиб кўрингки, овқатланиш учун ошхонага келган кишига бугун гўшт ва сут йўқ, чунки шу маҳсулотларни магазинга келтиришда узилиш бўлиб қолди, деб айтишса, у нимани ейди—узилишларними? Узилишларни шўрвага солиб бериб бўлмайди-ку. **(Залда жонланиш, қарсаклар).**

Бизнинг механизаторларимиз ажойиб, илғор кишиларимиздир. Бу ерда ўртоқ Гиталов сўзга чиқди. Мен уни кўп йиллардан бери биламан ва унинг ўсиб бораётганлигини кўриб, қувончим ичимга сиғмайди. Унинг давлат миқёсида ўйлаб, механизация тўғрисида ишнинг кўзини билиб қилгана гаплар айтаётганлигига бир қаранг. Унинг машинасозларимизни ва конструкторларимизни танқид қилиб айтган гапларининг ҳаммасига мен тамомила қўшиламан.

Воронежлик Мануковский ва кубанлик Светличний ўртоқлар ҳар центнер қанд лавлагининг таннархини эски пул билан 3 сўм 05 тийинга тушириб, Воронеж областидаги механизаторлар Бондаренко билан Косенко, икковлари бригаликда 26 минг центнер қанд лавлаги етиштириб, ажойиб иш намуналарини кўрсатмоқдалар. Булар ажойиб кишилардир. Бундай кишилар бизда минглаб бор.

Талантли колхозчи жувон Турсуной Оҳунова 1959 йилдаги сингари ўтган йил ҳам пахта теришда ажойиб ишлар қилганлигини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. У, машинада 320 тонна пахта териб, бир ўзи 160 кишининг ишини бажарди.

Ҳаммага маълумки, Турсуной Оҳунова хотин-қизларга мурожаат қилиб, уларни ўзидан ўрнак олишга — пахта териш машиналарини эгаллашга чақирди. Фақат биргина Ўзбекистоннинг ўзида хотин-қизлардан 1.166 кищи терим машинасида ишлашни ўрганиб олди ва машинада пахтани муваффақият билан терди. Натижада республикада 500 минг тонна пахта машиналарда терилди.

Ўзбек хотин-қизларининг ташаббуси чинакам революцион аҳамиятга эгадир. Бу ташаббус пахта теришни механизациялаштириш проблемасини қисқа муддат ичида ҳал қилиш мумкинлигига ишонч туғдирмоқда.

Лекин гап фақат шунинг ўзидагина эмас. Турсуной Оҳунова ва дугоналарининг намунаси Совет Иттифоқининг Шарқ республикаларидаги хотин-қизлар совет тузуми даврида нақадар ўсганларини, уларнинг коммунистик қурилишдаги роли нақадар кўтарилганлигини кўрсатиб турибди.

Латвияда 3.600 чўчқани боқиб семиртирган чўчқабоқар ўртоқ Бартулиснинг номини. Омск областида 5.204 ч

Ўрток Н. С. ХРУШЧЕВ нутқининг давоми

(Давоми. Боши 1, 2-бетларда).

Бу бирлашманинг вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади: бу бирлашма колхозлар ва совхозларнинг техникага, запас қисмларга, ўғитларга, керак нарсаларнинг ҳаммасига бўлган талабларини ҳисобга олиб туради; машиналар, запас қисмлар, ўғитлар ва шу кабиларни ишлаб чиқариш ҳақида Давлат план комиссиясига заявкалар бериб туради; колхозларга ва совхозларга зарур машиналар ва материалларни сотиш билан шуғулланади. Мана шуларнинг ҳаммаси олди-сотди принципига асосланиши лозим.

Бирлашма — саноат билан колхозлар ва совхозлар ўртасида воситачидир.

Бу бирлашманинг структураси, масалан, қуйидагича бўлиши мумкин: унинг марказда демократик негизда ишловчи бошқармаси бўлиши керак. Бу бошқармада ҳамма республикаларнинг вакиллари бўлиши лозим.

Республикаларда ҳам шундай бошқармалар тузиш лозим бўлса керак, бу бошқармаларда ҳамма областларнинг вакиллари бўлиши лозим. Сўнгра, область бирлашмалари ва, ниҳоят, район ёки районлараро бирлашмалар бўлиши, бу бирлашмаларда колхозлар ва совхозларнинг вакиллари бўлиши керак. Бу бирлашманинг жойлардаги органлари ўзларининг кичикроқ аппаратларига эга бўлишлари лозим.

Ўлка ва область бирлашмаси асосий орган бўлиб қолса керак.

Бирлашманинг районларда коммерческий савдо конторалари бўлиши лозим. РТСларни, ўтлоқ-мелиорация станцияларини, ремонт заводларини, машина синаш станцияларини ва бошқа станцияларни шу бирлашмага топшириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Менингча, дастлабки пайтларда баъзи етишмовчиликлар бўлиши турган гап, шу сабабли, бирлашма техникани тақсимлаш билан шуғулланади. Лекин биз шунга эришмоғимиз керакки, техникани тақсимлаш билан шуғулланмасдан, балки колхозлар ва совхозларнинг механикага бўлган талабларини тўла таъминлайдиган бўлайлик. Улар машиналарни пулга сотиб оладилар ва шу сабабли, уларни хўжалик ҳисобига ўргатиш керак.

Янги бирлашманинг ишини ташкил қилаётганда, улгуржи базалар ва шу кабилар сингари бюрократик устқурмалар тузмаслигимиз керак. Машиналарни етказиб бериш ишлари: завод — контора — колхоз, совхоз принципи асосида олиб борилиши лозим.

Ҳамма машиналарни саноатга заказ қиладиган ва қабул қилиб оладиган ташкилот бирлашманинг ўзи бўлади. Чамамда, бирлашма мавжуд РТСлар негизида ўз корхоналарини ташкил этиши ва бу корхоналар запас қисмларни, қурилиш деталларини, майда асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш билан шуғулланиши лозим, бирлашманинг моторларни, тирсакли валларни ва бошқа деталларни айирбошлаш фондларни бўлиши керак.

РТСларни колхозларга ва совхозларга топшириш керак, деган фикрлар бор, агар биз ҳозир шундай қиладиган бўлсак, у ҳолда биз техникани нобуд қилиб қўямиз ва техникани ремонт қилиш соҳасида хунук натижаларга олиб келамиз.

Баъзан маҳаллий аҳамиятга эга бўлган машиналарни бир оз миқдорда ишлаб чиқариш зарур бўлиб қолади. Чамамда, шундай машиналарни ишлаб чиқариш ҳуқуқи республикаларга берилиши лозим.

Бирлашмага заказ қилинган машиналарнигина ишлаб чиқаришга киришиш лозим.

Иш мана шундай ташкил қилинганида, машиналар ва кишлоқ хўжалик асбобларини ишлаб чиқариш учун бериладиган заявкалар колхозлар ва совхозларнинг заказлари асосида тузилиши лозим. Саноат фақат колхозларнинг ва совхозларнинг талабларига мувофиқ, улар заказ қилган машиналар ва қишлоқ хўжалик асбоблари ясаб бериши лозим. Шундай қилинганида, бемаънликлар бўлмайди, отвалсиз плуглар ишлаб чиқаришни ташкил этиш керак, деб бир неча йилдан бери гапирилади-ю, аммо, бундай плуглар ҳали ҳам ишлаб чиқарилмаётир. Машиналар албатта комплекс қилиб ишлаб чиқарилиши: тракторлар тегишли қишлоқ хўжалик асбоблари билан биргаликда ишлаб чиқарилиши лозим. Бу хусуда ўртоқ Гиталов бу ерда сўзлаган нутқида далиллар билан гапириб ўтди.

Чамамда, автомашиналар бу машиналарга прицеплар, шунингдек тракторларга прицеплар ишлаб чиқариш планини қайтадан кўриб чиқишимиз керак. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳажми оша борган сари, колхозлар ва совхозларнинг кўпроқ миқдорда юк ташишлари лозим бўлиб қолади. Чорвачилик ривожлана борган сари ем-хашак етиштириш кескин кўпаяди, масалан, силос, лавлаги, картошкани ҳозирги вақтдагига қараганда бир неча марта кўп тайёрлаш ва ташиш керак бўлиб қолади.

Шунингдек маккажўхорини силос қиладиган ва унинг донини йиғиб-териб оладиган комбайнлар ишлаб чиқаришни ҳам кенг ташкил қилиш зарур. Чамамда, ўртоқ Изаксон гапириб ўтган йўлдан бориш жуда оқилона иш бўлади. Ўртоқ Изаксон ғалла комбайнини маккажўхорининг кўкпоясини ва дон учун экилган маккажўхорини ўриб-йиғиб олиш учун мослаш мумкинлиги ҳақида гапирди. Агар конструкторлар бу вазифанинг уддасидан чиққанларида эди, рационал иш қилинган бўлур эди. Шундай қилиш мумкинми? Бу саволга инженерларимиз, конструкторларимиз, олимларимиз жавоб беришлари мумкин.

Лекин шассини албатта ўзи юрар қилиб ишлаб чиқариш керак, шундай қилинганида, мотордан экин экиш, экинларга парвариш бериш, шунингдек ҳосилни йиғиб олиш ишларида фойдаланиш мумкин бўлиб қолади. Конструкторлар мана шундай шасси тўғрисида ўйлаб кўришлари лозим. Моторнинг бир йилда 9-10 ой бекор ётқизиб қўйилишига, машинадан йиғим-терим ишида фақат икки ойгина фойдаланиб, кейин ташлаб қўйилишига йўл қўймаслик керак. Бундай қилиш маблағни кўп ҳўплайди, рационал иш қилиш бўлмайди, тежамсиз бўлади.

Пахта териш машинаси учун ҳам шасси ясаб бериш керак, чунки бу машина ҳам йилда фақат икки ой ишлаётир. Менингча, инженерлар ва конструкторлар шундай машина яратиб беришлари мумкин. Биз пахта теришда қўл меҳнатини сиқиб чиқаришимиз керак, ўртоқлар. Агар биз қўл меҳнатини сиқиб чиқарсак, пахта теришни анча тезлаштирган бўламиз ва, бинобарин, ҳосилдорликни ошириш учун яхшироқ шароит яратиб берган бўламиз. Колхозлар ва совхозлар кузда ерни барвақт шудгор қилиб қўйдиган ва келгуси йил ҳосили учун яхши истиқбол вужудга келтирадиган бўлиб қоладилар.

Энди қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш тўғрисида гапириб ўтай. Харид қилиш системасини қайтадан кўриб чиқишимиз керак. Маҳсулотларни тайёрлашнинг ҳозирги мавжуд системасида камчиликлар жуда кўп. Марказий Комитет Президиуми ва ҳукумат бу масалани ўйлаб чиқди ва харид қилиш системасини қайта қуриш керак, деган хулосага келди. Дон, техника экинлари маҳсулоти, гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш ва харид қилиш ишига раҳбарлик қилмоқ учун Давлат тайёрлаш комитети тузиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Капиталистик мамлакатларда маҳсулот сотиб олинганидан кейин, бошқа нарсанинг гами ейилмайди. Социалистик хўжаликда маҳсулот тайёрлаш ишларида бундай йўл тутилиши мумкин эмас. Капиталистик мамлакатларда маҳсулотни кимки сотиб олса, у, маҳсулотни сотган кишиларнинг манфаатлари тўғрисида ғам емайди. Уларда: алдамасанг — сотолмайсан, деган қонун ҳукмрон. Аммо, бизда принцип бошқача, бизнинг хўжалигимиз планли хўжалик. Шу сабабли, маҳсулот тайёрловчи ташкилот айни вақтда ишлаб чиқаришнинг ташкилотчиси ҳам бўлиши лозим, у, нималарни сотиб олиш гарчи ўзининг биринчи вазифаси бўлса ҳам, лекин фақат шу билангина қизиқиб қолмаслиги лозим, у, маҳсулотни сотиб олар экан, шу маҳсулотни сотаётган хўжаликнинг томирини қирқмаслик тўғрисида ўйлаши лозим.

Чамамда, колхозлар ва совхозлар билан контрактациялар, шартномалар тузиш системаси ишлаб чиқилиши ва бу системада маҳсулотнинг қайси турлари ва қайси муддатларда сотиб олиниши кўзда тутилиши лозим.

Шундай қилиб, бугун нималар сотиб олинганлиги ва қанча сотиб олинганлиги билангина қизиқиб қолмасдан, келгуси кварталда, агар йил охирида бўлса — қолган маҳсулотни келгуси йилнинг биринчи кварталида сотиб олишни ҳам билиб қўйиш керак.

Маҳсулот тайёрлаш шундай ташкил қилинган тақдирда, колхозлар ва совхозларнинг заиф жойларини раҳбарлар ўз ишини уддаламаётган хўжаликларни яхшироқ кўриб ва билиб туриш мумкин бўлиб қолади. Колхозлар ва совхозлардаги ишларнинг аҳволини тайёрлаш шохобчалари орқали ўрганиш мумкин. Лекин маҳсулот тайёрловчилар уларнинг ишларига аралашмасликлари, балки зарур чоралар кўрилиши учун шу хўжаликларга раҳбарлик қилувчи органларга сигнал бериб туришлари лозим.

Бинобарин, биз маҳсулотларни харид қилиш системасини шундай ташкил қилишимиз керакки, қайси колхоз қанча миқдорда, қайси вақтда, қайси пунктга ҳамда маҳсулотнинг қайси турларини—қорамол ёки қўйни, чўчқа, паррандa, қуёнларни қанча топширишини кўриб билиб турадиган бўлайлик. Йирик колхозлар ва совхозларнинг чорва молларини бевосита гўшт комбинатига қабул қилиб олишни ҳам ўйлаб кўрсак, чакки бўлмайди. Бу тартиб тайёрлаш органларининг масъулиятини оширади, улар харид қилинган чорва моллар ёки паррандаларни ташиб олиш, қайта ишлаш масалаларини олдиндан ҳал қилиб қўйишлари лозим.

Кондиция даражасига етказилган чорва молларни қушхонанинг қайта ишлаш имконияти бўлмай қабул қилмасдан қайтариб юбориш сингари бемаъни холларнинг бундан буён такрорланишига йўл қўймаслик керак. Бундай чорва молларни ўз вақтида қабул қилмай тўхтатиб қўйиш натижасида уларнинг вазни анча камайиб кетади, колхозлар зарар кўрадилар, умуман халқ хўжалиги зарар кўради.

Ўтган йил мен Сталинградда бўлган эдим. Сталинграддан Астраханга жўнашим керак эди. Поезд жўнаш пайтида одамлар кўп тўпланган эди. Бир қозоқ чўпон менинг олдимга келиб, бундай деди:

— Ўртоқ Хрушчев, қўйлар подасини қушхонага олиб келган эдим, яхши қўйлар эди, аммо, қабул қилишмаяпти. Бир неча кундан бери бу ерда сарсон бўлиб юрибман. Қўйлар озиб кетаяпти, уларга овқат йўқ, нима қилишим керак?

Бизда мана шунақа бемаъниликлар бўлмоқда. Чорвани семиртириб олиб келишади-ю, аммо, кўпинча тайёрловчилар қабул қилган чорванинг суяги билан териси қолади. Бунинг орқасида колхозлар ва совхозлар ва умуман мамлакат аллақанча зарар кўради. Аммо, тайёрловчилар бундан зиён кўрмайдилар, бунинг учун ким айбли ва жавобгар эканлигини топиб бўлмайди.

Агар тайёрловчи шу подани далага чиқиб, ўзи қабул қилиб олганида ёки ва уни эҳтиёт топшириш учун ҳам жавобгар бўлганида эди, у, қўйларни қушхонага тезроқ эҳтиёт топшириш кераклигини ўйлаган бўлур эди. **(Қарсаклар).** Агар тайёрловчи чорваларни ва паррандаларни колхоз ва совхознинг ўзида қабул қилиб олганида эди ва уларни комбинатга эҳтиёт бериш учун жавобгар бўлганида эди, у, чорваларни ўз вақтида топширмай сақлаб туриш қанчага тушишини ва уларни ташиб келтириш учун қанча маблағ сарфлаш кераклигини ҳисоблаб кўрган бўлур эди. Аммо, ҳозир жавобгарликни сезиш йўқ, ўртоқлар.

Тайёрлаш системасини яхши ўйлаб кўриш ва бу масалани ҳал қилиш керак. Эҳтимолки, тайёрловчи ташкилотларга машиналар ва бошқа воситалар бериш керак бўлар. Мол сўйиш пунктларини кенгайтириш керак; эҳтимолки, ҳозиргидек катта пунктлар қуриш керак эмасдир, мол сўйиш пунктларини чорва ва парранда етиштирилаётган районларга яқинроқ жойларда қуриш керакдир.

Ғаллани харид қилиш масаласига келганда, харид қилишнинг шундай системасини ишлаб чиқиш керакки, бу система қабул пунктларида колхозлар ва совхозларни тарозидан уришга йўл қўймайдиган бўлсин. Бу масалани қандай ҳал қилиш керак? Эҳтимолки, ғаллани сақлаш учун жавобгар бўлганлар ғаллани қабул қилмасликлари лозимдир, эҳтимолки, ғалла топшираётган хўжаликлардан қандайдир контролёр белгилаб қўйиш керакдир, ёки эҳтимол, контролликнинг қандайдир бошқача системасини ишлаб чиқиш керакдир.

Ҳаммангизга маълумки ўртоқлар, ғалла тайёрлаш вақтида, одатда, ғалланинг намлигини ўлчайдиган асбоблар — влагомерлар бузилиб қолади. **(Залда жонланиш).** Заводлар яхши аппаратлар ясаб бераётган бўлсалар ҳам, лекин барибир бирор сабаб топилиб, влагомер ишламайдиган бўлиб қолади. Сабаб? Бунинг сабаби маълум. Колхоз ёки совхозлар ғаллани топшириш учун олиб келганларида, приёмщик донни тишлаб кўриб, ғалланинг намлигини белгилаб беради. Бир вақт лўлимар ярмаркада подшойи кумуш сўлкавойни қалайми ёки қалай эмасми, деб худди шу тахлитда текшириб кўрар эдилар, ҳозир ҳам баъзи приёмщиклар донни мана шу тахлитда текшириб кўрмоқдалар: донни тишлаб, гарчи унинг намлиги ҳақиқатда, масалан, 17 процент бўлса ҳам намлиги 20 процент, деб туриб оладилар. Мана шундай приёмщик қанча донни шу тахлитда «қонуний» ўғирлаб қолишини тасаввур қилишингиз мумкин.

Склад мудирларидан биронтасини ғалла етишмай қолганлиги учун суд қилганимиз йўқ. Агар складда сақланаётган ғалла тортиб кўрилса, у ҳеч қачон кам чиқмайди, аммо, ортиқча ғалла ҳамиша топилади. Сабаб? Бунинг сабаби шуки, маҳсулот тайёрловчилар орасида инсофсиз кишилар бор, улар колхозларни ва совхозларни тарозидан урмоқдалар, алдамоқдалар. **(Қарсаклар).**

Шу нарса сир эмаски, ўғирлик қилиб қўлга тушган, бузилган ходимни ишдан ҳайдаб юборилганида, у, кўпинча сут қабул қиладиган пунктга ўрнашиб олишга ҳаракат қилади. Арилар ва пашшалар асалга ёпишгани каби, бузилган унсурлар ҳам мана шу пунктларга борадилар. Сабаб? Бемалол айтиш мумкинки, бундай унсурнинг шундай пунктда қорни ҳам тўқ бўлади, унда ичкилик ва гамаки ҳам сероб бўлади, бир-икки йилдан кейин албатта янги уй ҳам қуриб олади. Буни ҳамма билади. Лекин бунинг сабаби нима?

Шу пунктларда сутнинг таркибидаги мойнинг миқдорини белгилайдиган бутирометрларни одатда бузиб қўядилар ва шу сабабли сут таркибидаги мойнинг миқдори чамалаб белгиланади. Сутнинг таркибидаги мой қанақа бўлишини ўзларингиз эшитдингиз, Трофим Денисович Лисенко бу ҳақда гапириб ўтди.

Нега шундай контролсизлик рўй бермоқда? Контролсизлик, ҳатто, соф виждонли, лекин бурдсизроқ кишини ҳам муттаҳам қилиб қўйиши мумкин. Жамоат контроли ёки бошқача контроль бўлиши керак. Бу тўғрида ўйлаб кўриш ва шундай шароит вужудга келтириш керак.

Тайёрлаш системасида ишлаётган ходимларнинг ҳаммаси ҳам шундай бўлади, деб айтмоқчи эмасман. Бу системада ишлаётган соф виждонли яхши коммунистлар кўп. Лекин яхши подадаги битта қирчанғи қўй шу подадаги қўйларнинг ҳаммасини беобрў қилиши мумкин. Шу сабабли, чўпон бундай қўйнинг касали бошқа қўйларга юқмасин деб, уни ҳамиша подадан ажратиб қўяди. Тайёрлаш аппаратига ишлаб қолаётган муттаҳамларни бу аппаратдан улоқтириб ташлаш керак, муттаҳамлар эса, бизда бор. Ҳисоб китоб бўлиб туриши учун контроль вужудга келтириш керак, токи маънавий жиҳатдан бурдсиз одамларни йўлдан оздирадиган сабабларга ўрин қолмасин, уларни нотўғрилик, инсофсизлик қилишдан тийиб турадиган контроллик бўлиши керак. Хуллас, маҳсулотларни қабул қилиб олиш билан шуғулланаётган шахсларнинг суиистеъмол қилишларига имконият қолдирмаслик учун бу соҳада иш олиб боришимиз керак.

Чамамда, колхозчиларнинг маҳсулотини сотиб берадиган кооперация ёки бошқа бирор ташкилот тузиш учун ҳозир шароит етилди. Ўтган йил отпускага бораётганимда, Киевга яқин бир жойда йўлдаги кўприк олдида тўхтаган эдим. Кўприкдан машина ўтиб бораётган эди. Бу машина эркаклар, хотинлар билан лиқ тўлган, одамларнинг кайфи чоғ эди. Улар мени таниб, салом беришди. Мен ҳам улар билан саломлашдим. Ўртоқлар, қаердан келаётирсиз, деб сўрадим. Улар, чамамда, менга Днепропетровскданми ёки Запорожьеданми келаётирмиз, деб жавоб беришди.

Овоз. Запорожьедан.

Н. С. Хрушчев: Қаёққа борган эдиларинг, деб сўрадим. Олма сотгани Белоруссияга борган эдик, деб жавоб беришди.

Бундай қилиш ярамайди, ўртоқлар. Олмаларни самолётларга солиб, Хабаровскка эҳтиё сотаётган одамлар ҳам бор.

Ишни шундай ташкил қилиш керакки, давлат сотиб олмаётган ошиқча маҳсулотларни, айниқса колхозчилар қўлидаги ошиқча маҳсулотларни кооперация сотиб оладиган бўлсин. Лекин давлат нархлари билан эмас, балки қандайдир бошқача нархлар билан сотиб оладиган бўлсин. Кооперация ёки бошқа бирор ташкилот бамисоли контрагентлик вазифасини бажариши, қандайдир бошқа бозорларга шу ошиқча маҳсулотларни йўллаб, юбортириб туриши ва маҳаллий нархлар билан сотиши лозим. Агар қатъий нархлар билан сотиб олинадиган бўлса, у ҳолда, бу нарх колхозчиларга қулай бўлмайди, колхозчилар бундай маҳсулотни кооперацияга сотмайдилар, балки ўзлари сотишга интиладилар. Бу эса, спекуляцияга айланиб кетиши мумкин. Биров ўзиникини сотади, иккинчи биров сотиб олиб, уни бозорга чиқариб сотади. Биз бундай спекуляция билан курашамиз, буни қоралаймиз. Колхозчилардан маҳсулотларни харид қилишни уюштириш масаласи ўйлаб чиқилмаганлиги бундай ҳодисанинг туғилишига қисман сабаб бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалик органларининг ишларини қайта қуриш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фан ва илғор тажрибанинг ролини кучайтириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишни ташкил этиш масалалари ҳақида мен айтмоқчи бўлган баъзи мулоҳазалар ана шу.

III. ДОН ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА.

Ўртоқлар! Дон хўжалигини янада юксалтириш бутун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, шу жумладан чорвачиликни ҳам ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Бизнинг мамлакатимизда қўриқ ерлар ўзлаштирилиши натижасида дон етиштириш анча кўпайди. 1953 йилда 5 миллиард пуд, 1960 йилда эса 8,1 миллиард пуд дон етиштирилди. Дон тайёрлаш анча юксак даражага кўтарилди: 1956 йилда давлат 3 миллиард 303 миллион пуд, 1958 йилда 3 миллиард 472 миллион пуд дон тайёрлади. Катта ўсиш бор, лекин эҳтиёж ҳам шу қадар ўсдики, эндиликда биз давлат ихтиёридаги дон ресурсларини кўпайтириш тўғрисидаги масалани тамомила янгича қўймоғимиз керак. Мамлакат таркиётининг истиқболларини ҳисобга олиб, қанча дон керак бўлса, худди шунча миқдорда дон етиштиришимиз керак.

СССР Госплани ва Ғалла маҳсулотлари комитетининг ҳисобларига қараганда, давлатнинг донга бўлган ҳамма эҳтиёжларини тўла қондириш учун яқин йиллар ичида дон харид қилишни ҳар йили 4 миллиард 200 миллион пудга етказишимиз зарур.

Шу жумладан айрим экинлар бўйича.

	Эҳтиёжни тўла қондириш учун зарур бўлган миқдори	1960 йилда тайёрланди
	(Миллион пуд ҳисобида)	
Буғдой	2.474	1.874
Жавдари буғдой	380	353
Маккажўхори	600	136
Тариқ	99	73
Гречиха	44	9
Дуккакли экинлар	31	21
Шоли	61	3,9
Арпа	300	228
Бошқа экинлар	211	154

Тайёрланадиган донни республикалар бўйича тақсим қилганимизда улардан ҳар бирининг 4 миллиард 200 миллион пудга қўшган ҳиссаси тахминан қуйидагича бўлади:

	Эҳтиёжни тўла қондириш учун зарур бўлган миқдори	1960 йилда тайёрланди	1961 йилда тайёрланиши лозим	1953 йилда тайёрланди
	(Миллион пуд ҳисобида)			
СССР	4.200	2.852	3.644—3.844	1.899
Россия Федерацияси	2.400	1.801	2.100—2.200	1.098
Қозоғистон	950	642	800— 850	146
Украина	700	358	650— 700	549
Белоруссия	23	11	15	20,1
Ўзбекистон	23	7	8	13,7
Грузия	15	0	10	7,2
Озарбайжон	12	6,6	8	6,9
Литва	8	0	4	4,4
Молдавия	35	17	30	26,8
Латвия	8	0	4	5,6
Қирғизистон	12	7,6	8	11,6
Тожикистон	4	0	2	3,2
Арманистон	4	0	2	2,9
Туркманистон	2	0	1	0,6
Эстония	4	0	2	3,1

Шу рақамлардан кўриниб турибдики, ҳар бир республика умумий ишга ўз ҳиссасини қўшмоғи учун яхши ишлаши керак.

Бир йилда 4 миллиард 200 миллион пуд миқдорида дон харид қилиш вазифаси реал вазифами? Мен шунга аминманки, бу реал рақам бўлибгина қолмай, балки яхши ишлайдиган бўлсак, ҳатто бу рақамлардан ҳам ўзиб кетиш мумкин.

Шунча миқдорда дон етиштиришни қайси йўл билан таъминлаш мумкин? Мамлакатда дон етиштиришни кўпайтириш учун жуда катта имкониятлар бор. Барча қишлоқ хўжалик экинларининг ва биринчи галда маккажўхорининг ҳосилини ошириш ана шу имкониятларни яратиб беради. Маккажўхори — дон етиштиришни кўпайтиришда бизнинг асосий резервимиздир.

Баъзи ҳисоб-китобларни келтириб ўтаман. Мисол учун Украинани олиб кўрайлик. Украина 10,5 миллион гектар ерга маккажўхори экмоқда.

Агар сернамроқ бўлган, аммо маккажўхори дони пишиб етиладиган районларда бу экинга 3 миллион гектар ер ажратилса ва ҳар гектар ердан 50 центнердан маккажўхори дони етиштириш вазифаси қўйилса, у ҳолда 900 миллион пуд маккажўхори дони олиш мумкин. Бу маккажўхори донининг учдан икки қисми — 600 миллион пуди давлатга сотилсин, 300 миллион пуди эса хўжаликда қолдирилсин дейлик, шунда ҳам 3 миллион гектар ерга экилган маккажўхоридан давлатга 600 миллион пуд дон топириш мумкин. Ахир, Украинада жами 31 миллион гектар экин майдони бор-ку. Украинада жами қанча дон экинлари экилмоқда?

Н. В. Подгорний. 19 миллион гектар.

Н. С. Хрушчев. Такрор айтаман, фақат 3 миллион гектар ерни қаердан топиш мумкин? Афтидан Закарпат, Тернополь, Львов, Черновици, Хмельницкий, Винница, Чернигов, Киев, Черкасск, Житомир, Суми, Харьков, Днепропетровск, Кировоград ва бошқа областларнинг ерлари шундай ерлардан бўлса керак.

Россия Федерациясида 13 миллион гектардан кўпроқ ерга маккажўхори экилади. Маккажўхори дони етиштириш соҳасида тажриба тўпланган районларда юқорида айтиб ўтилган мақсад учун 2 миллион гектар, эҳтимол бундан ҳам кўпроқ ер ажратиш мумкин. Маккажўхори дони етиштириш учун ажратиладиган майдоннинг миқдорини тахминан кўрсатиб ўтмоқдаман. Республикалар, ўлка ва областларнинг партия ва совет органлари имкониятларни ўрганиб чиқиб, дон учун маккажўхорини қанча экиш кераклигини аниқ белгилаб оладилар. Улар маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириш учун нечоғли кўп ер ажратсалар, совхоз ва колхоз чорвачилиги учун шу қадар кўп дон оладилар.

Россия Федерациясида Шимолий Кавказ, Марказий қора тупроқ зонаси, Волга бўйидаги ерлар маккажўхори дони етиштириладиган асосий районлардир. Агар ҳар гектар ердан 50 центнердан маккажўхори дони олинса, у ҳолда икки миллион гектар майдондан 600 миллион пуд ҳосил олинади; 400 миллион пуд маккажўхори донини ёки юқорида айтилган миқдорнинг учдан икки қисмини давлатга сотиш мумкин, 200 миллион пуди ёки учдан бир қисми эса колхоз ва совхозлар ихтиёрида қолади. Россия Федерациясида ўтган йили тайёрланган 1 миллиард 800 миллион пуд донга қўшимча равишда етиштириладиган 400 миллион пуд донни ана шу йўл билан олиш мумкин. Буларнинг ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда, 2 миллиард 200 миллион пуд дон олинади. Бинобарин 2 миллиард 400 миллион пуд дон тайёрлаш — Россия Федерацияси учун тамомила реал бир ишдир.

Молдавия, Грузия маккажўхори дони етиштиришни кўпайтириш учун катта имкониятларга эгадир.

Молдавия республикаси маккажўхори етиштириш соҳасида катта тажриба тўплади. Бу республикада 738 минг гектар ерга маккажўхори экилмоқда. Агар ана шу майдоннинг тахминан бешдан бир қисмига, яъни 150 минг гектар ерга маккажўхори экилиб, ҳар гектар ердан 50 центнердан дон олинганида, 45 миллион пуд маккажўхори дони олиш мумкин. Бундан 30 миллион пуд донни давлатга сотиш мумкин, 15 миллион пуд дон эса хўжаликлар ихтиёрида қолади. Бинобарин Молдавия 150 минг гектар ердан олинган маккажўхори дони ҳисобигагина давлатга бутун дон экинлари майдонидан 1960 йилда сотганига қараганда икки баравар кўпроқ дон сотиши мумкин.

Ҳозирги вақтда Грузияда 360 минг гектар ерга маккажўхори экилмоқда. Ана шу майдоннинг лаақал 60 минг гектарига дон учун маккажўхори экиб, ҳар гектар ердан 50 центнердан эмас, балки 60 центнердан маккажўхори дони олинса (Грузияда бунинг учун яхши шарт-шароит бор), 22 миллион пуд дон олиш мумкин бўлади. Республика ана шу миқдордаги доннинг 15 миллион пудини давлатга сотади, 7 миллион пуд дон эса колхоз ва совхозларнинг ихтиёрида қолади.

Маккажўхори етиштиришни энг яхши кишилар ўз зиммаларига олишлари учун партия ва ҳукумат шу масала юзасидан колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар ва мутахассисларга чақириқ билан мурожаат қилганида яхши бўлур эди.

Бу чақириқ ташкилотчилик ишлари билан, моддий жиҳатдан таъминлаш билан мустаҳкамланиши керак. Маккажўхори учун минерал ўғитлар ажратиб бериш лозим. Энг муҳими шуки, кўп миқдорда гўнг тўплаш, яхши дон уруғларини, шу билан бирга маҳнур зонада жуда яхши етиладиган сорт ва гибридларни тахт қилиб қўйиш зарур. Маккажўхорини яхши экиб олишни, сифатли парвариш қилишни ва ҳосилнинг ўз вақтида етиштириб олинишини таъминлаш керак.

Ҳар гектар ердан 50-60 центнер ва бундан ҳам кўпроқ маккажўхори дони етиштириш учун қурашга тайёр турган минг-минглаб қўнгиллилар топилади. Ҳар гектаридан эллик центнердан маккажўхори дони олиш — хаёлий гап бўлмай, балки реал бир ишдир!

Кўпгина колхозлар ва қишлоқ хўжалик идоралари бир неча йилдан буён шундай ҳосил олиб келмоқдалар.

Баъзи мисоллар келтириб ўтаман. Тернополь область, Мельница-Подольск районидаги Сталин номли колхознинг звено бошлиғи ўртоқ Е. А. Долинюк кейинги олти йил ичида 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 153 центнердан маккажўхори дони олиб келди. У 1960 йилда ҳар гектар ердан 167 центнердан маккажўхори дони етиштирди.

Шу областнинг Скалатск районидаги Карл Маркс номли колхознинг звено бошлиғи ўртоқ А. Г. Еременко ўтган йили 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 112,5 центнердан маккажўхори дони олди.

Закарпат область, Мукачев районидаги Ленин номли колхоз аъзоси ўртоқ А. М. Ладани 1960 йилда 15 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 115,3 центнердан, Иршанский районидаги «Новая жизнь» колхозининг аъзоси ўртоқ Ю. Ю. Питра гектаридан 120 центнердан маккажўхори дони етиштирди.

Иршавск районидаги «За новую жизнь» колхозида (раиси ўртоқ П. Ю. Биленец) 193 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 62,4 центнердан маккажўхори дони олинди.

Иршавск районида (райком секретари ўртоқ Г. Г. Гонак) жами 1050 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан маккажўхори дони етиштирилди.

Житомир область, Черняховский районидаги 1 Май номли колхознинг звено бошлиғи ўртоқ Н. Г. Заглада сурункасига бир неча йилдан буён гектаридан 70—90 центнердан маккажўхори дони олиб келмоқда.

Хмельницкий область, Городокский районидаги «Украина» колхози (раиси ўртоқ Г. И. Ткачук) кейинги тўрт йил мобайнида 460 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан кўпроқ маккажўхори дони олди.

Волочисский районидаги Сталин номли колхозда ҳам (раиси ўртоқ А. И. Андриевский) шундай кўрсаткичларга эришилди.

Черкасск область, Черкасск районидаги ВКП(б) номли колхоз (раиси ўртоқ К. А. Хандусь) 1960 йилда 300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 55,4 центнердан ҳосил олди.

Чернигов область, Мало-Девицкий районидаги Чапаев номли колхознинг звено бошлиғи ўртоқ А. В. Плющ беш йилдан буён ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 90 центнердан кўпроқ маккажўхори дони етиштириб келмоқда.

Винница область, Крижопольск районидаги Сталин номли колхоз (раиси ўртоқ М. Д. Чуприна) 1960 йилда 280 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 52 центнердан маккажўхори дони йиғиштириб олди.

Киев область, Гребенковский районидаги «Радянська Украина» колхозининг аъзоси ўртоқ С. Д. Виштак кейинги уч йил ичида 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳар йили 100 центнердан кўпроқ маккажўхори дони етиштириб келмоқда.

Днепропетровск область, Диховский районидаги «Красний партизан» колхозининг аъзоси ўртоқ М. Е. Озерний бир неча йил мобайнида ҳар гектардан 200 центнердан кўпроқ маккажўхори дони олиб келади.

Россия Федерациясида Краснодар ўлкаси, Усть Лабинск районидаги «Кубань» колхозининг звено бошлиғи ўртоқ Р. П. Ткачева 1960 йилда гектаридан 98 центнердан маккажўхори дони олди. Кореновский районидаги Киров номли колхоз комплекс бригадасининг бошлиғи ўртоқ В. К. Гришин 1960 йилда 112 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 77,5 центнердан маккажўхори дони етиштирди. Славянский районидаги «Путь к коммунизму» колхозининг механизаторлари В. М. Шкут ва В. Г. Шкут ўртоқлар 1960 йилда 95 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 75 центнердан маккажўхори дони йиғиштириб олдилар. Курганинский районидаги Ново-Алексеевский совхози (директори ўртоқ Я. К. Жужа) 1960 йилда 680 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 64,6 центнердан ҳосил олди. Красногвардейск районидаги «Россия» колхози (раиси ўртоқ А. П. Демченко) 500 гектар майдоннинг ҳар гектарида 63,3 центнердан маккажўхори дони етиштирди.

Красногвардейск райони (райком секретари ўртоқ С. Я. Козлов) 1960 йилда 1.900 гектар майдоннинг ҳар гектаридан бутун район бўйича 51,8 центнердан ҳосил олди.

Воронеж область, Семелук районидаги «Подгорное» колхозининг аъзоси ўртоқ П. Ф. Пустовалова кейинги олти йил ичида ҳар йили гектаридан 45 центнердан гортиб 70 центнергача, шу колхозининг аъзоси ўртоқ М. П. Горлова 41 центнердан 95 центнергача маккажўхори дони етиштириб келдилар. Семелук районидаги «Подгорное» колхозининг звено бошлиғи ўртоқ И. М. Долгих 1960 йилда 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 51,2 центнердан маккажўхори дони олди. Семелук райони (райком секретари ўртоқ А. Е. Меньшов) 1960 йилда 1.245 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41,3 центнердан маккажўхори дони йиғиштириб олди.

Чечен-Ингушетиянинг Шалинский районидаги «Джалка» совхозининг звено бошлиғи ўртоқ А. И. Зармаев 1959 йилда 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 149 центнердан, 1960 йилда эса 141,8 центнердан маккажўхори дони йиғиштириб олди. Назрановский районидаги «40 лет Октября» совхозининг звено бошлиғи ўртоқ Зайдат Кусиева 1960 йилда 30 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 108,5 центнердан ҳосил олди. Шалинский районидаги «Шалинский» совхозининг ишчиси ўртоқ Малика Музикаева 1960 йилда 15 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 105 центнердан маккажўхори дони йиғиштириб олди

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқининг давоми

(Боши 1, 2 ва 3-бетларда)

Лескен районидаги Ленин номли колхоз (раиси Ўртоқ К. К. Тарчаков) ўтган йили 800 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 82,3 центнердан маккажўхори дони йиғиштириб олди.

Мен Россия Федерацияси, Украина, Молдавия ва Грузияга доир баъзи маълумотларни келтирдим. Аммо бошқа республикалар ҳам деҳқончилик маданиятини юксалтириш ва экин майдонларининг структурасини яхшилаш ҳисобига дон етиштиришни анча кўпайтириш имкониятига эгадирлар. Дуккакли экинлар: ноҳат, лўвия, чечевицани ва оқсил моддаси кўпроқ бўлган бошқа экинларни айниқса кўп экиш керак. Дуккакли экинлар алмашлаб экишда бошқа экинларнинг энг яхши шериги ҳамдир.

Аммо, мен ҳозир дон учун маккажўхори етиштириш вазифасига кўпроқ эътибор бераётган эканман, бундан совхоз ва колхоз раҳбарларининг силос учун маккажўхори етиштириш масалаларига эътиборини сусайтириш мумкин, деган маъно келиб чиқмайди. Дон учун маккажўхори етиштиришни силос учун маккажўхори етиштиришга қарама-қарши қўйиш ярамайди. Биз буларнинг ҳар иккаласига ҳам эътибор бермоғимиз керак. Давлатга дон сотишни кўпайтириш ва айни вақтда силос бостиришни ҳам кўпайтириш лозим. Кўп миқдорда ҳайдаладиган майдонлар мавжуд бўлган беполн ерларимизда у вазифани ҳам, бу вазифани ҳам бир вақт ичида ҳал этиш мумкин. Коммунистлар раҳбарлик ишларига, кишиларни танлашга, меҳнатни ва уруғчилик хўжалигини ташкил этишга моҳирлик билан жиддий эътибор берсалар, бу вазифалар ҳал этилади.

Ниҳоят, биз қолоқлигимизга барҳам беришимиз ва айрим колхоз ҳамда совхозлардагина эмас, балки бутун майдонларда ҳам маккажўхоридан мўл ҳосил етиштиришни ўрганиб олишимиз керак. Бу гап дон учун маккажўхори етиштириладиган зоналаргагина эмас, балки маккажўхори пишиб етилмайдиган, лекин силос учун экилиб, думбуллигида йиғиштириб олинадиган ва бизга қанча керак бўлса шунча миқдорда ем-хашак тўпланадиган, яъни янги зоналарга ҳам таллуқлидир. Дарҳақиқат, биз маккажўхори етиштириш билан жиддий шуғулланар эканмиз, эндиликда ем-хашак етиштиришни тартибга сола оламиз, чорвачиликнинг шу йилги эҳтиёжларини қондирадиган миқдорда ем-хашакка эга бўлибгина қолмай, балки келгусида у ёки бу районда иқлим шароити ноқулай келган тақдирда фойдаланиш учун уч ойга ва ҳатто ярим йилга етадиган силос резервини ҳам вужудга келтира оламиз.

Бизда маккажўхоридан жуда кам ҳосил олинмоқда. Маккажўхорини йиғиштириб олиш одатда кечикиб қолади, етиштирилган ҳосилни талончилар пояси билан ўғирлаб кетадилар. Шунинг учун кўпинча ҳисоботларда ҳосилдорлик нотўғри кўрсатилади, етиштирилган ҳосил эмас, ўрим-йиғимни нечиктириш натижасида ўғирланганидан қолган маккажўхори кўрсатилади.

Шундай қилиб, 5 миллион гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан маккажўхори дони олиш ҳисобигагина давлат қўшимча равишда 1 миллиард пуддан ортиқ товар ғаллага эга бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда чорвачилик учун бизга худди ана шу миқдордаги ғалла етишмаётир, истеъмол мақсадлари учун, озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларни қондириш учун эса ғалламиз етарли.

Ҳозирги вақтда гап фақат нон тўғрисида бораётгани йўқ. Нонинг ёнига колбаса, гўшт, ёғ, сут керак. Агар биз, ўртоқлар, одамларни ундасак, ундаганда ҳам қуруқ мурожаат билан кифояланиб қолмасдан, улар билан иш олиб борсак, кадрларни керагича танласак, уларни ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига тўғри жойлаштириб қўйсак, у ҳолда ишимиз самарали бўлади. Бунда асосий масала одамларни алмаштириш эмас, балки уларни ишга ўргатишдир. Алмаштиришдан осон иш йўқ: Иванни олиб ўрнига Петрни қўйиш мумкин. Эҳтимол Петр Ивандан ёмонроқ чиқиб қолар, нима иш қилишини яхши тушунмайдиган одамлар билан иш олиб бориш керак, уларга хатоларини кўрсатиш, шу хатолари орқасида нималарни қўлдан бой бераётганини, совхоздан оладиган иш ҳақини бой бераётганини тушунтириш, уни ишбай асосида тўланадиган натура ёки пул ҳақи билан қизиқтириб қўйиш керак. Ана ўшанда кишилар нималарга қодир эканлигини ва меҳнатда нақадар фидокорлик кўрсата олишларини кўрасиз.

IV. УКРАИНАДА ДОН ЕТИШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Украинада дон етиштириш соҳасидаги катта камчиликлар ва хатолар ҳақида алоҳида гапириб ўтмоқчиман.

Украина, Россия Федерациясидан кейин, донни мамлакатнинг энг йирик ғалла райони бўлиб келди. У давлатга 500—600 миллион пуд дон бериб келар эди.

Сибирь ва Қозоғистонда қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши муносабати билан Украинанинг давлат дон тайёрлаш соҳасидаги салмоғи пасайди. Бироқ мамлакат учун Украина ғалласининг аҳамияти камайгани йўқ.

Баҳоланки республика кейинги йилларда ғалла етиштиришни ва давлатга ғалла сотишни камайтириб қўйди.

Давлатга ғалла сотишни кўрсатувчи маълумотлар қуйидагича (миллион пуд ҳисобида).

1948 йил	613
1949 йил	534
1958 йил	553
1959 йил	451
1960 йил	358

Украиналик ўртоқлар, сизлар 1948 ва 1949 йилларни, урушдан кейин Украина қишлоқ хўжалиги тикланаётган даврларни яхши эслайсиз. Бу йиллар оғир йиллар эди, бу вақтларда донни уч қайталаб экишга тўғри келарди.

Украина далаларида қурғоқчилик ва қора бўронлар бўлиб турарди, энг муҳими эса Украинанинг ажойиб қишлоқ хўжалиги кадрлари уруш туфайли катта талофот кўрган эди. Техника вайрон этилган бўлиб, колхозлар ғоят оғир аҳволда эдилар. Дала ишларини одамлар ўз пешона тери билан амалга ошириб, оғир меҳнат қилар эдилар. Бироқ улар ўша оғир йилларда қанлай ишлар қилдилар? Улар катта жасорат кўрсатиб, яхши ҳосил етиштирдилар ва давлатга 613 миллион пуд ғалла сотдилар. Бу одамларнинг садақаси кетсанг арзийди.

Кейинчалик эса, кўриб турибсизки, республика донни камроқ етиштирадиган, давлатга камроқ дон сотадиган бўлиб қолди. Ўтган 1960 йилда давлатга бор-йўғи 358 миллион пуд ғалла сотилди. Украина 1946 йилдагина давлатга бундан камроқ дон сотган эди. Бироқ сиз 1946 йилнинг —урушдан кейинги биринчи йилнинг қандай бўлганини биласиз, у вақтда хўжалик батамом вайрон қилинган бўлиб, Украина колхозларида сигир қўйиб ер ҳайдалар эли ва деярли барча дала ишлари қўлда қилинар эди. У вақтда қурғоқчилик бизга зарба бердигина эмас, балки уруш вайрон этган хўжаликни яна беш баттар вайрон қилди.

Ҳозирги вақтда Украина колхоз ва совхозлари бутунлай бошқача шароитда ишламоқдалар. Улар ажойиб кадрларга эга, илғор техника билан қуроллантирилган. Шуниси ажабланарлики, қандай қилиб ана шундай шароитда раҳбарлар дон етиштириш даражасини шу қадар пастга тушириб юборишга ва бу билан ўз республикаларини оғир аҳволга солиб қўйишга журъат қилдилар? Бундай даражага етиш учун, чамаси жуда «доно» бўлиш керак. Бугун мен бу ҳақда фақат қисқача гапиряпман. Киевда бу хусусда анча батафсил гапирилади.

Украинада ғалла етиштириш соҳасидаги бундай ёмон кўрсаткичлар ноқулай об-ҳаво шароитининг натижаси бўлишдан кўра кўпроқ одамлар билан яхши ишламаслик натижасидир. Украиналик ўртоқлар, агар мен сизларни бироз танқид қилсам мендан хафа бўлмассиз деб ўйлайман.

Биласизми, ўртоқлар, мен Украинада ўн уч йил бажонидил ишлаганман. Мен у ерда кўп қувончли кунларни, шунингдек Ватан уруши йилларида Украина халқи учун, бутун мамлакатимиз халқи учун ғоят оғир бўлган кунларни бошимдан кечирдим. Мен бу меҳнатсевар, мардонавор ва истеъдодли халқнинг нималарга қодир эканлигини кўрдим ва яхши биламан.

Украинада шароит шундайки, қўпол қилиб айтганда, бир йил жуда ҳам иш қилган бўлсанг ҳам қаҳрамон бўлиб кўринишинг, иккинчи йил эса ёмон раҳбар бўлиб кўринишинг мумкин.

Агар ёмғир ёғиб берса, қулай об-ҳаво шароити бўлиб турса, Украина ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олади, келгуси йили эса худди шу ернинг ўзидан сиз бор-йўғи 5 центнердан ҳосил олишингиз мумкин. Украинада бир йилнинг ўзида катта ўзгаришлар юз бериши мумкин, бу район об-ҳаво жиҳатидан беқарор зонадир, Украинанинг бир қанча районлари кўпинча қурғоқчиликдан зарар кўриб туради. Шунинг учун қулай шароит бўлиб турган пайтда сиз 30—35 центнер бугдой олишингиз мумкин, маккажўхоридан эса 50 центнердан ҳосил олишингиз мумкин. Агар сиз кейинчалик беш йил давомидаги умумий ҳосил суммасидан ўртача ҳосилни ҳисоблаб чиқарсангиз, ҳосил кам бўлган ва қурғоқчилик бўлган йилларнинг ҳам ҳамиша ўртача ҳосили яхши бўлиб чиқади. Раҳбарнинг вазифаси ўртача кўрсаткичлар орқасига яширинишдан иборат бўлмай, балки ҳар қандай шароитда ҳам юқори ҳосил учун кураш олиб боришдан иборатдир.

1956 йилни эслайлик. Бу йил об-ҳаво шароити жиҳатидан Украина учун оғир йил бўлди. Ўша вақтда республиканинг раҳбарлари ўртоқ Кириченко ва ўртоқ Кальченко бу оғир аҳволдан чиқиш учун қандай йўл тутган эдилар.

Уларнинг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш услубини характерлаб берувчи бир эпизодни айтиб берай.

Бир куни ўртоқ Кириченко телефон қилиб, бундай деди:

— Далаларда бутун нарса қуйиб кетяпти.

Мен унга жавобан:

— Қандай қилиб бутун нарса куяди, бутун нарсанинг куйиб кетиши мумкин эмас-ку, ахир, — дедим.

— Ҳамма нарса куйяпти, ўзим кўрдим, — деди ўртоқ Кириченко. — Кальченко ҳам жойларни бориб кўрди, у ҳам тасдиқлаш мумкин. Маккажўхори илдизигача куйиб кетяпти, кунгабоқар ҳам куйиб кетди. Биз уларни ўриб олишга киришдик.

— Қандай қилиб ўриб оласиз, жуда ортиқча шошилаётганингиз йўқми? — деб сўрадим мен.

— Агар ўриб олмасак, ҳаммаси куйиб тушади, — деб жавоб берди Кириченко. — ҳаммаси хароб бўлиб кетади.

— Ундай бўлмайди, — деб такрорладим мен. — Сиз шошиляпсиз. Бу хусусда ишни яхши биладиган тажрибали кишилар билан маслаҳатлашиб кўринг.

— Биз маслаҳатлашдик, — деди ўртоқ Кириченко. — Мен жойларга бордим. Кальченко районларга чиқиб келди. Биз маккажўхори билан кунгабоқарни ўриб оламиз.

— Шошилманглар. Марьинск районидаги ўртоқ Глуховдан суриштирилглар. ўртоқ Ярошенкодан сўранглар, — деб яна маслаҳат бердим мен. Бу ажойиб юқори ҳосил устасини мен кўпдан бери билар эдим. У ҳар гектар ердан 25-26 центнер кунгабоқар ҳосили олар эди. Бу фақат Украина учун эмас, балки бошқа районлар учун ҳам энг юқори ҳосил эди.

Ярошенкодан сўрадик, у: бизда ҳам қуйиб кетяпти, деди, — деб жавоб берди менга ўртоқ Кириченко.

Шундай қилиб улар маккажўхорини ва кунгабоқарни ўришга киришдилар. Шундан кейин биз уларга: ўришни тўхтатинг! — дедик.

Ана ўшанда ўртоқ Ярошенко ўз кунгабоқарларини ўрмади ва ҳар гектардан 23 центнердан ҳосил йиғиб олди. Ўртоқ Глухов, сиз аниқроғини айтиб беринг, ўша йили у қанчадан ҳосил олган эди?

З. Н. Глухов. Гектаридан 23 центнердан!

Н. С. Хрушчев. Илдизигача куйиб кетаётган кунгабоқардан ҳар гектаридан 23 центнердан!

Ўша вақтда маккажўхори эмас, кунгабоқар эмас, балки шўринг қурғур раҳбарлар илдиз-пилдизи билан куймоқда эди. Куяётганлар мана шулар эди! **(Қарсаклар).**

Шундай, ўртоқлар, биз бир-биримизга ёқимли гапларнигина айтмасдан, ҳақиқатни ҳам рўй-рост айтишимиз керак. Шуни тушуниб олиш керакки, раҳбарларнинг хатолари учун, уларнинг нотўғри ишлари учун колхозчилар куйишга мажбур бўладилар. Ишни билмасанг, уни ташлаб этиш кўлингдан келмаса — уддасидан чиқадиган одамларга ўрнингни бўшатиб бер. Нима учун ўша вақтда ўртоқ Ярошенко ўз кунгабоқарини ўриб олмасдан яхши ҳосил етиштирди, лекин ўртоқ Кальченко эса маккажўхорини ҳам, кунгабоқарни ҳам албатта ўриб олиш учун рухсат берилишини талаб қилди. Мана энди у бу ерда ўтирибди, Марказий Комитет аъзоси, Олий Совет депутати, энг йирик республика бўлган Украинанинг Министрлар Совети раиси, у кишининг парвойи-палак, хато қилмагандек писанд қилмай ўтирибди. У хато қилди деган гап нима деган гап? Бу — катта республиканинг хўжалигига зарар келтириш деган гап. Бошқача замонлар бўлганда эди, хўжаликни мана шундай нотўғри юритиш натижасида кўпгина деҳқонлар қиламчилик қилишга чиқиб кетган бўлар эдилар. Бизнинг шароитимизда бундай бўлиши мумкин эмас, албатта. Оғир шароитга тушиб қолган колхозларга давлат ёрдам беради. Ана энди республика Министрлар Советининг раиси Иттифоқ Министрлар Советидан Украина колхозларига ёрдам беришни илтимос қилмоқда. Гарчи ҳақиқатда ҳосил қуйиб кетганлиги учун эмас, балки раҳбарларнинг калтафаҳмлиги натижасида экин ҳалок бўлган бўлса ҳам бироқ ёрдам берилмоқда.

Шундайми ёки шундай эмасми? Бундан буён ана шундай қилиш, шу хилда раҳбарлик қилиш ярамайди. Бутун ҳақиқатни рўй-рост айтиш керак, халқ ҳақиқатни тушуниб олади. Халқ хўжалик юритишдаги қийинчиликларни бартараф қилиш учун бел боғлайди ва ўз имкониятларини кўрсатади. **(Қарсаклар).**

Марказий статистика боқмасининг маълумотларига қараганда, 1960 йилда Украинада 10 миллион 516 минг гектар маккажўхоридан 4 миллион 245 минг гектари, ёки барча экинларнинг 40 процента кўкпоя ҳолида ўрилиб, гектаридан 113 центнердан ҳосил олинган. Демак, ўтган йили ҳам, худди бундан бир неча йил илгари ,яъни мен айтиб берган вақтдагидек, маккажўхорини ўриб олибдилар. Хўш, бундан нима натижа чиқди? Ем-хашак эмас, балки сув олинибди. Баҳоланки, мен юқорида айтиб ўтганимдек, худди шу пайтнинг ўзида Украинадаги кўпгина илғор звено, бригада ва колхозлар маккажўхоридан ажойиб ҳосил олганлигини кўриб турибсиз.

Украиналик ўртоқлар! Сизлар маккажўхоридан дон ҳосили етиштириш соҳасида ажойиб тажрибага эгасизлар. 1948 йилдаёқ, ҳали маккажўхорига техника воситаси билан ишлов бериш бўлмаган бир вақтда, ўртоқ Таран, билмадим, у шу ердамикин...

Н. В. Подгорний. Йўқ.

Н. С. Хрушчев. Нима учун бундай тажрибали кишини Пленумга таклиф этиш эсларингизга келмади? Шундай қилиб, Черкасск областидаги «Коминтерн» совхозидан ўртоқ Таран ўша вақтда маккажўхорини қўлда квадрат-уялаб парвариш қилди.

Нима учун мен бу кишини эсга соляпман? Шунинг учунки, ўртоқлар, у биринчи бўлиб амалда квадрат-уялаб экиш усулининг прогрессив аҳамиятини кўрсатиб берди. У ўша вақтда 12 гектар ердан 80 центнердан маккажўхори донини олди. Шундай қилиб, бу ҳодиса ўша вақтда Полтава областига қарашли районда юз берган эди, кейинчалик бу район Черкасск областига ўтиб кетди.

1949 йилда ўртоқ Таран ишлаб турган совхоз бутун 100 гектар маккажўхори майдонига уруғни қўлда квадрат-уялаб экди ва гектаридан 57,6 центнердан дон олди. Мана сизга ўртоқ Таран кўрсатган намуна. Тағин бунинг устига бу иш ҳали маккажўхорини парвариш қилиш учун махсус машиналар чиқарилмаган пайтда қилинган эди.

Украиналик ўртоқлар, 1949 йилда икки ярим миллион гектардан ошиқроқ ерга маккажўхори оддий мосламалар ёрдамида квадрат-уялаб экилганлигини эсингизга олинг.

Ўша вақтда мен шундай хатлар ўқиб турардимки, бу хатлар Марказий Комитетга, газета редакцияларига келиб турар эди, уларда айрим агрономлар: Хрушчев қишлоқ хўжалигини юритишнинг варварлик усулларига қайтмоқда: у маккажўхорини қўл билан экишга мажбур қилмоқда, деб ёзишарди. Ҳа, бу деярли варварлик усули эди, маккажўхорини қўл билан экиш оғир иш эди, бироқ машиналар бўлмаганидан кейин нима ҳам иложимиз бор эди. Е қўл билан экиш, ёки оч қолиш керак эди. Ҳосил олмай қолишдан кўра, далада тер тўкиб ишлаган яхши, албатта. Машина сўраб, уни ясаб беришларини кутиб ўтиришдан кўра, бу иш анча маъқулроқ эди, лекин машиналарни эса 2-3 йил кутишга ҳам тўғри келиб қолиши мумкин эди. Бироқ машиналар кутиб, қўл қовуштириб ўтириш мумкин эмас эди, негаки ҳар куни овқатланиш, яна бир маҳал эмас, балки уч маҳалдан овқат ейиш керак-ку, ахир.

Очиғини айтсам, ўша давр билан фахрланаман. Мен Украина колхозчи хотин-қизларининг қўлдг кунига ярим гектардан маккажўхори экканларини кўриб, уларнинг ишига қойил қолганман. Баъзи колхозчи аёллар қўлда кунига ҳатто бир гектардан маккажўхори экар эдилар. Аммо, ўртоқлар, маккажўхори нақадар яхши бўлганини, қанчаданқанча дон етиштирилганлигини айтмайсизми!

Энди эса Украина колхоз ва совхозларида машиналар кўп.

Мана, маккажўхорини парвариш қилишда ишлатиладиган мавжуд техника тўғрисидаги баъзи бир маълумотлар.

Украинада бор эди:

	1949 йилда	1960 йилда
Ер ҳайдайдиган тракторлар	14 минг	115 минг
Қатор ораларига ишлов берадиган культиваторлар	1.600	29 минг
Квадрат-уялаб экадиган сеялкалар	0	45 минг
Маккажўхорини ўриб-йиғиб оладиган комбайнлар	0	19,5 минг

Техниканинг миқдори ошиб бормоқда, республика эса маккажўхори ҳосили соҳасида олга қадам босаётгани йўқ.

Машиналар бор, тажрибали ходимлар беқиёс даражада кўп, колхоз ва совхозлар эса давлатга донни қарийб икки баравар камроқ сотмоқдалар.

Хўш, гап нимада? Ўртоқлар, гап энг аввало раҳбарликда, ташкилотчилик ишида.

Шполе районида 1949 йилда, у ерда район партия комитетининг секретари ўртоқ Н. Д. Бубновский бўлган вақтда икки минг гектар ерга қўл билан маккажўхори экиб, у Пленумда айтганидек, ҳар бир гектар ердан 80 центнердан дон ҳосили олганлар. Шполеда ўша вақтгача ҳеч маҳал маккажўхори экмаган эдилар, «Олимлар» эса Украинада маккажўхори экиладиган ерларнинг чегарасини Белая церковнинг жанубғидан ўтказган эдилар. Практика бундай хариталарни масхара қилди, шунинг учун энди бундай хариталарни бир чеккага йиғиштириб қўйдилар.

Ҳамма ғаллаларда, кадрларда, иллат шундаки, баъзан қишлоқ хўжалик ишлари билан қишлоқ хўжалигига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган кишилар шуғулланадилар.

Яқинда Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Бубновский Украина Компартияси Марказий Комитетига ёзган ўз хатида, бундай деган эди: Синельниковск районининг Ленин номли колхозида маккажўхорини думбул сўта бўлмасдан туриб ўриб оладилар, колхоз раиси ўртоқ Павленко, думбул маккажўхорини ўриб олишта ва силос қилиб бостиришга мени район ташкилотларининг раҳбарлари ва область партия комитетининг вакили ўртоқ Осипов мажбур қилдилар, деб изоҳ берди. Суриштириб қаралса, ўртоқ Осипов қурилиш трестларининг бирида таъминот бўлими бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлар экан, қишлоқ хўжалиги билан мутлақо таниш эмас экан ва ҳатто маккажўхорининг ўсиб-униш фазалари тўғрисида, унинг озуқа сифатидаги қиммати тўғрисида ҳеч қандай тасаввури йўқ экан. Суҳбат вақтида ўртоқ Осипов бундай деди: «Менга областда колхозга чиқинг ва маккажўхорини ўрдириб силос қилиб бостиртиринг, дейишди. Мен худди ана шундай қиляпман».

Шу ҳам раҳбарлик бўлдими, ўртоқлар!

Биласизми, агар қишлоқ хўжалигига шунақанги раҳбарлик қилинса, худди мана бу мақолда айтилганидек, бўлади; ейдиган нарса бўлмагач, от «кишнаш уёқда турсин, ҳаром ўлади». Мен бундай сўз ишлатганим учун узр сўрайман, лекин деҳқонлар бу сўзни яхши тушунадилар. Агар от яхши боқилса, у халқ тили билан айтганда, думини ҳода қилиб, ер тепинади, кўриб ҳавасинг келади. Ёмон боқсанг, у оёғини аранг судраб босади. Буни отлиқ аскарлар ҳам яхши биладилар. **(Кулги, залда жонланиш).**

Ҳаммага маълумки, одамларнинг кайфияти ҳам кўпинча овқатга боғлиқ. Уруш вақтларида, бирон инспектор ҳарбий қисмга келиб кайфият қалай эканлигини суриштирганда кўпинча унга: «Ошпаздан сўранг, у тўғрисини айтади», деб маслаҳат беришарди. Овқат яхши бўлса, кайфият ҳам яхши бўлади. Тўғрими, Семен Михайлович?

С. М. Будённий. Тўғри, Никита Сергеевич!

Н. С. Хрушчев. Ҳозир Украинада техника кўп, аммо бунинг самараси кўринмайди.

Украинанинг илғор кишилари йил сайин юқори ҳосил олмоқдалар. Мисол учун Одесса областидаги Горький номли колхоздан ўртоқ Блажевский звеносини олиб қаранг. Бу ўртоқ бугун бу ерда, Пленумда ажойиб нутқ сўзлади. Бу звено маккажўхоридан: 1955 йилда — 79 центнердан, 1956 йилда — 58 центнердан, 1957 йилда — 65 центнердан, 1958 йилда—68 центнердан, 1959 йилда—70 центнердан ва 1960 йилда — 72 центнердан дон ҳосили олди. Кўриб турибсизки, икки йил об-ҳаво шароити ноқулай келган бўлса ҳам, у энг юқори ҳосил олган. Шунинг ўзи кўрсатиб турибдики, маккажўхорини об-ҳаво қуритиб қўймас экан. Маккажўхори об-ҳаводан қўрқмайди, у бепарво қаровчилардан кўпроқ қўрқади.

Ўртоқ Блажевский ишлаб турган Котовск районида маккажўхоридан мана қандай ҳосил олмоқдалар. 1955 йилда—30,5 центнер, 1956 йилда—16,7 центнер, 1957 йилда — 15 центнер, 1958 йилда — 26 центнер, 1959 йилда — 17 центнер, 1960 йилда — 17,5 центнер ҳосил олганлар. Фарқ қа қаранг. Шароит бир хил-у, лекин натижалар ҳар хил. Агар ўртоқ Блажевскийнинг звеноси кейинги олти йил ичида ўрта ҳисобда ҳар гектар ердан 69 центнердан маккажўхори донини олган бўлса, бутун Котовский районида худди шу олти йил давомида ўрта ҳисобда ҳар гектар ердан 20,4 центнердан ёки илғор звенога қараганда 49 центнер кам ҳосил олиб келинган.

Одесса областининг Березовск районидаги КПСС XXI съезди номидаги колхозда (раиси М. А. Посмитний) қуйидагича ҳосил олинган:

	(гектаридан центнер ҳисобида) 1960 йил	1959 йил
Барча дон экилари, шу жумладан:	29,0	22,3
Кузги бугдой,	23,4	23,0
Кузги арпа	25,9	37,0
Маккажўхори дони	39,9	20,7
Тариқ	17,6	20,0
Кунжабоқар	12,3	13,5

Олти йил давомида маккажўхори донининг ҳосили ўрта ҳисобда қуйидагича бўлган:

XXI партсъезд номидаги колхоз	— 37,5 центнер
Березовск райони	— 19,6 центнер
Одесса области	— 19,1 центнер

Академик Н. Н. Кулешовнинг хабар беришича, Харьков областининг юқори навлар етиштириладиган участкаларида 1947-1959 йилларда, яъни 13 йил ичида ўрта ҳисобда гектаридан 40 центнердан маккажўхорининг дони олинган, Харьков области эса маккажўхоридан: 1959 йилда — 11,7 центнердан, 1960 йилда — 14,6 центнердан дон олган.

Полтава области ҳақида алоҳида гапириб ўтишни истар эдим. Бу областнинг ерлари жуда яхши. Шунга қарамай, область донниг ялпи ҳосилини ва давлатга дон сотишни йил сайин камайтириб юбормоқда.

Бунинг асосий сабаби дон экиладиган, айниқса маккажўхоридан кам ҳосил олинаётганлигидадир.

Полтава областининг колхоз ва совхозларида ҳар гектар маккажўхоридан 1940 йилда — 20,7 центнердан, 1949 йилда — 20,1 центнердан, 1956 йилда — 16,6 центнердан, 1957 йилда — 13,9 центнердан, 1958 йилда — 25,7 центнердан, 1959 йилда — 14 центнердан, 1960 йилда — 10,1 центнердан ҳосил олинган.

Маккажўхори экиладиган ер майдони анча кенгайтирилишига қарамай, маккажўхорининг ялпи ҳосили ва давлатга дон сотиш ўсмасдан, балки ҳатто камайиб бормоқда.

	1949 йил	1959 йил	1960 йил
Дон олиш учун экилган маккажўхори (минг гектар)	136	146	240
Ялпи ҳосил (минг тонна)	272	204	243
Давлатга сотилган (минг тонна)	85	16	8

Полтава областининг раҳбарлари қурғоқчиликни баҳона қиладилар. Тўғри, 1960 йилда қурғоқчилик бўлди, аммо маълумки, 1949 йилда ҳам қурғоқчилик бўлган эди.

Об-ҳаво институтининг баъзибир маълумотлари мана бундай:

Сентябрдан июлгача ўтган давр ичида ёққан ёғин миқдори (миллиметр ҳисобида):

Полтава	344	312
Лубни	322	428
Веселий Подол	359	432

Ҳосил учун ҳал қилувчи ой бўлган май ойида ёққан ёғин миқдори:

	1948-1949 йиллар	1959-1960 йиллар
Полтава	12	37
Лубни	14	59
Гядач	3	60
Веселий Подол	4	79

Кўриб турибсизки, гап фақат қурғоқчиликда эмас, об-ҳаво яхши келган йилларда ҳам Полтава области оқсамоқда.

Об-ҳаво шароити яхши бўлган йилларда юқори навлар етиштириладиган участкаларидаги ва умуман областнинг барча колхозларидаги ҳосилдорликка оид қиёсий маълумотлар қуйидагичадир (гектаридан центнер ҳисобида):

	кузги бугдой: юқори навлар етиштириладиган участкаларда	кузги бугдой: область бўйича	маккажўхори: юқори навлар етиштириладиган участкаларда	маккажўхори: область бўйича
1955 йил	30,4	18,2	39,9	18,4
1957 йил	25,0	13,6	42,1	13,6
1958 йил	27,7	14,8	47,5	25,1

Хўш, гап нимада? Бунга область тажриба станциясининг директори М. В. Кузменко маълум даражада жавоб беради. У бундай дейди:

Маккажўхори зич қилиб экилади-да, сеялка ўтган йўллардан кейинчалик культиватор билан кесиб ўтилади ва шу билан гўё квадратлар ҳосил қилинади. Натижада баъзи жойда экин зич бўлади, баъзи жойда ҳеч нарса бўлмайди, оқибатда ҳосил ҳам унмайди.

Маккажўхорига яхши эътибор берилган хўжаликларда у ажойиб натижалар беради.

Хмельницкий областининг Городокск районидаги «Украина» колхозининг раиси ўртоқ Г. И. Ткачук маккажўхори тўғрисида мана бундай мулоҳаза юритади, у ёзади:

«Бизнинг Украинада шундай колхозлар борки, улар йил сайин маккажўхоридан 14-15 центнердан дон оладилар.

Мабодо биз ҳар гектар маккажўхоридан ҳатто 25-30 центнердан дон ҳосили олсак ҳам, колхозимизда маккажўхорини экмай қўйган бўлар эдик. Бизда бугдой ва арпа 25-30 центнердан, баъзан эса бундан ҳам кўпроқ ҳосил беради, ваҳоланки бугдой билан арпани фақат экасан-у, ҳосилини йиғиштириб олаверасан.

Биз дон олиш учун паттагина майдонга маккажўхори экамиз, чунки ҳар гектар маккажўхоридан 50 центнердан ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил оламиз. Ана шундай дон ҳосили олинсагина, бу экин фойдали бўлиши мумкин.

Мен ўз фикрларимни мана бундай бир неча рақам билан асослаб беришим мумкин. Бизнинг колхозимизда маккажўхоридан олинган дон ҳосили бугдойга нисбатан йиллар бўйича қуйидагичадир:

(ҳар гектардан центнер ҳисобида)

	маккажўхори	бугдой
1958 йил	52,2	26,7
1959 йил	52,0	24
1960 йил	50,3	33

Маккажўхори силос массасининггина эмас (1960 йилда ҳар гектар ердан 611 центнердан силос массаси олинди), балки унинг дони бўйича ҳам юқори ҳосил олинганлиги туфайли биз 1960 йилнинг 11 ойи ичида ҳар 100 гектар яроқли ер ҳисобига 160 центнердан гўшт ва 584 центнердан сут етиштирдик. Чўчқачиликни ривожлантирмоқдамиз. 1960 йилнинг ўн бир ойи ичида ҳар 100 гектар экинзор ҳисобига 72 центнердан чўчқа гўшти етиштирдик. Шуни ҳисобга олингизки, колхоз йириклаштирилди, унга анча кам қувват хўжалик қўшилди, бу эса, албатта, умумий кўрсаткичларга таъсир қилмай қолмади.

Менимча, маккажўхори етиштириш соҳасида унинг ҳосилдорлигини ошириш йўлини тутиш керак.

Бизда 930 гектар ерга маккажўхори экилади. шундан 460 гектари дон олиш учун экилади. Ҳар гектардан 50 центнердан дон ҳосили олинган тақдирда биз шунча кўп концентрат оламизки, у чорвачилигимиз учун етиб-ортиб қолади».

Шундай қилиб, маккажўхори ўстиришнинг муваффақиятлари ташкилий оператив ишга боғлиқдир. Бу — асосий нарсадир.

Ставрополь тракторчилари Денисенко, Транько, Полуян ва Григорьев ўртоқлар бу масала хусусида яхши гапларни айтганлар. Улар партия Марказий Комитетига юборган хатларида бундай деб ёзадилар:

«Маккажўхорига меҳнат сарфламай туриб, ундан, худди эртаклардагидек, мўъжизалар кутиш ярамайди. Бизда ҳали шундай одамлар ҳам борки, улар сўздагина маккажўхорига тарафдор бўлиб, амалда фақат зарар келтирадилар. Ана шунақа одам минбарга чиқиб олади-да: маккажўхори дала маликаси, у жуда зўр истиқболга эга ўсган экиндир, деб булбулдек сайраб кетади-ю, уйига қайтиб келди дегунча нималар деганини унутиб қўяди. Подшоларнинг саройларида ҳам доимо хушомадгўйлар бўларди. Бироқ маликани хушомадгўйлик билан алдаш мумкин бўлган бўлса, маккажўхорини алдаб бўлмайди-ку, ахир. Маккажўхорига сўз эмас, парвариш керак».

Бу — қишлоқ хўжалик илғорларининг тўғри хулосасидир, буни қўллаб-қувватламоқ керак! **(Қарсаклар).**

V. ДАВЛАТ ҲИСОБИГА ЯШАШ МАЙЛЛАРИГА ҚАРШИ, МАМЛАКАТНИНГ БАРЧА ЗОНАЛАРИДА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ КЕРАК

Ўртоқлар! Қора тупроқ бўлмаган зонанинг районлари дон етиштиришни кўпайтириш учун катта резервларга эгадир. Бу зонада экин майдонлари 30 миллион гектарга яқин ерни ташкил қилади. Бир вақтлар қора тупроқ бўлмаган зонанинг бир қанча районларидан дон сотиб олмаслик тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Чамаси баъзи раҳбарлар бу қарорни нотўғри тушунганга ўхшайди. Айрим республика ва областларда дон етиштиришнинг камайиб кетганлиги, дон экинлари майдонининг камайтирилганлиги каби факт бундан далолат беради.

Бунинг сабабини қидириб кўришга ҳаракат қилинса, маълум бир хулосага келиш мумкин. Қўриқ ерларни ўзлаштириш натижасида дон етиштиришни кўпайтириш соҳасида қўлга киритилган ютуқлар юқорироқ кўтарилиб, узоқроқни кўролмаган айрим раҳбарларга ёмон таъсир қилди. Мамлакатда ғалла етиштириш анча кўпайгандан кейин давлатда дон харид қилиш ишида илгаригидек ҳар бир районга алоҳида топшириқ бериш заруратн қолмаган эди.

Партия Марказий Комитети ва ҳукумат, бу районлар чорва молларини кўпайтириш учун, чорвачилик маҳсулотларн етиштиришни кўпайтириш учун, техника экинлари етиштиришни ривожлантириш ва шу асосда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва қишлоқ хўжалик даромадларининг умумий ўсишини таъминлаш учун ўз дон хўжаликларини янада тараққий эттирадилар, деб мўлжаллаган эдилар.

Лекин баъзи бир раҳбарлар буни бошқача тушундилар. Улар таҳминан бундай фикр юритдилар — модомики давлат бизга ғалла сотиш бўйича план бермаётган экан, демак, у бизнинг ғалламизга муҳтож эмас экан, демак биз ғалла етиштиришни йиғиштириб қўйишимиз мумкин экан. Бундай ходимлар давлат манфаатларини тушунмадилар, улар дон ети

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқининг давоми

(Боши 1, 2, 3 ва 4-бетларда)

Эҳтимол, областда сут етиштириш кескин кўпайтирилгандир? Бу соҳадаги ютуқлар ҳам айтарли эмас. 1953 йилда барча хўжалик категориялари бўйича 703 минг тонна, 1959 йилда 1015 минг тонна, 1960 йилда 953 минг тонна сут етиштирилган. Область Москвага анча кўпроқ сут бериши лозим. Сутни юзлаб километр масофага ташиб бўлмайдику, ахир. Лекин сут етиштириш учун сигирлар сонини кўпайтириш лозим. Москва областида эса сўнгги икки йил мобайнида сигирлар сони 20 минг бош камайиб кетган.

Москва область партия комитетининг секретари ўртоқ Абрамов Марказий Комитет Пленумида сўзга чиқиб, бу ҳақда ҳеч нарса демади, чамаси уялган бўлса керак. Бу ҳам ёмон эмас. Ҳар ҳолда уяти бор экан. Лекин бундай фактлар ҳақида индамай ўтиш яхши эмас, ўртоқлар. Ишдаги камчиликларни дадил туриб очиб ташлаш, турли-туман бемаъниликларни қоралаш, бундай ярамас ҳолларга қарши газаб қўзғатиш лозим.

Латвия, Литва, Эстония ҳам ҳеч қандай асос бўлмагани ҳолда, дон етиштиришни камайтириб юборди.

Қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ҳисобларига кўра, қора тупроқ бўлмаган зонада яқин йиллар ичида дон етиштиришни камида 500-600 миллион пудга кўпайтириш мумкин. Бу резервдан фойдаланиш лозим.

Мен гречиха ва дуккакли экинлар етиштириш тўғрисида бир неча марта гапирганман. Яна шу масала устида гапириб ўтмоқчиман.

Кейинги икки-уч йил ичида умуман мамлакат бўйича гречиха етиштириш кескин камайиб кетди. Мана маълумотлар. 1956 йилда 2 миллион 676 минг гектар ерга гречиха экилган бўлса, 1959 йилда бундан икки ҳисса кам майдонга гречиха экилди, бу қимматли экинни тайёрлаш камайиб кетиб 357 минг тоннадан 69 минг тоннага тушиб колди.

1960 йилда гречиха тайёрлаш 150 минг тоннагача кўпайди. Лекин бу рақам, барибир 1956 йилги даражадан икки мартадан зиёдроқ камдир.

Бир қанча энг муҳим республика ва областларда гречиха етиштириш иши мана бундай аҳволда.

Россия федерацияси гречиха экиладиган майдонларни деярли икки марта, уни тайёрлашни эса 5 марта камайтириб юборди.

Орёл, Курск, Брянск, Горький, Пермь ва баъзи бошқа областлар гречихага ҳеч эътибор бермаётирлар.

Яқинда Курск область Солнцевск районидаги 1 Май номидаги колхознинг бригадири П. М. Стрекалов КПСС Марказий Комитетига хат ёзиб мурожаат қилди. У, бизнинг бригадамиз 54 гектар ерга гречиха экиб, ҳар гектаридан 120 пуддан ҳосил олди ва давлатга 800 центнер гречиха сотди, шундай қилиб, гречихадан 160 минг сўм даромад олдик, деб хабар қилди.

1961 йилда бригада ҳар гектар ердан 130 пуд гречиха, 180 пуд тариқ, 800 центнер маккажўхори, 300 центнер қанд лавлаги олиш мажбуриятини олган.

Агар бутун Курск областида гречихадан ана шундай ҳосил олинадиган бўлса, колхозлар шу экин туфайли жуда бойиб кетади, давлат эса миллионлаб пуд гречиха олади.

Украина гречиха етиштириши камайтириб юборди. 1960 йилда Украина 52 минг тонна ёки 1940 йилдагига нисбатан уч марта кам гречиха топширди. Полтава области 1940 йилда ҳар гектар ердан 13 центнердан ҳосил олгани ҳолда гречиханинг ялпи ҳосили 58 минг тоннани ташкил этган эди. 1960 йилда эса ҳар гектаридан 4,8 центнер ҳосил олингани ҳолда фақат 17 минг тонна ялпи ҳосил олинди.

1940 йилда Полтава области давлатга 24 минг тонна гречиха топширган бўлса, 1960 йилда 2 минг тонна гречиха топширди.

Гречиха ўстириш учун Украинада ажойиб имкониятлар бор. Винница областининг Вершадск районидаги Сталин номли колхоз 1960 йилда ҳар гектар ердан 26 центнердан гречиха олди. Хмельницкий областининг Изяславль районидаги Островский номли колхоз ҳар гектар ердан 27,7 центнердан ҳосил олди.

Гречихага Белоруссияда ҳам кам эътибор бермоқдалар. 1960 йилда республикада 1956 йилдагига қараганда деярли уч марта кам гречиха етиштирилган.

Гречиха иқтисодий жиҳатдан жуда фойдали экиндир, унга сарф қилинган меҳнат яхши самаралар беради. Мана, баъзибир маълумотлар.

ШАТИЛОВСК ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ

	Экин майдони (гектар ҳисобида)	Ҳар гектар ердан олинган ҳосил (центнер ҳисобида)	Ҳар гектар ердан олинган соф даромад (сўм ҳисобида)
буғдой	69	20,3	28,5
арпа	17	25,4	41,8
сули	141	24,3	минус 38,1
нўхот	20	18,1	232,6
гречиха	57	12,5	154,1

Бундан ташқари хўжалик ҳар бир гектар ердан 20,5 килограмм асал, ёки қўшимча суратда 30 сўм пул олган.

Шундай қилиб, бир гектар ерга экилган гречиха, асални ҳам ҳисоблаганда 184 сўм соф даромад берган.

ЧЕРНИГОВ ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИНИНГ НОСОВСКИЙ БЎЛИМИ

	Экин майдони (гектар ҳисобида)	Ҳар гектар ердан олинган ҳосил (центнер ҳисобида)	Ҳар гектар ердан олинган соф даромад (сўм ҳисобида)
буғдой	20	23,8	188,5
арпа	55	26,1	338,2
сули	49	19,1	64,7
нўхот	43	17,2	472,3
гречиха	95	14,3	341

ЧЕРНИГОВ ОБЛАСТИДАГИ КАРЛ МАРКС НОМЛИ КОЛХОЗ

	Экин майдони (гектар ҳисобида)	Ҳар гектар ердан олинган ҳосил (центнер ҳисобида)	Ҳар гектар ердан олинган соф даромад (сўм ҳисобида)
буғдой	35	16,3	87
арпа	157	21,6	87,7
сули	132	11,6	29,4
нўхот	37	13,7	124,9
гречиха	66	13,9	237,3

Дуккакли ўсимликлар — нўхот, ловия, чечевица, соя етиштириш соҳасида жиддий қолоқликка йўл қўйилган.

Гречиха ва дуккакли экиндар экиладиган майдонларни 1961 йилдаёқ қайтадан тиклаш ва кенгайтириш чораларини кўриш, уларнинг ҳосилдорлигини ва ялпи ҳосилини анчагина ошириш лозим.

Биз кунгабоқар етиштиришни кўпайтиришга кўпроқ эътибор беришимиз лозим. Чунки у юқори сифатли ёғ ва чорва моллари учун кунжара беради.

Картошка ва сабзавот етиштиришни кўпайтириш масалларига жиддий эътибор беришимиз лозим. Мамлакатимизда картошканинг ялпи ҳосили 1953 йилдаги 73 миллион тоннадан 1960 йилда 84 миллион тоннага етди. Бу ўсиш сира кониқарли эмас. Чунки у етти йилликда мўлжалланганидан орқада қолмоқда. Картошка етиштиришдаги қолоқликнинг асосий сабаби — бу экиндан кам ҳосил олинаётганлигидир.

Аҳолини таъминлаш учун зарур миқдорда картошка етиштиришгина эмас, балки унинг ҳосилини кескин суратда кўтариш ҳам муҳимдир.

Шаҳар ва ишчи посёлкаларида яшовчи меҳнаткашлар давлат магазинларидаги картошка бозордагига қараганда анча арзон туришига қарамай, бозордан 2-3 баравар қимматга картошка сотиб олишни афзал кўрадиларки, бу ҳолга асло чидаб бўлмайди. Бозордаги картошка жуда сара бўлади, баъзи магазинларда картошка арзон бўлгани билан сифати ёмон бўлади. Шундай қилиш керакки, натижада фақат сара картошкагина ғамлаб қўйилсин ва у ҳақиқатан ҳам яхши сифатли бўлсин. Бу энди маҳсулотни етиштира билишгина эмас, балки уни йиғиб олиш, тайёрлаш ва асраб билиш масаласидир.

Сўнгги икки йил ичида ихтисослаштирилган сабзавотчилик совхозлари тузилганлиги муносабати билан сабзавот етиштириш ва харид қилиш иши яхшиланди. Ўтган йили 5 миллион тонна сабзавот ёки 1953 йилдагига нисбатан 2 марта кўп сабзавот тайёрланди. Лекин биз сабзавотдан ҳам кам ҳосил оляпмиз.

Сабзавотчилик колхозларини намунали хўжаликларга айлантириш, шундай қилиб уларнинг юқори ҳосил олишига ҳамда яхши ва арзон маҳсулот беришига эришиш лозим.

Ҳар бир зона учун ердан фойдаланиш схемасини ишлаб чиқиш керак.

Қўриқ ерда буғдой — асосий экиндир. Ўрим-йиғим вақтида — иш «авжига чиққан» вақтда ишни енгиллатиш учун совхозларнинг ходимлари қўриқ районларда экин майдонларининг бир қисмига сули экишни таклиф қилмоқдалар.

Бу, тўғри бўлса керак. Арпанинг ўсиш даври буғдойникига қараганда анча қисқадир. Акмолинск районида буғдойнинг униб чиқишидан то пишиб етилишига қадар бўлган вегетация даври 90-100 кунни ташкил этади, арпаники эса 75 кундир.

Арпани буғдойдан кейинроқ экса ҳам бўлади, лекин арпа 10-15 кун эртароқ пишади. Арпа яхши ҳосил беради. Арпа фақат ем эмас, балки қимматли озиқ-овқат экини ҳамдир. Арпадан крупа, пиво қилинади.

Қозоғистоннинг қўриқ областларида турли муддатларда пишадиган буғдой, арпа экиш ва бир қанча районларида жавдари бўғдой экиш мақсадга мувофиқдир. Қўриқ ерларда нўхат, гречиха, толали зиғир, картошка, қанд лавлаги ва бошқа экинлар яхши ўсади.

Қўриқда дуккакли ва чопиқ қилинадиган экинлар экиш тўғрисида гапирар эканман, аввало уларни ёзги шудгор қилиб қўйилган ерларда экишни назарда тутаман. Мен тоза шудгор тарафдориман ва мутахассисларни ва практикларнинг шу масаладаги фикрларини қувватлайман. Қўриқ ерларда тоза шудгор керак. Лекин агар тоза шудгорга масалан, нўхат экилса, бундан шудгорнинг сифати ёмонлашмайди, балки яхшиланади. Нима учун? Нўхатни кенг эгатларга экиш мумкин. Бу эса майдоннинг ярмини, ҳатто ундан кўпроғини ишлаш имконини беради. Ерда намлик тобора кўпроқ тўпланиб боради. Дала бегона ўтлардан тозаланади. Нўхатдан кейин ер азот билан бойийди. Колхоз ёки совхоз ҳар бир гектар ердан қўшимча равишда 10-12 центнер нўхат олади. Демак, ер фақат тоза шудгор қилинибгина қўймай балки азот билан ҳам ўғитланади.

Бундай майдонларга баҳорда баҳори буғдойни ерни ҳайдамай дискалашдан кейин экиш мумкин. Ёзги шудгорга маккажўхори, нўхат, хашаки дуккакли экинлар, вика, толали зиғирларни кенг қаторлаб экиш, гречихани қатор орасини 45 сантиметр қилиб икки қаторлаб экиш мумкин.

Нўхатни қайси усул билан экиш яхшироқ? Кенг қаторлаб экишми ёки квадрат-уялаб экишми? Бу ҳақда тажриба тўплаш ва уни яхши ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Қатор ораларини 45x45, 60x60 ва 70x70 сантиметр қилиб экишни синаб кўриш лозим. Қандай усул яхши эканлигини амалда кўрмоқ керак.

Бундан ташқари чопиқ қилинадиган экинлардан қанд лавлаги ва картошка экилади.

Хрушчев донолик қилмоқда, деб айтишлари мумкин. Йўқ, бундай эмас. Такрор айтаманки, мен қўриқ районлардаги колхоз ва совхозларнинг фақат соф шудгоргагина эмас, балки намлик яхши сақланадиган, ер азот билан бойийдиган шудгорга эга бўлишларини, ернинг бегона ўтлардан тозаланишини, баҳори буғдойдан юқори ҳосил олиш учун яхши шароит вужудга келишини истайман.

Кузги шудгорга экилган дуккакли экинлар ва гречиха худди шу талабларга жавоб беради.

Ёз даври қисқа бўладиган районлар учун маккажўхорининг эртапишар сортини танлаб олиш фойдалироқдир. Сўтали эртапишар маккажўхори сўта бермайдиган узун пояли кечпишар маккажўхорига қараганда из эмас, балки кўпроқ ем-хашак бериши мумкин.

Хуллас, ўртоқлар, қўриқ ерларнинг имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш лозим.

Бу ерда Т. Д. Лисенко сўзлади ва ўртоқ Шевченконинг китоби тўғрисида гапирди. Мен ҳам қўриқ ерлик ўртоқларга шу китобни ўқиб чиқишларини тавсия қиламан. Бу китобни мени ёрдамчим ёзганлиги учун эмас, балки бу бамаъни китоб бўлганлиги учун уни мақтаяпман. Мен Америка Қўшма Штатларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг сессиясига боришга тайёргарлик кўриб юрган вақтимда, мана шундай пленум ўтказиб, унда қишлоқ хўжалигидаги нуқсонларни танқид қилиш керак эканлигини хаёлимдан ўтказган эдим. Мен жўнаб кетишим олдидан унга:

— Қўриқ ерга боринг, ишлар билан танишинг, у ерларни айланиб чиқинг, кишилар билан гаплашинг, — деб айтган эдим.

У эса қўриқ ерга борди. Ўртоқ Шевченко — агроном, ишни яхши гўшунади, кўп материал йиққан. У ўз кузатишлари тўғрисида гапирганида мен унга КПСС Марказий Комитетига хат ёзиш ҳақида маслаҳат бердим. У хатни ёзиб берди. Мен бўлсам яна унга шу хат асосида брошюра ёзишни маслаҳат қилдим. Чунки, хатни йигирма киши ўқиса, китобни кўп кишилар ўқийди — у кўп фойда беради. Кўриб турибсизки, бу китоб фойда келтирди.

Ўртоқлар! Қўриқ ерларда ишловчи кишиларнинг маданий-маиший шароити тўғрисида ғамхўрлик қилмоқ керак. Қўриқ ерларда кўпроқ уй-жойлар, болалар боғчалари, яслилар, мактаблар, ошхоналар қурмоқ керак. Қўриқда бу ишларни биринчи навбатда қилмоқ керак, чунки шундай қилинса, анчагина ишчи кучи бўшатиб олынади. Кишиларга техника бериш ва уларга яхши маиший ва маданий хизмат кўрсатиш энг муҳим вазифадир. Бу, киши тўғрисида, айтайлик, альтруистик ғамхўрликкина эмас, балки, менингча, ишда хўжалик кўзи билан ҳам қарашдир, чунки агар сиз болалар боғчалари, болалар яслилари қурсангиз, оналар ишлашга келадилар, умумий ишлаб чиқаришда актив ва фаол иштирок этадилар.

Ҳамма ерда маданий-маиший муассасалар қурмоқ керак, Лекин, такрор айтаманки, ишчи кучи айниқса етишмаётган қўриқ ерларда бу ишларни биринчи галда қилмоқ керак.

Мен ўзимнинг бир қанча нутқларим ва суҳбатларимда қишлоқ жойларда тўрт-беш қаватли уйлар қуришни тавсия қилганман. Аммо бу директива эмас, албатта.

Колхоз ва совхоз қурилишининг конкрет шароитларини ҳисобга олмоқ керак. Тўрт-беш қаватли уйлар қуриш учун база, яхши техника, кўтариш воситалари талаб қилинади. Ҳар бир совхоз ва колхоз ҳам бундай қурилишни олиб бориш имкониятига эга деб бўлмайди. Шундай бўлиши ҳам мумкинки, бир қатор совхоз ва колхозларда 4-5 қаватли уйлар қуришга имконият бўлмаганда ҳолда, бошқачароқ уйларни қуришга рухсат бермайдилар. Албатта, 4-5 қаватли уйлар қурилиши, бу энг тежамли қурилишдир. Лекин бунинг учун имконият бўлмаган жойларда, келинг, кишилар икки қаватли уй қураверсинлар. Икки қаватли уйларни қурганда ҳар бир оиланинг квартираси ҳам биринчи қаватга, ҳам иккинчи қаватга жойлашса яхши бўлур эди. Икки квартирали ёки тўрт квартирали уй қуриш яхши. Хуллас, бундай масалалар колхозлар ва совхозларда ҳал қилинмоғи лозим.

Агар кишилар бир қаватли уйларга ўрганиб қолган эканлар, бундай ҳолларда бир қаватли уйларни ҳам қураверсинлар, лекин уларни бутун қишлоққа, катта территорияга ёйиб юбормаслик керак, чунки бу исрофгарчилик бўлади. Бироқ, мен ишонаманки, кишилар бир қаватли уйларнинг ноқулайлигини ўз вақтида англаб оладилар ва кўп қаватли уй қуриш учун имконият вужудга келиши билан кўп кишилар қишлоқни қайта қурабошлайдилар.

Қишлоқда қурилиш ишларини пайсалга солиш мумкин эмас ўртоқлар. Ўруш натижасида Украина вайрон бўлганда баъзи бировлар менинг олдимга келиб ҳозир фақат архитектура планларига мувофиқ янги қишлоқлар қуриш керак деб маслаҳат берганлари эсимда. Мен бундай кишиларга: бу яхши, ажойиб фикр! Лекин сизларда қанча архитектор бор? Архитекторлар қишлоқларни қайта қуриш планларини ишлаб чиққанларига қадар кишилар қаерда яшайдилар, деб айтган эдим. Йўқ, кишилар тезроқ бошпанали бўлишлари учун лойдан, somon-похолдан уйлар қуриб олаберсинлар. — қўл остиларида бўлган ҳамма нарсадан фойдалана берсинлар. Бойроқ бўлиб олсак, қишлоқларни архитектура планларига мувофиқ қура берамиз, деб айтган эдим.

Бу ишда ўртоқлар, яхши ният пайда бўлиб кишиларни ёмон аҳволга солиб қўймаслик керак. Бунга йўл қўйиб бўлмайди!

Ўртоқлар! Ердан фойдаланишда қатъий тартиб ўрнатиш ва бу тартибни амалга оширишда агрономлар, бригадирлар ва бошқа ходимларнинг қатъий жавобгарлигини белгилаш лозим. Ҳар бир колхозда ва совхозда ернинг хусусиятлари, сифатлари кўрсатилган карта бўлиши керак. Колхоз ва совхозларда ҳар бир йил учун шнур дафтари бўлиши керак. Бу дафтарга қайси майдонга ва қандай экинлар экилажаги ёзиб борилиши керак. Шнур дафтарини колхоз ёки совхознинг бош агрономи олиб боради. Уруғнинг сифатини, қачон униб чиқишини ва сортини аниқлаш зарур. Экиладиган уруғ нормаси, қанча уруғ кераклиги ва ҳар бир гектар ерга амалда қанча уруғ экилганлигини ёзиб бориш керак. Буларнинг ҳаммаси қандайдир бир паспорт шаклида акс эттирилмоғи лозим.

Ҳосилни ўриб-йиғиб олиш тартибини ҳам белгилаб чиқмоқ керак. Қачон ва қандай участкада ўрим бошланади ва қачон тамом бўлади, мазкур дала ҳосилини ким ўрган. Ернинг хўжасизлигини тугатиш ва ўрим-йиғимнинг сифати учун масъулиятни ошириш лозим. Даланинг ўз хўжайини бўлмоғи керак. Бундай хўжайин бригада бошлиғидир. Шу билан бирга фақат бажарилган иш учунгина эмас, балки олинган маҳсулотнинг миқдори ва сифати учун ҳам ҳақ белгиламоқ керак. Бу мавжуд заводлардаги тартибни маълум даражада эслатади.

Баъзи бир ўртоқлар Хрушчев, афтидан, бюрократизмни жорий қилмоқчига ўхшайди деб айтишлари мумкин. Бу бюрократизм эмас. Йирик хўжаликни ибтидоий усулда бошқариб бўлмайди. Баъзан қандай бўлади? Йиғим-терим вақти келади, ҳосилни ўришга киришадилар. Далада эса, атиги 5 центнердан буғдой етишган, холос. Шунда биз худо бермади, деб айтамиз. Лекин дала экиладиган уруғнинг ярмиси ҳам сепилмади, деб айта олмайди. Шундай қилган кишининг ўзи эса, на айтади, на тан олади. Нима қилиш керак? Бундай ҳолда қатъий суратда олиб борилган хужжатлар ёрдам қилади. Бунда ҳужжатга ёки, юқорида айтганимдек, паспортга қўл қўйган кишидан сўралади.

Масалан, тайёрлов ишлари бормоқда, тезроқ рапорт бериш учун ҳамма ғалланы топшириб қўядилар. Тайёрлашдан кейин бир ой ўтиши биланоқ, баъзи бир ўртоқлар Ҳукуматга хат ёзиб уруғлик сўрайдилар бизга уруғлик беринг, дейдилар. Шу ҳам иш бўлдими?! Баъзан, камроқ экиш учун экиш нормасини камайтирадилар. Аммо, ўртоқлар, халқда ёмон уруғдан яхши насл чиқмайди — деган мақол бор.

Модомики сен ярим норма сепкан экансан, далада ўзинг эккан экиннинг эмас, балки шу экинни бўғиб қўядиган бегона ўтларнинг ҳукмронлик қилишига имкон бериб қўйган бўласан. Бунинг учун ким жавобгар? Баъзан айбдорни топиб бўлмайди. Бундай ҳолда қандай контроль ўрнатиш керак ва ким жавобгар бўлиши керак? Агроном ана шундай контроль бўлсин. Нима учун? Корхоналарда, масалан, бухгалтер ҳисоботларининг бажарилиши учун завод директоригина эмас, балки бухгалтер ҳам жавоб беради. Башарти бухгалтер пул ҳужжатига ўз имзосини қўймаса, директорнинг имзоси давлат банки учун ҳақиқий ҳисобланмайди. Шундай тартиб борми?

Овозлар. Ҳа, бор!

Н. С. Хрушчев. Нима учун бизда айрим районларда ва қишлоқ хўжалигининг айрим участкаларида ўпирилишлар бўлмоқда? Чунчи, бизда баъзан бирор уқувсиз келиб қаерга ва нима экиш керак, қандай сепиш нормасини олиш керак, ўрим-йиғимни қандай ўтказиш кераклигини кўрсатиши мумкин. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Маълум ҳужжатларни жорий этиш—бюрократизм эмас. Унча катта бўлмаган бу ишни олиб бориш керак. Тегишли формаларни ишлаб чиқиш, босмахонада бостириб чиқариш лозим. Уларга рақамларни ёзиб қўйиш иш эмас, лекин тартиб яхши бўлади. Кимдандир сўраш, иш учун кимнинг жавобгар эканлигини билиш мумкин бўлади.

Ғалла, ем-хашак экинлари етиштирадиган, чорва моллари ва паррандалар боқадиган комплекс механизациялашган бригадалар ташкил қилмоқ керак, ўртоқлар. Бизда Гиталов, Мануковский ва кўпгина бошқа ўртоқларнинг яхши тажрибаси бор. Агрономлар бригада бошлиқлари билан биргаликда бригададаги иш тартибларини ишлаб чиқишлари лозим. Бригадада ўрнатилган иш тартиби қонунга айланмоғи керак. Бригада далачилик ишларини ҳам, чорвачилик ишларини ҳам олиб бормоғи лозим.

Олтойнинг Рубцовск районидаги «Страна Советов» колхозида Александр Беккернинг комплекс бригадаси ишламоқда. Унинг ўзи тракторчи. Бригадада бригада бошлиғининг техника бўйича ва чорвачилик бўйича ўринбосарлари бор.

Бригадага 2.400 гектар ҳайдаладиган ер ва 10 та трактор бириктириб берилган.

Бригада 1.318 гектар ерга буғдой экди ва ҳар гектардан 21,5 центнердан ҳосил олди.

Бригада дондан, асосан буғдойдан йил сайин тобора юқори ҳосил олмоқда. Маълумотлар мана бундай:

1957 йил гектаридан — 24,7 центнердан
1958 » — 25,2 центнердан
1959 » — 23,8 центнердан
1960 » — 21,8 центнердан

Бригадада:
550 бош қорамол,
Шу жумладан 230 бош сигир бор;
1200 бош қўй,
1800 бош чўчқа,
8400 бош парранда (товуқ)

Шу жумладан 2700 бош тухум қиладиган товуқ бор.

Бригада ҳамма чорва молларини озуқа билан таъминлайди. Фақат маккажўхорининг ўзидангина 1960 йилда 3050 тонна силос бостирилди.

Мен илғор кишиларнинг тажрибаси тўғрисида кўп ўқиб тураман. Улардан ўрганаман. Мануковский, Гиталов ўртоқларни ва бошқа новаторларни олиб қарайлик. Улар фақат бир хил экин экибгина бутун техникадан ва бутун бригададан фойдаланиб бўлмайди, деб айтадилар. Шунинг учун улар бутун бригадани ва бутун техникани бутун қишлоқ хўжалик ишлари мавсуми давомида бир текисда иш билан банд бўлишини таъминлайдиган экинлар танлаб экадилар. Бу оқилона иш.

Шунинг учун, ўртоқлар, ташкилий ишларни яхши ва усталик билан ҳал этмоқ керак. Ҳозир, менингча, энг асосий нарса кишилар, агрономлар, зоотехниклар танлашдан, бригадалар тузишдан, уларга техника беришдан иборат. Бригадага ким бошчилик қилади? Трактор бригадаси — эндиликда бу илгари биз тушуниб келган бригада эмас. Энди бу бригада ҳам дала бригадаси, ҳам трактор бригадасидир, у колхозда ягонадир. Бир далада икки хўжайин бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун, эҳтимол бригада бошлиғи ҳам тракторчи, ҳам дала мудири бўлиши лозимдир, у комплекс хўжалик юритиш учун жавобгар ҳамдир. Балки, агроном бригада бошлиғи бўлар. Ғалла ва ем-хашак экинлари етиштирадиган ва чорвачилик билан шуғулланадиган бригадалар ҳозир бизда кўп. Уларнинг тажрибасидан ўрганиш ва ишни олга бостириш лозим

Колхозларни йириклаштириш тўғрисида гапириб ўтишни истар эдим. Мени бу масала ташвишлантириб қўйди. Мен Киров областидаги колхознинг раиси ўртоқ П. А. Прозоровнинг мақоласини ўқиб чиқдим. У ўз мақоласида колхоз 27.000 гектар ҳайдаладиган ерга эга, 137 та аҳоли пунктини ўз ичига олади, деб ёзибди. Кимдир уни шундай қилишга мажбур қилган. Ўртоқ Прозоров эса — колхознинг жуда тажрибали раиси. Уни кимдир мажбур килган, чунки бундай хўжаликни бошқариш қийин. Бундай хўжалик фақат қўриқ ерларда, чўллар бағрида бўлиши мумкин. Мен ўртоқ Прозоровнинг шароити қандайлигини билмайман, лекин колхозларни йириклаштириш вақтида бузилишларга йўл қўйилган бўлса, бошқарса бўладиган хўжалик вужудга келтириш учун хатоларни тузатишдан, ўша йирик хўжаликларни бўлиб юборишдан қўркмангиз, демоқчиман.

Хатони тан олишдан қўрқманглиз, чунки бугун тан олмасанг, эртага тан олишга тўғри келади, лекин хўжаликка катта зарар етказасан.

Ўртоқлар! Моддий манфаатдорликни ошириш керак. Моддий манфаатдорлик бизнинг ташкилий ишимизда маълум ўринни эгаллаши лозим. Фақат маънавий фактор билан узоққа бориб бўлмайди. Яхши моддий стимул билан мустаҳкамланган маънавий фактор катта аҳамиятга эга. Кишн моддий стимул нима эканлигини кўриши, ҳис қилиши лозим. Ажабо, бу бизнинг принципларимизга зидми? Коммунизмга бормоқ учун аввало кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак. Кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш нима? Бу — яхши иш учун, юқори меҳнат унумдорлиги учун тегишли ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш демакдир. Буни унутмаслик керак. Афтидан, биз моддий манфаатдорлик масалаларига бўлган эътиборни бирмунча бўшаштириб қўйдик. Нотиқ ўртоқлар ўз нутқларида бу ҳақда жуда кам гапирдилар. Баъзи бировлар энди бу масала катта роль ўйнамайди, деб айтишлари мумкин. Аммо, бу нотўғри, ўртоқлар. Ҳозир биз моддий таъминот масаласи бизни ташвишга солмайдиган тараққиёт даражасига етишганимиз йўқ. Биз кўпроқ ишлашимиз, кўпроқ моддий ноз-неъматлар яратишимиз керак.

Баъзи жойларда колхоз ва совхозларда ташкилий масалалар билан, ва, бинобарин кишилар танлаш, кадрларни жой жойига қўйиш, кишиларни моддий рағбатлантириш ва маънавий илҳомлантириш масалалари билан шуғулланмай қўйдилар. Моддий манфаатдорлик фактори билан маънавий фактори бирга қўшган тақдирдагина кишиларни ҳақиқатан олга етаклаб бориш мумкин. (Гулдурос қарсаклар).

(Давоми олтинчи бетда)

VI. ҚЎРИҚ ЕРЛАРНИНГ ИМКОНИЯТИДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Ўртоқлар! Қўриқ ерлардаги ишларнинг баъзи масалалари тўғрисида гапириб ўтмоқчиман.

Партия бутун халқнинг ёрдами билан қўриқ ерларни ўзлаштиришнинг буюк программасини амалга оширди. 41 миллион гектар янги ер очилди. Юзлаб йирик совхозлар тузилди. Чўл-саҳролар тамоман ўзгармоқда.

Қўриқ ерларни ўзлаштиришга қарши бўлган кишилар: Қозоғистон ва Сибирга боришнинг нима кераги бор, у ёқда қурғоқчилик-ку, бекорга пул сарф қилмоқдамиз, ҳаражатлар ўзини оқламайди, деб айтган эдилар.

Хўш, ҳақиқатда аҳвол қандай? Қўриқ ерлар халқимизга нималар берди?

Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш натижасида қилинган харажатлар ва олинган даромадлар тўғрисида Марказий Статистика Бошқармаси, Госплан, Молия министрлиги, Қишлоқ хўжалик министрлиги ва ғалла маҳсулотлари комитети томонидан партия Марказий Комитетига тақдим этилган хатни келтираман. Бу хатда бундай дейилади:

«СССР Марказий Статистика Бошқармаси, СССР Госплани, Ғалла маҳсулотлари бўйича СССР Министрлар Советининг Давлат Комитети, СССР Молия министрлиги ва СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш натижасида давлатнинг қилган харажатлари ва олган даромадларини ҳисоблаб чиқдилар ва бу ҳисоблаш натижаларини маълум қиладилар.

1. 1954—1960 йилларда қўриқ ерлар ўзлаштирилаётган районларда 41 миллион гектар қўриқ ва бўз ер ишга солинди. Шундан РСФСР да 16 миллион гектар ва Қозоғистон ССР да 25 миллион гектар қўриқ ва бўз ер ўзлаштирилди.

Шу кўрсатилган давр мобайнида қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилган зонада мамлакатимиз 1949—1953 йиллардаги ўртача йиллиқ тайёрлаш даражасига нисбатан қўшимча равишда 6 миллиард 300 миллион пуд (103,4 миллион тонна) товар ғалла олди, жумладан РСФСР районларида 3,2 миллиард пуд ва Қозоғистон ССРда 3,1 миллиард пуд товар ғалла олинди.

Шу йиллар ичида давлат бу районлардан 1949—1953 йиллардаги ўртача даражага нисбатан 4,9 миллион тоннадан кўпроқ товар гўшт (тирик вазнда), 15,3 миллион тонна кўпроқ сут, 352 минг тонна кўпроқ жун олди.

Қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши мамлакатда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришни яхшилаш имкониятини берди.

2. Ҳисоблар кўрсатадики, давлатнинг янги ерларни ўзлаштириш учун қилган харажатлари тамомила ва анча ортиғи билан қопланди. 1954—1960 йилларда давлат қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун янги ерлар ўзлаштирилаётган зонага одатдаги капитал сарфлардан ташқари қўшимча равишда бу районларга 44 миллиард сўм сарф қилди.

Шу давр ичида қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилаётган районларда ғалланинг товар маҳсулотининг ўсиши ҳисобидангина давлат қўшимча равишда 76 миллиард сўмлик оборот солиғи ва фойда олди.

Давлатнинг қўриқ ерларни ўзлаштириш натижасида қўшимча олган бу даромадидан қўриқ ерларга сарфланган ва юқорида кўрсатиб ўтилган капитал харажатларни чиқариб ташласак, фақат биргина товар ғалла ҳисобидангина давлат ўзининг қўриқ районларнинг қишлоқ хўжалигига сарфлаган барча маблағларини қоплабгина қолмай, балки бундан ташқари шу давр ичида 32 миллиард сўм соф даромад олганлиги ҳам маълум бўлди.

Шу 32 миллиард сўмдан ташқари давлат қўриқ ерларга сарфланган капитал маблағлар ҳисобидан совхозлар, РТС ва тайёрлаш ташкилотларининг ишлаб чиқариш фондларини тахминан 35 миллиард сўм кўпайтирди.

Шундай қилиб, қўриқ ерлар шу ерларни ўзлаштириш учун қилинган харажатларни тамомила қоплади ва катта жамғарма бермоқда.

Ҳозир мамлакатда ғалланинг 40 процента қўриқ ерлар ҳисобидан тайёрланмоқда. Қўриқ ерлар бизга кўп фойда келтирмоқда.

КПСС Марказий Комитети Қозоғистоннинг қўриқ районларига раҳбарликни кучайтириш юзасидан бир қанча ташкилий тадбирларни амалга оширди.

Қозоғистоннинг шимолида Қўриқ ер ўлкаси тузилди. Бу иқтисодий жиҳатдан жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ўлкадир. Унинг 20 миллион гектар экин майдони бор. У ерда 13 миллион гектар ерга буғдой экилган эди. Ўлканинг совхоз ва колхозларида 90 минг трактор, 75 минг комбайн, 60 минг автомобиль бор.

Бу ўлкага раҳбарлик қилиш, унинг имкониятларидан фойдаланиш — энг муҳим масаладир. Қўриқ районларга раҳбарлик қилишда иттифоқ органларининг роли ошди. Бу ташкилий тадбирлар ўлканинг аҳволига яхши таъсир қилмоқда.

Аммо, энг муҳими ҳар бир совхозни раҳбар кадрлар, мутахассислар ва механизаторлар билан мустаҳкамлашдан иборатдир.

Қўриқ ерларда доимий кадрларни вужудга келтириш керак. Масалан, Украина, Жанубий ва Шимолий Кавказ комбайнчиларининг ишини қўриқ ерлардаги механизаторлар ишлари билан таққослаш керак. Лекин, қўриқ районлардаги партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари энг муҳим нарсани — икки-уч йил ичида ўз маҳаллий кадрларини етиштириш керак эканлигини яхши тушуниб олмоқлари керак. Гарчи, киши идора ходими бўлса-да, уни ҳам машина ҳайдашга ўргатинг, унинг меҳнатига яхши ҳақ тўланг. Бу ўзини қоплайди. У одам машинани парвариш қилиб боради, шу йилнинг ҳосилини ўриб-йиғиб олади ва келгуси йил ўрим-йиғимни тўғрисида ўйлайди, чунки келгуси йилда ҳам шу хўжаликда, шу машинада ишлаши кераклигини билади.

Ёшлигимда, Босседа ишлаб юрган вақтимда у ерда Кальченко номли слесарь ишчи бўлганлиги эсимда. Ўрим-йиғим яқинлашаверган сари бизнинг Кальченко худди ўткинчи қуш каби заводдан ғойиб бўлиб қолди. Совуқ тушиб қор ёққач, Кальченко яна пайдо бўлиб қолди. Биз ундан каерга ғойиб бўлдинг? деб сўрасак, у Кубанга, ғалла янчишга кетган эдим деб жавоб берди. У Кубанда бир қулоқ-казакни танир эди, унинг машиналарини ремонт қилиб, ғаллаларини янчиб пул ишлабди.

Шуни

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқининг давоми

(Боши 1, 2, 3, 4 ва 5-бетларда)

VII. ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўртоқлар! Чорвачилик — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг энг мураккаб тармоқларидан биридир. Маълумки, ўтмишда бир қанча сабабларга кўра, чорвачилик узоқ вақтгача эътиборсиз қолдирилган эди. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан кейин чорвачиликни ривожлантириш учун кўп иш қилинди. Мен ўз нутқимнинг бош қисмида гўшт, сут ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ва харид қилиш қандай кўпайганлиги тўғрисидаги маълумотларни келтирган эдим. 1960 йилда ҳам жамоат чорва моллари сони ортди, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш кўпайди. Ўтган йили 1959 йилдагига нисбатан 372 минг тонна кўп гўшт, 1 миллион 382 минг тонна кўп сут, 828 миллион дона кўп тухум харид қилинди.

Шу билан бирга кейинги вақтларда чорвачиликка эътибор сусайтириб юборилганлигини айтиб ўтиш керак. Ўтган йили чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш етти йиллик план топшириқларидан кейинда қолди.

Баъзи республикалар ва областлар чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда бир жойда тўхталиб турганликларига ёки ҳатто эришган позицияларини қўлдан бериб қўяётганликларига партия томонидан илгари сурилган вазифаларни ҳал этиш юзасидан масъулият пасайтириб юборилганлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

1957 йилда ва 1960 йилда бир қанча республикаларда гўшт етиштириш қуйидагича ўсди. РСФСРда 1957 йилда етиштирилган гўшт 1956 йилдагига нисбатан 262 минг тонна ортди, 1960 йилда эса 1959 йилдагига нисбатан ортиш ўёқда турсин, балки 93 минг тонна камайиб кетди. Украинада 1957 йилда етиштирилган гўшт 1956 йилдагига нисбатан 390 минг тонна кўпайди. 1960 йилда эса гўшт етиштириш 1959 йилдагига нисбатан 115 минг тонна камайди. Белоруссияда 1957 йилда гўшт етиштириш 46 минг тонна ортган бўлса, ўтган йили уч минг тонна камайди. Шундай қилиб, 1960 йилда кўпгина республика ва областлар гўшт етиштиришни 1959 йилдагига нисбатан камайтириб юбордилар.

Бундай ҳолнинг рўй беришига иқлим шароитлари эмас, балки чорвачиликка эътиборнинг сусайтириб юборилганлиги, ташкилотчилик ишларининг бўшаштириб юборилганлиги сабаб бўлди.

Чўчқачилик — чорвачиликнинг тез кўпаядиган тармоғидир. Чўчқа гўшти етиштиришни кўпайтириш учун бутун чорани кўриш зарур.

Бизнинг мамлакатимизда қўй гўшти етиштириш учун катта имкониятлар бор. Аммо, бир қанча республикаларда қўйчиликнинг ривожлантирилиши кўнгилдагидек эмас. Хўжасизлик ва совуққонлик орқасида қўйларнинг нобуд бўлиши каби шармандали ҳолатга хотима бериш керак. Кўпгина колхоз ва совхозларда қўйлар ҳамманинг кўз ўнгида нобуд бўлмоқда, партия ташкилотларининг раҳбарлари эса ана шу ярамас аҳволга тоқат қилиб келдилар.

1960 йилда Россия Федерациясидаги колхоз ва совхозларда 5 миллион 218 минг қўй, Қозоғистонда 3 миллион 306 минг, Қирғизистонда 609 минг, Грузияда 201 минг бош қўй нобуд бўлган. Қирғизистон барча қўйларнинг 8 процентидан, Қозоғистон 9 процентидан, Грузия эса 10 процентидан, Арманистон 11 процентидан маҳрум бўлиб қолган. Бу, давлатга колхоз ва совхозларга катта зарар етказди. Қанчақанча миқдорда гўшт ва жун қўлдан бой берилганлигини ҳисоблаб кўрингиз. Қўлдан бой берилган жуннинг бир ўзигина бир неча миллион сўмлик бўлди!

Баъзи ўртоқлар бундай шармандали ҳолатга қўникиб қолганлар, қўйлар ҳамиша нобуд бўлиб келган эди, деб мулоҳаза қиладилар. Мен бизнинг шароитимизда, социалистик хўжалик шароитида бунга йўл қўймаслик керак, деб ҳисоблайман. Қўйлар қачон ва нима сабабдан нобуд бўлади? Қиш фаслида узоқ яйловларда қалин қор ёққан ёки қўйлар оч қолган пайтда бундай ҳол рўй беради. Аммо, ем-хашак запас қилиб қўйилса, мол қишлови учун нормал шарт-шароит вужудга келтирилса, уларнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик мумкин. Бу Пленумда Тянь-Шань областидаги «Пограничник» колхозининг раиси ўртоқ Акунов нутқ сўзлади. Ўртоқ Акунов ажойиб киши. Унинг қўйлари тоғларда боқилса ҳам, ҳеч нобуд бўлган эмас. Бизда бундай хўжаликлар кўп. Яйловларда зарур шарт-шароит вужудга келтириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқ керак. Об-ҳавонинг ноқулай келиши эҳтимоли борлигини эътиборга олиб, яйловларда эҳтиёт ем-хашак фондига эга бўлиш керак.

Колхоз ва совхозларда парранда гўшти етиштиришни кўпайтириш суръатлари пасайиб кетганлигини ҳеч нарса билан оқлаш мумкин эмас. 1959 йилда парранда гўшти етиштириш 81 минг тонна кўпайган эди, 1960 йилда эса атиги 36 минг тонна ортди.

Ҳолбуки, бизда парранда боқиб ўстириш учун жуда яхши имкониятлар бор. Бу имкониятларни кўрсатиб берувчи конкрет мисолларни келтириб ўтаман. Краснодар ўлкасидаги Канев районининг колхоз ва совхозлари 1960 йилда давлатга 3.007 тонна парранда гўшти сотдилар. Бу рақам Липецк, Орёл ва Брянск областларини бирга қўшиб ҳисоблаганда улардаги ҳамма колхоз ва совхозлар сотган парранда гўшти миқдорига баробар дейиш мумкин.

Тамбов областидаги «Арженка» совхози 1960 йилда 858 тонна парранда гўшти сотди. Тамбов областидаги бошқа ҳамма колхоз ва совхозлар эса атиги 2.531 тонна парранда гўшти сотдилар.

Павлодар областидаги «Павлодарский» совхози ва Тельман номли колхоз 347 тонна, ёки Павлодар областидаги бошқа ҳамма колхоз ва совхозларни бирга қўшиб ҳисоблаганда улар сотган парранда гўштининг қарийб 40 проценти миқдорида парранда гўшти сотдилар.

Такрор айтаман, бизда паррандаларни боқиш ва кўпайтириш учун чексиз имкониятлар бор. Бу имкониятлардан фойдаланиш керак.

Сут етиштириш тўғрисида. Сентябрь Пленумидан кейин партия ташкилотлари чинакамига ишга киришганликлари орқасида сут етиштириш соҳасида яхши натижаларга эришилди.

Дастлабки тўрт йил ичида, яъни 1954 йилдан тортиб 1957 йилгача етиштирилган сутнинг умумий миқдори 38 миллион тоннадан 55 миллион тоннага етди. Колхоз ва совхозларда ҳар бир сигирдан соғиб олинган сутнинг ўртача миқдори 910 килограмм кўпайди ва 1959 йилда 2.067 килограммга етди. Бундан аввалги 20 йил мобайнида сут соғиш бир хил даражада қолиб келган эди, ҳар бир сигирдан тахминан 1.000 килограмм сут соғиб олинган эди.

Бир йил ичида ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут миқдорини 500-700 килограмм ва бундан ҳам кўпроқ оширган областлар ҳам бўлди, кўп колхозларда эса бир йил ичида ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут бир минг килограммдан ва бундан ҳам кўпроқ ўсди.

Аммо, кўпгина область ва республикалар эришилган даражани қўлдан бериб қўйдилар, сут чорвачилигига эътиборни сусайтириб юбордилар. Сут етиштиришни кўпайтириш суръатлари секинлаша бошлади, бир қанча областларда эса бу суръатлар ҳатто пасайиб бормоқда.

Кўп областларнинг колхоз ва совхозларида сигирдан сут соғиб олиш қуйидаги миқдорларда камайди:

	1957 йил	1960 йил	
Липецк области	2.704 кг	2.108 кг,	ёки 596 кг кам
Краснодар ўлкаси	2.413 кг	1.944 кг,	ёки 469 кг кам
Москва области	3.282 кг	2.918 кг,	ёки 364 кг кам
Киев области	2.792 кг	2.209 кг,	ёки 583 кг кам
Днепропетровск области	2.200 кг	1.924 кг,	ёки 276 кг кам

Агар зарур чоралар кўрилмайдиган бўлса, сут етиштириш соҳасида етти йиллик планни бажаришда қийинчиликлар вужудга келади.

Биз чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имкониятларига эгамиз ва бу маҳсулотларни кўпайтиришга эришмоғимиз керак. Гўшт етиштириш бўйича етти йиллик планни қолган беш йил ичида бажармоқ учун мамлакатда ҳар йили гўшт етиштиришни 1 миллион 465 минг тонна кўпайтириш таъминланиши лозим. Бу реал рақамдир. Агар яхши ишлайдиган бўлсак, бундан юксакроқ суръатларга эришишни ҳам таъминлаш мумкин. 1959 йилда бизда гўшт етиштириш 1 миллион 100 минг тонна ортган эди. Ҳозирги вақтда чорва моллар сони кўпайди, бинобарин гўшт етиштиришни кўпайтириш имкониятлари ҳам ортди.

Етти йилликда сут етиштириш юзасидан катта топшириқлар белгиланган. 1965 йилда 100-105 миллион тонна сут етиштириш зарур. Етти йилликнинг қолган йиллари мобайнида сут етиштиришни ҳар йили 8 миллион 700 минг тонна кўпайтириш талаб этилади. Агар яхши ишлайдиган бўлсак, бу маррага бемалол эришиш мумкин. 1956 йилда мамлакатда сут етиштириш 6 миллион 100 минг тонна кўпайтирилган эди. Ўша вақтда 27.7 миллион бош сигир бор эди. Ҳозирги вақтда мамлакатда қарийб 35 миллион сигир бор ва уларнинг сони бундан буён ҳам ортиб боради. Шу сабабли сут етиштиришни йил сайин 8-9 миллион тонна кўпайтириш тамомила мумкин. Бу — реал вазифадир.

Чорвачиликдаги асосий нарса — сигирлар сонини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишдир. 1954 йилдан 1960 йилгача ўтган давр ичида хўжаликнинг барча категорияларида сигирлар сони 25 миллиондан 34,7 миллионга етди, ёки 38 процент ортди. Шу давр ичида колхоз ва совхозларда сигирлар сони 9,8 миллиондан 18 миллионга етди, яъни 8 миллион 200 минг, ёки 83 процент миқдорида ортди. Мамлакатда 1957-1958 йиллар мобайнида сигирлар сони 4 миллион 300 мин, 1959-1960 йилларда эса 1 миллион 400 минг бош кўпайди. Бинобарин, кейинги икки йил ичида сигирлар сонини кўпайтириш суръатлари кескин даражада пасайиб кетди.

1957 йилда Россия Федерациясида сигирлар сони 1 миллион 200 минг, 1960 йилда 300 минг кўпайди; Украинада 1957 йилда сигирлар сони 544 минг, 1960 йилда эса 225 минг кўпайди, Белоруссияда 1957 йилда 114 минг, 1960 йилда 66 минг ортди. Бир қанча область ва республикаларда эса кейинги икки йил ичида сигирлар сони кўпаймади.

Сигирлар сонини кўпайтиришдаги ана шундай паст кўрсаткичларни ҳеч нарса билан оқлаш мумкин эмас. Ўртоқлар, аҳвол бундан буён ҳам шундай давом этадиган бўлса, гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш ҳақидаги топшириқни бажара олмаймиз.

Жамоат чорвачилиги чорвачиликда асосларнинг асоси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Эндиликда колхоз ва совхозлар гўшт ва сут етиштириб берувчи асосий хўжаликлар бўлиб қолдилар.

Аммо шундай бўлса ҳам кейинги йилларда баъзи республика ва областларда сигирлар сони уларни колхоз ва совхозларда урчитиб кўпайтириш ҳисобига эмас, балки аҳолидан сотиб олиш ҳисобига ортиб бормоқда. Колхозчи, ишчи ёки хизматчи сигирини сотар экан, уни сотиб олиш керак, албатта, акс ҳолда бу сигир гўштга сўйиб юборилади. Лекин асосий вазифа — колхоз ва совхозларда мол туёғини урчитиб кўпайтириш ҳисобига сигирлар сонининг оширилишини таъминлашдан иборат.

Баъзи республикаларда қўлларида шахсий сигирлари бўлган кишилардаги сигирлар сони колхоз ва совхозлардаги сигирлар сонидан кўп даражада тез ортиб бормоқда. Шу тўғрида баъзи маълумотларни келтириб ўтаман!

Озарбайжонда 1953 йилдан тортиб 1960 йилгача колхоз ва совхозлар ихтиёридаги сигирлар сони 3 процент, қўлларида шахсий сигирлари бўлган кишиларда сигирлар сони 84 процент кўпайган. Грузиянинг колхоз ва совхозларида сигирлар сони 13 процент, қўлларида шахсий сигирлари бўлган кишилардаги сигирлар сони эса 36 процент ортган. Афтидан, Озарбайжон ва Грузия партия ташкилотлари Марказий Комитет Пленумларининг колхоз ва совхозлардаги жамоат чорвачилигини ҳар томонлама ривожлантириш зарур эканлиги тўғрисидаги қарорларидан хулосалар чиқариб олмаган бўлсалар керак.

Кейинги икки йил ичида кўп республика ва областларнинг сигирлар сонини кўпайтирмай, бир жойда тўхтаб қолганликларига сабаб нима, ахир? Бунинг учун объектив сабаблар йўқ. Ем-хашак аввалги йиллардагидан кам эмас эди. Чорвачилик бинолари ҳам кўпайди. Сигирлар сонини йилига камида 3 миллион бош кўпайтиришни таъминлаш имконини берадиган миқдорда бузоқ олиш имконияти бор эди.

Гап шундаки, кўп колхозларда чорва молларни урчитиб кўпайтириш учун мўлжалланган ёш моллар аёвсиз сўйилмоқда. Кўп сигирлар, ҳеч қандай асос бўлмагани ҳолда, бракка чиқарилиб, гўштга топширилмоқда.

Иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, Министрлар Советлари, область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари, район партия комитетлари жамоат чорвачилигини ривожлантириш масалаларига эътиборни жўда сусайтириб юбордилар, сигирлар сонини кўпайтириш масаласи билан конкрет равишда шуғулланмаётирлар. Бизнинг имкониятларимиз кўп, бу имкониятлар сигирлар сонини кўпайтириш юзасидан етти йиллик план топшириқларини бажаришга йўл очиб беради.

Партия ташкилотлари бу вазифани ҳал этишга чинакам киришган районларда яхши натижаларга эришилди. Сентябрь Пленумидан кейин Оренбург областида сигирлар сони 166 минг, ёки 55 процент кўпайди; колхоз ва совхозлар сигирлар сонини 126 минг, ёки 91 процент ошиндилар. Шу билан бирга сигирлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Ленинград областида сигирлар сони 44 минг, ёки 39 процент кўпайди; колхоз ва совхозлар сигирларни 43 минг, ёки 89 процент кўпайтирдилар.

Литва республикасида сигирлар сони 243 минг, ёки 50 процент ортди; республиканинг колхоз ва совхозлари сигирлар сонини 183 минг, ёки 2,5 баравар кўпайтирдилар.

Юз гектар ҳисобига сигирлар сонини кўпайтириш — чорвачилик соҳасидаги асосий масаладир. Бу — гўшт ва сут етиштиришни кўпайтиришнинг бирдан-бир тўғри йўлидир.

50 миллион сигирга эга бўлмоқ учун етти йилликнинг қолган беш йили мобайнида улар сонини 15 миллион кўпайтириш, ёки йилига ўрта ҳисобда 3 миллион бош ортиб боришини таъминлаш керак.

Ана шу ҳисобга биноан етти йилликнинг охирига келиб республикаларда сигирлар сони қуйидагича бўлиши керак: Россия Федерациясида ҳозирги 18 миллион ўрнига 26,5 миллион, Украинада ҳозирги 7 миллион 900 минг ўрнига 12 миллион, Қозоғистонда ҳозирги 2 миллион ўрнига 3 миллион, Белоруссияда ҳозирги 2 миллион ўрнига 2 миллион 700 минг.

Бу вазифани тамомила бажариш мумкин. 1957 йилда мамлакатдаги сигирлар сони 2 миллион 400 минг ортди. Ўша вақтда имкониятлар ҳозирги пайтдагига нисбатан камроқ эди. Колхоз ва совхозларнинг имкониятлари ҳозир беқиёс ўсди.

Мутахассисларнинг ҳисобига қараганда, мавжуд сигирлардан йилига камида 10 миллион бузоқ олиб, боқиб етиштириш мумкин.

Ана шунча миқдордаги бузоқлар ҳисобига сигирлар сонини йилига 3 миллион бош кўпайтиришни таъминлаш мумкин эмасми, ахир.

Бу ерда ўртоқ Воронов сўзга чиқди. У яхши гапларни айтди, мен унинг гапларига асосан қўшиламан. Ўртоқ Воронов қишлоқ хўжалигидан яхши хабардор ва мен уни ҳурмат қиламан.

Гўшт чорвачилигини ривожлантириш масаласини кўтарган ўртоқ Вороновнинг нутқи муносабати билан мен баъзи нарсаларни аниқлаб олишни истар эдим. Гўшт учун боқиладиган сигир билан сут учун боқиладиган сигир ўртасида қандай тафовут бор? Агар ошпаз гўшт учун мўлжалланган сигир ва гўшт учун мўлжалланмаган сигир гўштидан овқат тайёрласа, булар ўртасидаги фарқни билиб олиш қийин бўлади деб ўйлайман. Имкони бўлган жойда сигирларни нима учун соғиш мумкин эмас, деб савол беришга ижозат беринг, кўп районларда эчки ва совлиқ қўйларни соғадилар, ахир сигир совлиқ қўй ёки эчкидан кўпроқ сут беради-ку. Сигирни сут берадиган ёки гўшт учун боқиладиган деган ном билан атай беринг, аммо у сут бера олса ва уни соғишдан иқтисодий наф бўлса, демак ундан сут олиш керак. **(Қарсаклар).**

Масалан, Москва областида сигирларни гўшт учун за сут учун боқиладиган сигирлар деб икки қисмга бўла бошласалар, у ҳолда шундай аҳвол рўй беради: бир сигирни соғадилар-у, иккинчиси бекор туради ва ўзига бунчалик ҳурматсизлик билан қарашларига нима сабаб экан деб ажабланади. **(Залда жонланиш).**

Чорвачиликда молларни гўшт учун боқиш қаерда бошланган? Қуёшни булут тўсолмайдиган, қаттиқ совуқлар ва ҳалокатли бўронлар бўлмаган жанубий районларда бошланган. Бу районларда чорва моллар йил бўйи яйловларда боқилади.

Гўшт чорвачилиги Американинг бепоён далаларида ривожланган эди. Бу ерларда одамлар кам эди, катта шляпа кийиб олган, ёнида тўппончаси ва қўлида узун қамчиси бўлган киши отга миниб олиб, пода кетидан борар эди. У сигир соғар эди, лекин ўзига керак бўлган қадар соғар эди. Чорва молларни гўштга боқиш ана шу шароитга боғлиқ эди.

Аммо ўзлаштирилган аҳоли яшайдиган районларга хўжаликни шу тариқа олиб бориш усулини шарт-шароитни ҳисобга олмай кўчириш ярамайди. Бизда сут ва ёғ ҳали етишмаётир, лекин шунга қарамай, биз бундай ажрим чиқармоқдамиз: мана бу сигир гўшт берадиган сигир, шу сабабли гўшт берадиган ҳурматли сигирни соғмайман дейдилар-да, сут олиш учун эса унинг ёнида турган совлиқ ёки эчкини соғадилар. **(Залда жонланиш).**

Такрор айтаман, сигирларни шарт-шароитга қарамай гўшт берадиган ёки гўшт бермайдиган икки қисмга бўлиш ярамайди. Бунда у ёки бу районнинг шароитларини ва иқтисодий нафларни асос қилиб олиш керак.

Ўртоқлар! Мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш — чорвачиликни янада юксалтириш вазифаларини ҳал этишнинг энг муҳим шартидир.

Кейинги йилларда маккажўхори кўп экиб ўстирилаётганлиги туфайли колхоз ва совхозларда ем-хашак етиштириш кўпайди. Марказий статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, 1960 йилда 186 миллион тонна, ёки 1959 йилдагидан 25 процент кўпроқ силос бостирилган. Шу билан бирга 1959 йилда тайёрланган 114 миллион тонна ўрнига 152 миллион тонна маккажўхори силоси бостирилган. Кези келганда шуни айтаманки, 1953 йилда атиги 32 миллион тонна силос бостирилган эди. 1959 йилдагига нисбатан бирмунча кўпроқ аралаш ем, пичан ва баҳори похол тайёрланди.

Аммо, чорвачилик соҳасида гурган вазифаларни эътиборга олганда, тайёрланган ем-хашак мутлақо етарли эмас. Мен ўртача рақамларни келтирдим. Аммо, айрим республика ва областлардаги аҳволни кўздан кечирадиган бўлсак, ем-хашак тайёрлаш соҳасидаги аҳвол жиддий ташвишга солиши керак. Тўйимлилиги жиҳатидан похолдан устун турган маккажўхори поялари ҳозирда ҳам далаларда ётган бўлса-да Киров, Владимир, Вологда областларида, Украинанинг бир қанча областларида ем-хашак жуда кам тайёрланган. Молдавияда, Қирғизистонда ҳам ем-хашак кам тайёрланган.

Бунинг устига баъзи бюрократларнинг ем-хашак тайёрлаш кўнгилдагидай бораётгандек қилиб кўрсатиш учун рақамларни ҳам рўкач қилишга моҳир эканликларини эътиборга олмоқ керак. Бу эса янада кўпроқ ташвишга солиши керак. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ишга эътибор билан қарашлари, бутун қиш даврида молларни яхши парвариш қилиш учун ем-хашакни тежаб сарф қилишлари зарур.

Ем-хашак экинлари орасида қайси бирини асосий экин деб ҳисоблаш мумкин? Бу маккажўхоридир, ўртоқлар. Ҳозир маккажўхори ҳосилдорлиги район, область, республика раҳбари учун аттестация бўладиган шарт-шароит етилганми? Фикримча етилган. Реал мулоҳаза қилайлик. Биз маккажўхоридан силос учун фойдаланмасак, картошка ва хусусан қанд лавлаги етиштиришни кўпайтиришга эътибор бермасак, сигирлар кам бўлади ва гўшт ҳамда сут етиштиришни кўпайтириш вазифасини ҳал этиш мумкин эмас. Агар бу экинларни дон билан алмаштирадиган бўлсак, у ҳолда шу етти йиллиқда чорвачилик соҳасида қўйилган вазифаларни ҳал этолмаймиз, чунки, ем-хашак етишмай қолади. Дон эса бунинг учун етарли бўлмайди!

Молларни боқиш учун маккажўхори билан бир қаторда қанд лавлагидан ҳам кенг фойдаланиш лозим. Бир гектар ердаги қанд лавлаги баргининг ўзигина 400 центнер лавлаги ва 200 центнер лавлаги барги ҳосили олинган тақдирда тахминан 40 центнер сули берадиган миқдорда озуқа единицасини беради. Қанд лавлагининг баргидангина шунча озуқа олинади. Лавлаги ана шунақа экин! Лавлаги — ана шунақа зўр экиндир.

Баъзи кишилар Хрушчев илгари маккажўхори тарафдори эди, энди лавлаги тарафдори бўлиб қоладиганга ўхшайди, деб айтишлари мумкин. Мен аввалари ҳам бир гектар ердан олинадиган озуқа единицаси жиҳатидан қанд лавлаги биринчи ўринда туради, аммо қанд лавлаги етиштириш кўп меҳнатни талаб этади, шу сабабли қанд лавлаги етиштириш барча колхоз ва совхозларнинг ҳам қўлидан келавермайди, деган эдим. Маккажўхори унча кўп меҳнат сарф қилинмайдиган экиндир, аммо у қанд лавлагига нисбатан камроқ озуқа единицаси бериши мумкин.

Мен Калиновкада бўлган вақтимда чўчқаларни нима билан боқишдан кўпроқ манфаат бор — картошка биланми ёки қанд лавлаги биланми? деб колхозчиларга савол берган эдим. Колхоз раиси ўртоқ Грачёв бир гектар ердан 200 центнер картошка олишдан кўра 400 центнер қанд лавлаги олиш енгилроқ бўлади, деди.

Гектаридан 400 центнер қанд лавлаги ҳосили олиш нима дегани? 400 центнер қанд лавлагига унинг 200 центнер баргини ҳам қўшганда 14.400 озуқа единицаси ҳосил бўлади; 200 центнер картошка эса 6 минг озуқа единицасидир. Бир центнер қанд лавлаги озуқа единицасининг таннархи бир центнер картошка озуқа единицасининг таннархидан 2-3 баравар кам.

Полтава область, Глобинский районидаги Мичурин номли колхозда чўчқаларни боқиш учун 85 гектар ерга қанд лавлаги ва 80 гектар ерга картошка экканлар. Озуқа единицалари бир центнерининг таннархи қанд лавлаги бўйича 2 сўм 40 тийин, картошка бўйича 10 сўм (янги пул ҳисобида) бўлди.

Бу колхозда молларни боқиш учун қанд лавлагидан кенг фойдаланиш натижасида бир центнер чўчқа гўштининг таннархи кескин суратда камайди. 1959 йилда бир центнер чўчқа гўштининг таннархи 79 сўмни (янги пул ҳисобида), 1960 йилда қарийб 50 сўмни ташкил этди.

Мен 1960 йил куз фаслида чўчқаларни картошка ва қанд лавлаги билан боқиб семиртириш соҳасида тажриба килиб кўришни калиновкаликларга маслаҳат бердим. Ҳозирги вақтда шундай тажрибалар ўтказилмоқда. Дастлабки натижаларга эришилди. Бу натижалар диққатга сазовордир.

Кейинги уч йил ичида Калиновкада ҳар гектар ердан (центнер ҳисобида) қуйидаги миқдорда картошка ва қанд лавлаги ҳосили олийди:

	Картошка	қанд лавлаги
1957 йил	150	353
1958 йил	198	389
1959 йил	225	350
1960 йил	178	302

1960 йилда озуқа единицалари ҳар бир центнернинг таннархи қанд лавлаги бўйича 3 сўм 47 тийин, картошка бўйича 5 сўм 32 тийин (янги пул ҳисобида) бўлди.

Чўчқаларнинг турли группаларини айни бир хил миқдордаги қанд лавлаги ва картошка билан боққанда уларнинг вазни бир суткада ўрта ҳисобда қуйидагича ортган: қанд лавлаги билан боқилган чўчқалар 555 грамм, картошка билан боқилган чўчқалар 442 грамм семирган. Қанд лавлаги билан боқишда чўчқаларнинг вазни картошка билан боқишдагига нисбатан 26 процент ортган.

Мен колхозчиларга ва совхоз ишчиларига, колхозларнинг раисларига ва совхозларнинг директорларига, колхоз ва совхозларнинг агрономлари ва зоотехникларига мурожаат қиламан: ўзингизда тажриба қилиб кўрингиз ва тўпланган тажрибадан фойдаланингиз. Шундай тажриба қилиб кўрган киши қанд лавлаги гоят унумли ва яхши ҳазм қилинадиган озуқа эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Шундай қилиб, биз озуқа балансига маккажўхори ва картошка билан бир қаторда қанд лавлагини ҳам қўшамиз. Қанд лавлаги, эҳтимол рақобат қилиб, картошкани озуқа балансидан чиқариб юбориши мумкин. Шу муносабат билан қанд лавлаги уруғчилигини яхшилаш, қанд лавлаги уруғликлари етиштиришни кўпайтириш чоралари кўрилиши керак. Такрор айтаман, чорвачиликнинг мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш учун маккажўхори ва картошка билан бир қаторда қанд лавлагидан ҳам фойдаланиш керак.

Шу билан бирга йўнғўчқа, беда, вика — сули аралашмаси ва шулар каби бошқа экинларни ҳам кўпроқ етиштиришга тўғри келади.

Ем-хашак тўғрисида гапирганда шуни айтиш керакки, ҳозирги вақтда пичан уни озуқа балансида катта аҳамиятга эга бўлмоқда. АҚШдаги ва Европанинг бир қанча мамлакатларидаги фермер хўжаликларида оқсил озуқа сифатида пичан унидан чорвачиликда кенг фойдаланилмоқда. Беда қайтадан ишланиб, ундан тўйимли моддалари ва витаминлари кўп бўлган пичан уни қилинади. Бунинг учун пичан сунъий равишда қуритилади, чунки табиий қуритиш вақтида унинг қимматли хоссалари, хусусан витаминлари қолмайди. Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Госплан бу тўғрида ўйлаб кўришлари лозим.

Ўртоқлар! Ҳар бир колхоз ва совхозда ғалла учун қандай кураш олиб борилса, ем-хашак учун ҳам шундай кураш олиб бориш керак. Нутқ сўзлаш билангина чекланиб, ем-хашак етиштиришни кўпайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилмайдиган раҳбарнинг ҳеч қандай қиммати йўқ. Ем-хашак бўлса, сут ҳам бўлади, гўшт ҳам бўлади.

VIII. ПЛАН ТОПШИРИҚЛАРИ ВА ОЛИНГАН МАЖБУРИЯТЛАР ҲАЛОЛЛИК БИЛАН БАЖАРИЛСИН

Ўртоқлар! Бизда яхши коммунистик традиция одат бўлиб қолган: ваъда бердингми, уни бажаришинг керак. Қуруқ ваъда бераверишга совет кишиларининг руҳига тўғри келмайди. Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари далаларда ва фермаларда жонбозлик билан меҳнат қилмоқдалар, бутун халқ олдида берган сўзларининг устидан чиқишга интилмоқдалар. Бундай қилиш яхши ва биз буни табриклашимиз лозим.

Пленум арафасида Марказий Комитетга кўп хатлар келди. Бу хатларда совет кишилари олинган мажбуриятларнинг бажарилганлиги тўғрисида фахрланиб хабар қилдилар. Шу хатларни ўқиганингда, жуда катта мамнуният ҳис қиласан ва ҳалоллик билан ишлаётган, ўз сўзида саботли бўлиб турган одамларга ҳурматинг тағин ҳам ошади.

Бизнинг қишлоқларимизда кўпгина ажойиб новаторлар ўсиб етишди. Деярли ҳар кун илғор кишилар етишиб чиқмоқда, коммунизмнинг меҳнат бригадалари пайдо бўлмоқда. Илғор кишилар коммунизм учун курашда ўз қобилиятлари ва фазилатларини намоён қилмоқдалар ва кўрсатмоқдалар. Совет халқи бу кишилар билан фахрланади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг новаторларидан минг-минглаб кишиларнинг номларини айтиб бериш мумкин. Уларнинг тажрибалари меҳнат унумдорлигини юксалтирмоқ учун бебаҳо аҳамиятга эга. Меҳнат унумдорлиги ўсиб бораётганлигимизнинг асосий кўрсаткичидир. Меҳнатни камроқ сарфлаб, кўпроқ маҳсулот олиш шундай бир мақсаддирки, бизнинг бутун куч-ғайратимиз шу мақсадга эришишга қаратилиши лозим.

Социалистик қишлоқ хўжалигининг илғорлари ва новаторлари меҳнат қилишдаги ўзларининг ажойиб ҳислатларини, ишни оқилона ва рационал равишда ташкил қила олишларини, хўжаликни бошқаришга моҳирликларини кўпгина мисолларда намойиш қилмоқдалар. Шу Пленумнинг ишида қатнашаётган ўртоқларнинг ҳаммаси бундай кишиларнинг сўзларини мамнуният билан эшитиб, уларнинг қилган ишларидан қувонмоқдалар, деб ўйлайман. Пленум мажлислари кунларида шу минбарга чиқиб сўзлаган ўртоқларнинг нутқларини эшитиб фахрланасан, киши! Шу ўртоқларнинг нутқларида уларнинг ишнинг кўзини билганликлари, ўз касбларига меҳр қўйиб, эҳтирос ва манфаатдорлик билан ишлаётганликлари ҳаммамизни ҳайратда қолдирди, деб айтсам, хато қилмаган бўламан, деб ўйлайман. Улар бепарво бўлиб гапираётган кишилар эмас. Улар Пленум мажлисларига сийқаси чиққан гаплар йиғиндисини эмас, балки кўнгилларидаги бор нарсанинг ифодаси бўлган, ўйланган фикрларни олиб келдилар, ўзларининг қалбларидаги фикрларини айтиб бердилар.

Бундай кишилар нимани айтсалар, шуни қиладилар, қилиб бўлганларидан кейин эса, қандай қилиб янада олга боришни ўйлайдилар. Бундай кишилар билан ишимиз жўнашиб кетаверади, партиямиз шундай кишиларга таянади! **(Қарсаклар).**

Бироқ бизда шундай фактлар ҳам борки, айрим раҳбарлар ҳеч бир ўйлаб турмай, катта-катта мажбуриятлар олмоқдалар, гўшт, сут етиштириб беришнинг фалонча йиллик планларини бажармоқдалар, бу ваъда бермоқдалар, ҳамма ёққа жар солиб, ўз ваъдаларини бюрократларча безаб кўрсатмоқдалар, лекин ўз мажбуриятларини бажармоқ учун ҳеч қандай ташкилий ва сиёсий тадбирлар кўрмаётирлар. Ишга бундай муносабатда бўлишга масъулиятсизлик дейишдан бошқача ном бериб бўлмайди-ку.

Бир неча мисол келтираман.

Марказий Комитетнинг 1959 йилдаги декабрь Пленумидан кейин Тула областининг раҳбарлари, 1960 йилда давлатга 147 минг тонна ёки уч йиллик планга тенг келадиган миқдорда гўшт сотамиз, деб бутун мамлакатга жар солдилар.

Мана энди бир йил ўтди, хўш, Тула раҳбарлари ўз мажбуриятларини бажардиларми? Йўқ, бажаришмади, уларнинг айтган гаплари қуруқ вайсақилик бўлиб чиқди.

Область давлатга 62,5 минг тонна ёки мажбуриятнинг 43 проценти миқдорида гўшт сотди.

Ўртоқлар! Раҳбарларда ифтихор бўлиши керак. Раҳбар ишни уддалай олмаслигини билганидан кейин, ўзи келиб айтиши керакки.

— Ўртоқлар, мен ишни барбод қилдим, областга раҳбарлик қилолмайман, бурдимни кетказиб қўйдим, биз уч планни бажарамиз, деб сўз берган эдик, аммо, бир йиллик планни ҳам бажармадик, менга истеъфо беринглар.

Шундай қилган раҳбарда ифтихор ҳисси бор, деса бўлади, у ўзини қадрлай билади, деса бўлади, ўз иззат-нафсини ҳурматлайди, деса бўлади... Аммо, у бундай фикр юритади: нима бўпти, олган мажбуриятимни бажармаган бўлсам, нима қилибди, яна янги мажбурият олавераман-да, дейди. Агар биз мажбуриятларни мана шундай осонлик билан эммамизга ола берсак-ку, бу мажбуриятларни бажармасак, бизга ким ишонади, бундай вайсақиларни ўз сафида сақлаб турган партия қандай партия бўлади. Бундай партияни ҳурматламайдилар. Шу сабабли, биз партиямизнинг ор-номуси учун курашмоғимиз, партиянинг шаънига гап тегизувчилар билан курашмоғимиз лозим, ўртоқлар. Етти ўлчаб, бир кес, деган гап бор, лекин кесганда ҳам керакли жойини кесиш керак. **(Давомли қарсаклар).**

Ёки Киров областини олиб қаранг. Бу область колхозлар ва совхозлар давлатга 116,5 минг тонна гўшт сотади, деб мажбурият олган эди, ҳақиқатда эса, 75 минг тонна ёки 65 процент гўшт сотилди. Кези келганда шуни айтиб ўтай: 1959 йилда бу область 79 минг тонна гўшт сотган эди. Шундай қилиб, 1960 йилда Киров области мажбуриятни бажариш ўёқда турсин, ҳатто, 1959 йилдагига қараганда ҳам кам гўшт сотди.

Бунақа бажарилмайдиган мажбуриятларнинг кимга кераги бор? Ахир, бу партия ва халқни адлай-ку, кимки шундай йўлга тушар экан, бунинг учун у жавобгар бўлиши лозим. Ўтмишда шундай фактлар содир бўлган

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқининг охири

(Боши 1, 2, 3, 4, 5 ва 6-бетларда)

Полтава область партия комитети қандай асосга суяниб Бойкони мукофотлашга тақдим қилди, деган савол туғилади. Бу — алдамчиликдир, халқ олдида қилинган жиноятдир.

Бундай айбни қилган кишиларни коммунист деб бўлмайди, балки булар партияга ялашиб қолган, ўзининг меҳнати ва ақли билан эмас, балки ҳийла-найранг билан обрў орттиришни истаётган амалпарастлардир. Чўнтагига партия билети солиб олган бундай кишилар билан кескин курашиш керак, бунақа шахслар партиямизга иснод келтиради. Бошқа хўжаликлардан 1.126 центнердан кўпроқ гўштни сотиб олиб, буни колхозда етиштирилган гўшт деб, кўрсатиш инсофданми, ахир? Булар сиёсий ташкилотчилар эмас, балки жаллофлардир, маъзумки, илгари бунақа жаллофлар тери, бузоқ ва қари отларни олиб сотиш билан шуғулланар эдилар. Айрим коммунистлар мана шунақа жаллофларга ўхшаб қолишди, лекин бунақа кишиларга партияда ўрин йўқ. **(Қарсаклар).**

Бойконинг мукофот олганлиги қанчалик қонуний бўлганлигини текшириб кўриб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвондан маҳрум қилиш керак. **(Қарсаклар).**

Шундай ҳоллар ҳам бўлади: иттифоқчи республика ёки область ғалла тайёрлаш плани бажарилди, деб рапорт беради-да, шунинг эртасига уруғлик, чорва моллар учун ем сўраб, давлатга мурожаат қилади.

Масалан, Россия Федерацияси 1959 йилда давлатга 1 миллиард 643 миллион пуд ғалла топширди, аммо, 361 миллион пудни ёки топширилган ғалланинг 22 процентини қайтариб олди.

Мен Россия Федерациясига доир мисол келтирдим. Лекин бошқа республикалар ҳам давлатдан уруғлик ва ем олишга одатланиб қолганлар, олганда ҳам республиканинг районлари ва областлари ғалла тайёрлаш ва уруғликни жамғариб кўйиш плани бажарилди, деб рапорт бериб бўлганидан кейин оладилар.

Бундай ахволга тоқат қилиш мумкинми, ахир, ўртоқлар! Агар бундай раҳбарларни боплаб танқид қилмасак, бу ҳол партия ва халқ олдида масъулиятни йўқотиб қўйишга олиб келиши мумкин. Бу, йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. Биз бундай кишиларни каттиқ тийиб қўйишимиз, эҳтиёткорлик, баъзи бир кимсаларни раҳбарликдан озод қилишимиз, баъзи бир кимсаларни эса партиядан чиқаришимиз, судга беришимиз лозим. Шундай қилиш зарур. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Уруғликлар тўғрисида яна бир марта гапириб ўтиш керак.

Давлатга ғалла топшириш планини бажаришдан олдин сара донларни уруғлик фондига тўкиб қўйиш керак, деб КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1954 йилда кўрсатиб ўтган эди. СССР Министрлар Совети, колхозлар ва совхозларни уруғликни топширишга мажбур қилаётган шахслар жавобгарликка тортилиши лозим, деб 1956 йилда қарор қабул қилган эди. Ўзларини ўз уруғликлари билан тўла таъминлаган республикалар, ўлкалар, областлар, районлар, колхозлар, совхозларгина ғалла тайёрлаш планини бажарди, деб ҳисоблансин, деган қарор ҳам қабул қилинган эди. Мен бунга илова қилиб, яна шуни ҳам айтар эдимки, топширилган ғалланинг умумий миқдори ва сифати жиҳатидан ҳамда топширилган маҳсулотларнинг хили жиҳатидан ҳам ўз мажбуриятларини бажарганларнигина ғалла тайёрлаш планини бажарди, деб ҳисоблаш керак. Одамларга фақат ғаллагина эмас, шу билан бирга, гречиха, гуруч, сўк, нўхат — хуллас овқат учун лозим бўлган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам керак.

Бироқ, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг уруғлик фондлари вужудга келтириш тўғрисидаги қарори қўпол равишда бузилмоқда. Афсуски, фақат колхозлар ва совхозлардагина эмас, партия ташкилотларида ҳам — область ва ўлка комитетларида ҳам шундай раҳбарлар ози эмаскан, улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, айниқса ғаллани харид қилиш даврида биринчи бўлиб рапорт беришга, жамоатчиликка ўзларини олинган мажбуриятларни барвақт бажараётган раҳбарлар қилиб кўрсатишга интилиб, омборлардаги ҳамма донни қиртишлаб оладилар, ем учун олиб қўйилган ғалланг олиш билангина кифоялланмай, ҳатто, уруғлик учун ҳам ғалла қолдирмайдилар. Аммо, рапорт бериб бўлганларидан кейин, уруғлик ва ем сўраб давлатга мурожаат қиладилар. Колхознинг ва совхознинг уруғлигини олиш ўжаликка путур етказиш демакдир. Хўжаликни фақат илмий асосда тўғри бошқариш мумкинлигини, ҳар бир район учун синовдан ўтган энг яхши навли уруғларнигина экиш кераклигини ҳаммангиз жуда яхши тушунасиз, деб ўйлайман. Агар биз бор ғалланинг ҳаммасини топшириб қўйсак, кейин уруғлик сўраб олсак, бу уруғликнинг канакалигини, қанча туришини, қайси районлар келтирилганлигини ва шу район учун ҳанчалик ароқли эканлигини билмасак, бундай уруғлик экилган ердан нима кутиш мумкин?

Кўпинча ўзини коммунист деб юрган бундай раҳбарлар тўғрисида нима дейиш мумкин. Социалистик давлат душманларигина шундай қилишлари мумкин. Бундай кишилар районларидаги, колхозлардаги, областдаги ишларнинг аҳволи тўғрисида бош қотирмай, фақат ўз мавқеларини, ўзларини кўрсатишни ўйлайдилар, холос. Шундай қилиш билан бу хилдаги ходим ўзи ҳисобот берётган бутун бир йил давомидаги раҳбарликнигина барбод қилиб қолмай, шу билан бирга, келгуси йилдаги ишлаб чиқаришни ердан чиқарганлигини ҳам кўрсатиб беради, чунки келгуси йил учун унда ем-ҳашак қолмайди, бинобарин, чоровачиликка путур етказилади, келгуси йилда олинган мажбуриятларни бажарадиган нарса қолмайди. Равшандирки, фақат бюрократларгина шундай қилишлари мумкин, фақат ўз шахсий манфаатини, ўзларини ўйлайдиган кишиларгина шундай қилишлари мумкин. Улар фақат ўз шахсий обрўларинигина ўйлайдилар, партия манфаатлари билан, халқ манфаатлари билан уларнинг иши йўқ.

Бунақа одамларни партия аъзоси деб бўладими, ахир? Уларни коммунизмнинг жангчилари, қурувчилари деб бўладими? Йўқ, улар партия учун тасодифий кишилардир.

Партия ва ҳукумат қарорларини бузишда айбли бўлган кишилар партиядан чиқарилиб, судга берилиши лозим. **(Қарсаклар).**

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари орасида ҳозир шундай кишилар пайдо бўлиб қолганки, улар ўз ғайратларининг кўп қисмини ғалла, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш соҳасида область учун мумкин қадар камроқ план олишга ҳамда область таъминоти учун умумиттифоқ фондидан озиқ-овқатлар олишга мумкин қадар кўпроқ лимит берилишига сарфламоқдалар. Бу хатарли ҳолдир, ўртоқлар

Маълумки, Иттифоқ ҳукумати ўзи маҳсулот ишлаб чиқармайди. Озиқ-овқат маҳсулотларини одамлар истеъмол қилади, биз буларни одамлар учун ишлаб чиқарамиз. Агар ҳар бир республика, ҳар бир область, ҳар бир район, ҳар бир колхоз ва совхоз умумий фондга тобора камроқ ҳисса қўшиб, кўпроқ талаб қила берса, у ҳолда, ҳукумат меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини қондирмоқ учун озиқ-овқат маҳсулотларини қаердан олиши мумкин, деган савол туғилади. Бу — зарарли практикадир, давлат манфаатларига зид майилдир.

Бунақа нодон раҳбарлар, тўғрисида нима дейиш мумкин? Улар истиқболни, ишлаб чиқаришни юксалтириш имкониятларини кўрмаётирлар. Бундай кишилар ҳозир эришилган даражани ўзлари учун энг юқори даража деб ҳисобламоқдалар. Шу сабабли, уларнинг бирдан-бир мақсади давлатга озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш планини камайтиришга эришиш билан, яъни, аслини олганда, ишлаб чиқариш планини камайтириш билан ўз турмушларини енгиллаштиришдир. Булар раҳбарлар эмас, балки шармандалардир.

Улар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқ учун куч сарфлашни истамайдилар. Лекин улар меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари ўсиб бораётганлигинь, одамлар озиқ-овқат маҳсулотларини тобора кўпроқ талаб қилаётганлигини ва бу билан ҳисоблашмаслик мумкин эмаслигини сезмоқдалар. Бундай кишилар областда, ўлкада, республикада ишлаб чиқаришни тезроқ кўпайтириш ҳисобига эҳтиёжларни қондириш ўрнига фондларни кўпайтиришни илтимос қиладилар, илтимос қилиш учун кўпроқ ақл талаб қилинмаслиги ҳаммага маълум. Хуллас, улар камроқ бериб, кўпроқ олиш принципига асосланиб ҳаракат қилмоқдалар.

Бундай ўртоқларга шундай бир савол бериш пайти келди: хўш, сизлар ўз районингизда ва областингизда ишлаб чиқаришнинг эришилган даражасини қилиниши мумкин бўлган ишнинг энг каттаси энг юқори даражаси, деб ҳисоблаётирсизми? Бундай ходимларда коммунизм қуриш тўғрисидаги тушунча жуда чекланиб қолган бўлса керак.

Биз, коммунистлар, коммунистик жамият учун курашмоқдамиз. Маълумки, коммунистик жамиятда ҳар ким қобилиятига яраша меҳнат қилади ва эҳтиёжига яраша олади. Бу эса, меҳнат унумдорлигини анча оширишни, ҳамма озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришни талаб қилади.

Лекин баъзи раҳбарлар ўзларида бўлган имкониятларнинг ҳаммасидан фойдаланиб бўлдик, деб ҳисоблайдилар. Аммо, шундай овозлар кўпроқ эшитилаётган районларда эса, гектаридан олинаётган донинг ҳосили 8-10 центнер, ернинг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда 5-10, ёки 20 центнердан гўшт етиштирилмоқда, гарчи эллик центнердан етиштирилганида ҳам, бунга энг юқори даража деб ўладими, ахир?

Бинобарин, бундай раҳбарлар партия қўйган вазифаларни ҳал қилиш учун курашда оммага бошчилик қилишга ўзларининг лаёқатсиз бўлиб қолганликларига кўл кўймоқдалар, лекин ўзларининг раҳбарликка қодир эмасликларини айтишга юраклари бетламаётир. Агар у, соф виждонли коммунист бўлганида эди, харид қилиш планини камайтиришни ва марказлаштирилган фондларни кўпайтиришни илтимос қилмас эди, балки ўзини раҳбарлик мансабидан озод қилишни илтимос қилган бўлур эди, халқнинг ҳамма эҳтиёжларини тўла кондиришни таъминлайдиган қилиб ишлаб чиқаришни юксак даражага етказиш учун заводлар ва фабрикаларда, колхозлар ва совхозларда одамларни ташкил қилишни ҳозир ўзининг уддалай олмай колганлигини айтган бўлар эди.

Ҳозир партия ўсиб кетди. Партия кучли. Одамлар ўсиб кетди. Шу сабабли, шармандаси чиққан, лозим бўлган даражада ишлашга, янгиликни кўришга, миллион-миллион янги одамларни тарбиялаш ва кўтаришга даёқатли бўлмаган ёки шундай қилишни истамаётган ходимларни дадиллик билан алмаштира бериш керак. Чинакам раҳбарлар ўз қобилиятларини кўрсатадилар, партия қўйган улуғ вазифаларни амалга оширишга колхозчиларни, совхозларнинг ишчиларини сафарбар қила оладилар.

Ёш кадрларни тарбиялаш ва қувватлаш керак. Лекин кекса, тажрибали кадрлар тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилиш, уларни қадрлаш керак. Кадрларга, масалан, Москва областида бўлгани каби муносабатда бўлиш ярамайди.

Москва областининг Мтишчи районидаги Сталин номли колхозда Ольга Александровна Зеленская 23 йил ишлади, шу жумладан колхозга 10 йил раис бўлиб турди. Колхоз намунали хўжалик бўлиб қолган эди, бошқа районлардан одамлар бу колхозга тажриба ўрганиш учун келар эдилар, сўнгра, шу колхоз негизида совхоз тузилди, аммо, ўртоқ Зеленскаяга: Сиз учун иш йўқ, деб айтишди, ваҳоланки унинг тажрибаси совхозда ишлаш учун ҳам етарли эди.

Ўртоқ Зеленская Мтишчи районининг раҳбарларига мурожаат қилиб, энди нима қиламан, деб сўраганида, «Сиз қариб қолдингиз, энди ярмаркадан жўнайдиган вақтингиз келди» деган жавобни олди. Ўзини ва бошқаларни ҳурматлайдиган киши кекса одамга ҳеч қачон сен қарисан, деб айтмайди, чунки қарилик кекса одам учун ҳузур эмас. Буни ҳаммангиз назарда тутишингиз керак. **(Жонланиш, қарсаклар).**

«Ишсиз ўтирма бериш менинг учун жуда оғир, — деб ёзади ўртоқ Зеленская. — Уйда ишламай ўтириш тюрьмада ўтириш билан баравар. Колхознинг бойлиги менинг меҳнатим билан ҳам яратилган эди. Аммо, ҳозир хўжаликнинг қанчалик пасайиб бораётганлигини кўриб турибман, ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сутнинг миқдори 550 литрга тушиб қолди. 1959 йилда колхоз 591 минг дона тухум етиштириб берган эди, совхоз эса, 1960 йилда фақат 280 минг дона тухум етиштириб берди, товуқларнинг тухум қилиши икки баравар камайиб кетди. Ўзининг чорак асрлик умрини колхозга сарфлаган мен каби коммунист ва инсон бу аҳволга индамай қараб тура оладими, ахир?».

Ярмаркадан жўнаб қолинг дейишибди-я! Бу яхши иборани мен ҳам ишлатган эдим. Лекин ярмаркага ким бораётир-у, ким ярмаркадан қайтаётир — бу масалани ҳали ҳал қилиш керак, ҳал қилганда ҳам, тушуниб ҳал қилиш керак. Ярмаркага келиб, у ерда узоқ ушланиб қоладиган одамлар ҳам бор, аммо, ярмаркага бораман, деб йўлга чиқиб, унга етиб бороолмай, йўлда қолиб кетадиган одамлар ҳам бор. Мтишчилик ўртоқларга бериладиган маслаҳат шуки, улар ўзларини қай ислдаги одамлар қаторига — ярмаркага етиб келганлар қаторигами, ёки ярмаркага етай деб қолган одамлар қаторигами қўшаётганликларини ўйлаб кўришлари керак. Эҳтиёмолки, улар эндигина аравага ўтиргандирлар ва ярмаркага бора туриб, йўлда аравадан тушиб қолишлари ҳам мумкин.

Буни унутмаслик керак. Москва область партия комитетининг секретари бўлиб ишлаган вақтимда, ўртоқ Зеленскаяни яхши билар эдим. Ўша вақтда мен картошкани квадратуялаб экиш усули билан шуғулланган эдим ва Москва областининг колхозларига шу усулни кенг жорий қилишни тавсия этган эдим. Ўртоқ Зеленская менинг маслаҳатларимга қулоқ солмаган эди. Бир вақт мен колхозга борсам, ҳамма нарса эскича колганлигини кўрдим. Мен бунга Зеленскаянинг эътиборини жалб қилдим, у менга ўз фикрини айтди, аммо, мен бу фикрга қўшилмадим, мен унга бу фикрнинг нотўғрилигини айтдим.

Ўша вақтда биз ўртоқ Зеленскаяга нисбатан бирор чора кўриш ўёқда турсин, ҳатто, мен ундан хафа ҳам бўлганим йўқ. Аксинча, у менга ёқиб қолди, чунки квадрат-уялаб экмаса ҳам картошка экишда шу усулни ишлатган бошқа колхозлар олган миқдорда ҳосил олмоқда эди. Шу сабабли, Қозьма Прутков айтганидек, ҳар нарсанинг илдизига қараш керак. Унинг ўзи агроном, жуда сергайрат хотин, унинг хўжаликни бошқаришни менга ҳам ёқиб қолган эди.

Бу киши ҳали дадил, тетик, шу туфайли ҳали ишлаши мумкин, лекин у, ҳозир ишсиз юрибди. Собиқ колхознинг ерларида ишлаб чиқариш кўрсаткичларини икки баравар камайтириб юборган кишини совхоз директори қилиб тайинлашди. Бу одам ярмаркага бораётган бўлса керак. **(Залда кулги).** Мен ўртоқ Зеленскаяни совхозга директор қилиб тайинлаган бўлур эдим. У, сизларга, ўртоқ москваликлар, ишни дўндириб беришига амиранман. **(Залда кулги).** Ўртоқ Зеленская ишлаб чиқаришни юксалтиришига кафилман. **(Қарсаклар).**

Бутун гап шундаки, ўртоқ Зеленскаяга бюрократларча, расмиятчилик билан қарэшган. Бу аёлнинг ёши қанчалиги менга номаълум. Ёшингиз қанча деб савол беришганида, ўртоқ Зеленская жавоб берибди: «Ёшимни суриштириб нима қиласиз, нимага лаёқатим борлигини кўринг. **(Залда кулги).** Менинг ишлагим келади, пенсия олишни истамайман» дебди.

Рост, одамнинг фазилати ҳам мана шунда. Пенсияга чиққан кишиларга таъна қилмаслик керак, албатта, пенсия қонунга мувофиқ берилади. Лекин шундай пенсионерлар борки, у уч яшар буқани думини ушлаб олса, юргизмай қўяди. **(Залда кулги, қарсаклар).** Аммо, у, пенсияга чиқдим деб, энди мен жамиятга керак бўлмай қолдим, деб беиш ёта беради, жамият мени боқсин, менга идора пулини бера берсин, деб ҳисоблайди.

Шуни назарда тутиш керакки, пенсияга чиқиш инсон умрининг охирги босқичи эмас. Меҳнатга, юмушга одатланиб қолган кекса кишилар пенсияга чиққанларида, айниқса дастлабки вақтда жуда ҳиҳолатда қоладилар, турмушнинг тез оқар оқимидан ўзларини четга чиқиб қолган деб, ҳис қила бошлайдилар, ваҳоланки улар бутун умр бўйи меҳнат қилиб келган ва меҳнатсиз яшашни тасаввур қилолмайдиган кишилардир. Инсоннинг психологиясини тушуниш керак. Фақат иш ёқмасларгина пенсияга барвақт чиққанликларига хурсанд бўлишлари мумкин.

Шу сабабли, одамларга сезгирлик билан муносабатда бўлиш, уларнинг фақат туғилган йилларигагина қарамаслик керак, жонли кишини кўра билиш, унинг қобилиятларини билиш керак ва унга умрининг охиригача ишлаш, коммунизм қурувчилар сафида бўлиш имкониятини бериш керак! **(Қарсаклар).**

Истеъфога чиққан генераллар ҳам бу Пленумнинг ишида қатнашаётганликларини кўриб хурсанд бўлдим. Улар совхозларнинг директорлари бўлиб ишламоқдалар. Сиз, азиз генерал ўртоқларга, шон ва шарафлар бўлсин, сизлар Ватан учун муносиб жанг қилдингиз ва эндиликда мамлакатимизда коммунизм қуриш учун муносиб курашмоқдасиз! **(Қарсаклар).** Совет Армиясининг истеъфога чиққан офицери чўчқа боқувчи бўлиб ишлаб, жуда катта ишлаб чиқариш муваффақиятларига эришганлигини ўқиб хурсанд бўлдим. У, чўчқа боқувчилар тўғрисида туғилган нотўғри фикрларга қулоқ солмапти, чунки чўчқа боқувчиларни ва подачиларни паст даражали одамлар, деб ҳисобловчилар ҳам бор-ку. Мен бугапни айтаётганимнинг сабаби шуки, мен ўзим шундай гапиришга ҳақликман, мен ўзим ҳам подачи бўлганман, эндиликда мени халқ ва партия КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси қилиб қўйди. Подачилар орасида ҳам тузуккина одамлар борга ўхшайди. **(Давомли қарсаклар).**

Менинг бу гапимни ўртоқлар, тўғри тушунинглар, ўзини-ўзи мақтаётибди, деб менга таъна қилманглар. **(Жонланиш, қарсаклар).** Ахир, мен ўзимни-ўзим кўтариб қўйганим йўқ-ку, ўзларингиз мени сайлаб қўйгансизлар, аммо, сизлар ўз ишончингизга муносиб бўлмаган одамларни сайламайсизлар. **(Қарсаклар).** Шунинг учун ҳам сизларга менинг ҳурматим зўр. Модомики, сизлар мени сайлаган экансизлар, демак, мен бирор ишни уддалай оладиган киши эканман. **(Қарсаклар).**

Хуллас, ўртоқлар, одамларга сезгирлик билан муносабатда бўлиш ва эътибор бериш, уларнинг маҳоратларидан яхшироқ фойдаланиш керак. Т. Т. Малинин, Посмигний, Коротков, Турсунқулов, Могильченко, Генералов, Буянов, Гринько. Ўринҳўжаев, Орловский ва сонсиз-саноқсиз мана шундай ишбилармон бошлиқларнинг тажрибаларидан яхшироқ фойдаланиш керак. Шу одамларга бир қаранг. Улар пенсияга чиққанлари тақдирда ҳам барибир ўйда ўтирмайдилар, хўжаликни кўргилари кела беради. Бас, шундай экан, бунқа одамларни қўқрагидан итариш мумкинми, ахир? Ахир, бундай кишилар билан бир-икки соат гаплашиш, уларнинг фикрини эшитиш қишлоқ хўжалигини бошқариш соҳасида энг яхши академиянинг таълимини олиш билан баравар-ку. Бунақа кишиларни қадрлаш керак, ўртоқлар, тажрибали кекса кадрлар ва ёшлардан баб-баравар фойдаланиш керак **(Қарсаклар).**

IX. ОДАМЛАРНИ КОММУНИСТИК ОНГЛИЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАЙЛИК

Ўртоқлар! Партиямиз коммунистик қурилишнинг жуда катта вазифаларини белгиламоқда ва амалга оширмоқда. Энди асосий вазифа шундан иборатки, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ва социалистик жамият қоидаларига риоя қилиш руҳида одамларни ташкил этиш, омма орасида тарбиявий ишларни кун сайин ва чуқур олиб бориш керак.

Сталино областидаги Марьинский районининг партия ташкилоти одамларни тарбиялашнинг яхши намунасини кўрсатмоқда. Бу ҳақда райком секретари ўртоқ Глухов бу ерда гапириб ўтдь. Улар ташкилотчилик ишига, одамларни тарбиялашга асосий эътиборни бериб, тўғри қилмоқдалар, чунки ишнинг муваффақиятини одамлар, кадрлар ҳал қилади.

Жамиятга зид, ножўя ходисаларга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш зарур.

Бир қанча республикалар, областлар ва районларда ичкиликбозликка қарши кураш сусайтириб юборилганлиги, баъзи шаҳарлар ва посёлкаларда спиртли ичимликлар сотиш тўғрисидаги қонунлар бажарилмаётганлиги, самогон пиширувчилар билан яхши кураш олиб борилмаётганлиги ҳақида партия Марказий Комитетига ва СССР Министрлар Советига хатлар келмоқда.

Липецк областидаги Сенцово қишлоғида яшовчи Хорькова ва Морева ўз хатларида бундай деб ёзадилар:

«Қишлоқда интизомни бузаётган, АҚШ қуролланиш билан, қандай шуғулланаётган бўлса, самогон пиширишлар билан шундай шуғулланаётган бузиқларга чора кўришни Сиздан илтимос қиламиз». **(Залда кулги).** Бизда самогон ясаётган, эркакларни ичириб маст қилаётган одамлар кўп, шу сабабли, эркаклар ялло қилиб юрибди, ишга бормасдан, қишлоқда маст бўлиб дайдиб юрибдилар. Шакардан самогон пишираётган одамлар суд қилинмаётир. Колхозда ишлашни истамай, самогон қилаётган, самогон билан эркакларни ишдан бездираётган ёш жувонлар бор. Баъзилар, улар самогон ясаб, кўп пул ишлайди — уч хумча самогонни бир кунда тайёрлаб, 120 сўм ишлаб олаяпти, дейишади. Бундай кишиларга чора кўринглар. Улар билан мумкин қадар тезроқ курашиш керак. Самогончилар капиталистлар сингари яшамоқдалар»

Бошқа областлардан ҳам шундай хатлар олинди.

Чамамда, республикаларда талончиликка қарши, самогон пиширишга қарши, ичкиликбозликка қарши тағин ҳам қаттиқроқ қонунлар қабул қилиш керак. Самогон пишираётганларнигина эмас, шу билан бирга, самогон сотиб олиб, истеъмол қилаётганларни ҳам жазолаш керак, чунки агар самогонни соғиб олувчилар бўлмаса, ҳеч ким самогон ясамаган бўлур эди. Самогон истеъмол қилувчиларни ҳам самогончиларнинг шериклари қаторида суд қилиш керак. **(Қарсаклар).**

Текинхўрлик, меҳнатга бепарво муносабатда бўлиш, хусусий мулкчилик психологияси сингари офатларни шафқатсизлик билан йўқотиш керак. Капитализм сарқитлари билан муросасиз кураш олиб бориш керак ва бу курашда иқтисодий таъсир ўтказиш воситаларини каттиқ маъмурий жазолаш чоралари билан қўшиб олиб бориш зарур. Лекин энг муҳим вазифа — одамларни тарбиялашдир.

В. И. Ленин бундай деган эди: **«...Муттаҳамлар, текинхўрлар, хулиганларни** текшириб ҳисобга олиш ва улар устидан контроллик қилишда ишчи ва деҳқонлар **оммасининг** ихтиёрий, виждонан революцион ғайрат билан ҳамкорлигигина — лаънати капиталистик жамиятнинг ана шу қолдиқларини, инсониятнинг бу сарқитларини, бу тузалмас чирик ва ўлик аъзоларини, капитализмдан социализмга меросқолдирилган бу юқумли маразни, ўлатни, иллатни йўқота олиши мумкин». (Асарлар, 26 том, 442 бет)

Ленин айтган бу сўзларнинг маъзини чақиб кўринг. У, ўтмишнинг сарқитлари билан курашиш зарурлигини нақадар чуқур ҳис қилган, янги нуроний дунёни — коммунизм дунёсини қуришга халақит берувчи бу офатдан ўзининг бутун вужуди билан нақадар жирканган. Шунинг учун ҳам у, ўзининг асосий эътиборини ҳамиша тарбиявий ишга, одамларни меҳнатда, меҳнат аҳллари орасида доимий тарбиялашга берар эди.

Энди мен исрофгарчилик билан курашни кучайтириш масаласи ҳақида, халқ маблағларини яхшироқ тежаб сарфлашимиз кераклиги ҳақида гапириб ўтмоқчиман.

Баъзи раҳбарларнинг биринчи даражада аҳамияти бўлмаган иншоотлар қуришга берилиб кетаётганликларини нотўғри деб ҳисоблайман. Москвада. Лужникида Спорт саройи қурдик. Эсингизда бўлса керак, Жаҳон Ешлар Фестивалини ўтказишга Москвада тайёргарлик кўрилаётганлиги муносабати билан бу комплекс қурилган эди. Москвада бундай фестивали ўтказиш мумкин бўлган иншоот йўқ эди. Бошқа мамлакатлар: Чехословакия. Польша, Руминия, Германия Демократик Республикаси ҳам ўзларида Ешлар фестивалини ўтказдилар. Москвада керакли спорт иншоотлари йўқ деб, жаҳондаги ҳамма мамлакатлардан келган ёшларни қабул қилмаслик биздек улуғ социалистик давлатга муносиб бўлиб тушмас эди. Шунинг учун ҳам биз Москвадаги Лужникида спорт иншоотлари комплексини қурдик.

Лекин Украина раҳбарлари нималар қилганлигини биласизми? Гарчи Киевда 3.5 минг киши сиғадиган зал мавжуд бўлса ҳам, улар Киевда худди шундай сарой қуришга қарор қилдилар ва ўзларининг Лужникиларини қуриб битказдилар. Раҳоланки, бир миллион аҳолиси бўлган шаҳар учун шундай залнинг ўзи ҳозирча етарли эди.

Биз ўртоқ Подгорнийни бу қурилиш учун танқид қилдик. Бу тўғрида айтилган гапларни ўртоқ Мжаванадзе ҳам эшитиб турган бўлса-да, лекин индамай ўтирган эди, аммо, Тбилиси ҳам ўзининг 6 минг киши сиғадиган Лужникисини қураётганлиги тўғрисида худди ўша куни матбуотда хабар босилиб чиқди.

Бундай иншоотлар бизга керакми? Бунинг кераклигини ҳеч ким инкор қилмайди. Лекин бундай иншоотлар билан ҳозир шуғулланадиган вақтми? Албатта, бунинг вақти эмас. Ҳозирча шаҳарларда етарли уй-жой биноларимиз йўқ, подвалларида одамлар яшаётган уйлар ҳали ҳам бор. Баъзи мактабларда болалар икки ва ҳатто, уч смена бўлиб ўқимоқда. Касалхоналар, туғруқхоналар, болалар яслилари ва болалар стадионлари бизда ҳали етишмайди. Ҳар бир шаҳарда ўз Лужникисини қургандан кўра, мана шундай иморатлар бизга кўпроқ керак. Агар ҳозир биз бунақа иншоотлар қуришга берилиб кетсак, исрофгарчилик қилган бўламиз.

Литва раҳбарлари эса, феодаллардан қолган хароба саройлар ва қасрларни тиклашга киришдилар, буларнинг кўпи жиддий тарихий аҳамиятга эга эмас. Аммо, республика меҳнаткашларининг баъзи бир энг зарур эҳтиёжларига етарли маблағ ажратилмаётир. Шундай қилиш тўғрими, ахир, ўртоқлар. Агар биз шу йўлдан борадиган бўлсак, қаёққа бориб қоламиз? Халқ маблағларини тежаб-тергайдиган ходимлар эмас, балки бу маблағларни исроф қилувчиларгина шундай қилишлари мумкин

Москва областида ҳам қадимдан қолган кўпгина кераксиз объектларни тиклашга берилиб кетмоқдалар. Шу нарсани билиб қўйингларки, ўртоқлар, сизларнинг олдингизда атайин шундай саволларни, баъзан шу ишдан манфаатдор бўлган кишилар қўйдилар, сизларни усталик билан лақиллатадилар. Улар тахминан бундай дейишади:

— Сиз ўзингиз маданиятли кишисиз, қадимдан қолган бу ёдгорликнинг аҳамиятини биласиз, тушунасиз. Сиз, фақат сиз бу тарихий ёдгорликнинг қадрига ета оласиз. Сиз ўзингиз шу фактни тушунасиз ва қадрига етасизки, фалон машҳур киши мана шу ерда сайр қилиб юрган эди, худди мана шу ерда ўтирган ва ўзининг ижодларини ўйлаган эди, бу ерда эса, у жаҳли чиқиб, туфлаб юборган эди. **(залда кулги),** — мен муболаға қилаётганим йўқ. Ўртоқлар, шунақа бемаъниликлар ҳам бўлади.

Бир хотин менга зўр бериб хатлар ёзганлиги эсимда. У, ҳозир дам олиш уйи жойлашган уй илгари Раевскийнинг уйи бўлган эди, деб ёзган эди. Унинг хатида айтилишича, шу уйда Пушкин ҳам бўлган эмиш, Раевскийнинг қизигами, яна билмадим аллакимнинг қизигами хушомад қилиб юрган эмиш, Бу уйда дам олиш керак эмас, балки музей ташкил этиш керак эмиш. **(Залда кулги).** Агар ўша хотин талаб қилганидек иш қилинадиган бўлса, бемаъниликка йўл қўйиш бўлади; бундай қилиш ақлга сиғмайдиган иш қилиш бўлур эди. Ўша жойга мемориал тахта осиб қўйишнинг ўзи кифоя қилади, аммо, шу уйда одамлар дам ола берсин. **(Қарсаклар).**

Шундай ҳоллар ҳам кўп учрайди. Фалон колхоз ўзининг музика мактабини очди, деган хабарларни Украина ва бошқа ерлардаги газеталарда кўп ёзмоқдалар. Бунақа ишлар билан шуғулланишга ҳали эрта эмасмикин? Умуман колхозга музика мактаблари керакмиқин? Буни билолмадим. Агар шундай мактаблар ташкил қилинадиган бўлса, колхозларарО шундай мактаблар ташкил этиш яхшироқ бўлса керак.

Бундай ишлар билан кимлар шуғулланаяпти? Кўпинча машҳур ашулачилардан биронтаси шуғулланади. Бунақа ашулачи бир амаллаб ўзининг номини чиқармоқ учун ўзи туғилиб ўсган қишлоқда музика мактаби ташкил этиш масаласини «тиқиштира беради». Аммо, у бундай мактабни ўз пулига очишни истамайди, балки бошқаларнинг пулига, давлат пулига очишни истайди. Агар шундай артистдан ўзи туғилиб ўсган қишлоқда ашула айтиб бериш илтимос қилинса, у, пулсиз оғиз ҳам очмайди.

Мен Донбассга борганимда, менга, шундай бир фактни айтиб беришди. У ерга Донбассда туғилиб, ўзининг болалик чоғини ўтказган машҳур бир артист келган экан. Ундан ҳамшаҳарлари:

— Бизга бир-иккита қўшиқ айтиб бер! — деб илтимос қилишибди.

Аммо, у бунга жавобан:

— Фалон минг сўмни чўзиб қўйинг, шундан кейин ашула айтиб бераман, — дебди.

Шахтёрлар унга:

— Сен эсингни еб қўйдингми? Бунча пулни, қаёқдан оламиз, ахир, сен бизнинг ҳамшаҳаримизсан-ку... — дейишган экан, ҳамшаҳар:

— Агар пул бермасаларингиз, ашула айтамайман, — деб жавоб берибди.

Хуллас, у, шахтёрларга ашула айтиб бермай, туриб олибди, чунки овозини аябди. Аммо, у, давлат ҳисобига қишлоқда колхоз музика мактаби очишни маслаҳат бериши мумкин ва, ҳатто, балетни ҳам тавсия қилиши мумкин. Чунки бунга унинг пули куймайди. **(Залда шодиёна жонланиш).**

Мен кимни айтаётганлигимни баъзи бир кишилар фаҳмлаётган бўлсалар керак. Бу одамнинг гарчи шунақа нуқсони бўлса ҳам, лекин ақлли ва ҳурматли киши. Мен унинг фамилиясини айтиб ўтирмайман, лекин пайровдан чиқишни ҳам истамайман.

Қишлоқ мактабларида бадиий ҳаваскорликни ҳар томонлама ривожлантириш, ашула тўгаракларини, музика тўгаракларини тузиш керак. Буларнинг ҳаммаси керакли ва фойдали ишлардир. Лекин колхоз музика мактабларини очишга ҳозир колхозларнинг қурби етмайди, айтиш мумкинки, уларнинг бунга чўнтаги кўтармайди.

Яна бир нарса ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Ҳамма жойда жуда кўп заповедниклар ташкил қилинмоқда. Тоғлиқ Олтойдаги заповедник тўғрисидаги кинофильмни кўрдим, сизларнинг ўзингиз ҳам кўрган бўлсангиз керак. Шу фильмда битта соғлигини деб қиладиган кишининг эҳтиёмолки, олимнинг — заповедник бўлганидан кейин, унда ишловчиларнинг ҳаммаси олим бўлади-да **(залда шодиёна жонланиш)**... Тош устида ётиб қандай қилиб дурбин кўраётгани, бир олмахон қандай қилиб ёнғоқни кемираётганлиги кўрсатилган. Кейин у, дурбинини бошқа ёққа буриб, айиқнинг қандай лопиллаб бораётганини кўради.

Бу қанақа заповедник бўлдийкин? Бу ўша ерда яшаётганлар учун заповедниқдир. Улар бунақа заповедникда ялло қилиб юришади, айиқлар ва олмахонлардан ҳам яхшироқ ялло қилиб юришади. Зотан шу одамлар бўлмаганида ҳам олмахон барибир ўзининг ёнғоқларини кемира берар эди. Олим борми ёки йўқми, олмахон учун бунинг фарқи йўқ. Лекин фарқ. шундаки, энди у, ёнғоқни кемираётганида олим уни кузатиб туради, бунинг учун эса, олим пул олиб туради, олганда ҳам яхшигина пул олади. **(Залда шодиёна жонланиш).**

Заповедникнинг ўзи нима? У, халқнинг бойлигидир, бу бойликни асраш керак.

ПАХТАКОРЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ЯНВАРЬ ОЙИ ОХИРИГАЧА ВА ФЕВРАЛЬ ОЙИДА СИЗНИНГ ОЛДИНГИЗГА ҚУЙИДАГИ ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВАЗИФАСИНИ ҚЎЙДИ:

БАРЧА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИ ЭКИШ УЧУН ШУДГОР ҚИЛИНМАЙ ҚОЛГАН ЕРЛАРНИ ҲАЙДАШНИ ТУГАЛЛАНГ. БЕГОНА ЎТ БОСИБ КЕТГАН ЕРЛАР ҲАЙДАЛГАНДАН КЕЙИН БУ МАЙДОНЛАРНИ ЎТЛАРНИНГ ИЛДИЗЛАРИДАН ЯХШИЛАБ ТОЗАЛАНГ, ТОКИ УНИНГ ҚАЙТИБ КЎКАРИШИГА ИМКОНИЯТ БЎЛМАСИН.

ДАЛАЛАРНИ ЯХШИЛАБ ТЕКИСЛАШ КЕРАК. БУ — ШУНДАН КЕЙИН БАЖАРИЛАДИГАН ҲАММА ИШЛАРНИ ЮҚОРИ СИФАТЛИ ЎТКАЗИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ БЎЛИБ, ҲАР БИР ДАЛАДА ҒЎЗА ТУПЛАРИНИНГ ЗАРУР ҚАЛИНЛИКДА БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

АСОСИЙ МАЙДОНЛАРГА ЯХОБ БЕРИШ ВА ЕРЛАРНИНГ ШУРИНИ ЮВИШ ТУГАЛЛАНСИН. ИККИ МАРТА ВА УНДАН ҲАМ КЎПРОҚ ЮВИШ ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН УЧАСТКАЛАРДА ДАСТЛАБКИ СУҒОРИШДАН КЕЙИН ЕРНИНГ ҚУРИБ ҚОЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ.

ПАХТА, МАККАЖЎХОРИ, ОҚЖЎХОРИ, САБЗАВОТ, КАРТОШКА ВА ЧОПИҚ ҚИЛИНАДИГАН БОШҚА ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИНГ ҲАР ГЕКТАРИ ҲИСОБИГА ҚАМИДА 10 ТОННАДАН ГЎНГ ТАЙЁРЛАНИШИГА ЭРИШАЙЛИК. ГЎНГНИ ЯХШИ САҚЛАНГ. ДАЛАГА КЎПРОҚ ЧИРИНДИ ТУПРОҚ ЧИҚАРИБ ТЎКИНГ.

ЕРДА НАМНИ КЎПРОҚ САҚЛАБ ҚОЛИШ УЧУН БАРЧА ИШЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ВА ЮҚОРИ СИФАТЛИ ЎТКАЗИШ КЕРАК. ЁҒИНГАРЧИЛИКДАН КЕЙИН, ШУНИНГДЕК ЯХОБ БЕРИШ ВА ШУР ЮВИШДАН СЎНГ ЕРЛАР ТОБИГА КЕЛИШИ БИЛАНОҚ БОРОНА ҚИЛИНСИН.

КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРГА БЕРИЛГАН МИНЕРАЛ ЎҒИТНИ ТЕЗДА ТАШИБ ОЛАЙЛИК. **ЎҒИТЛАРНИНГ ОМБОРЛАРДА ВА СТАНЦИЯЛАР ҲУЗУРИДАГИ БАЗАЛАРДА УЗОҚ ТУРИБ ТУПЛАНИБ ҚОЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК.** ЎҒИТЛАРНИ ЯХШИ САҚЛАНГ. ШУНИ УНУТМАСЛИК КЕРАККИ, ЎҒИТЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТАШИБ ОЛИШ ВА ТЎҒРИ САҚЛАШ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРГА ФОЙДАЛИ МОДДАЛАРНИ ҚЎП МИҚДОРДА ИХТИЁТ ҚИЛИБ ҚОЛИШ, ЭКИНЛАРДАН МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

ЧИГИТ, МАККАЖЎХОРИ ВА ОҚЖЎХОРИ РЕЖА СИМИ ТОРТИБ КВАДРАТ-УЯЛАБ ЭКИЛАДИГАН МАЙДОНЛАРНИ АЖРАТИШНИ 20 ФЕВРАЛГАЧА ТУГАЛЛАШ ЗАРУР.

КВАДРАТ-УЯЛАБ ЭКИШ АГРЕГАТЛАРИНИНГ ШАХСИЙ СОСТАВИНИ ТАНЛАШ ВА УЛАРНИ МАЛАКАЛИ ҚИШИЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАШ ИШЛАРИНИ ЯНВАРЬ ОЙИДА ТАМОМЛАНГ.

ТРАКТОРЧИЛАР ВА УРУҒЛИКНИ УЯЛАРГА БЕЛГИЛАНГАН МИҚДОРДА ТАШЛАБ ЭКАДИГАН ЭКИШ АГРЕГАТЛАРИНИНГ ШАХСИЙ СОСТАВИНИ ЎҚИТИШ ҲАМДА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШНИ ЎЗ ВАҚТИДА ЎТКАЗАЙЛИК.

ЭКИНЛАРНИ КВАДРАТ-УЯЛАБ ЭКАДИГАН ҲАММА ЭКИШ АГРЕГАТЛАРИНИНГ ШАХСИЙ СОСТАВИ БИЛАН ЎТКАЗИЛАДИГАН АМАЛИЙ ВА НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ АСОСАН ТУГАЛЛАШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.

ТРАКТОР ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАЛАРИНИ ҚЎКЛАМ ДАЛА ИШЛАРИГА ТАЙЁРЛАШНИ ТАМОМЛАНГ. РЕМОНТНИ ЮҚОРИ СИФАТЛИ ЎТКАЗИНГ.

ҲОСИЛИ МАШИНАЛАРДА ТЕРИЛАДИГАН УЧАСТКАЛАРНИ ТЎЛА РАВИШДА АЖРАТИБ ҚЎЙЙЛИК.

ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИНИ ТОЗАЛАШ ТУГАЛЛАНСИН.

БЕДАПОЯЛАР ФИТОНОМУСГА ҚАРШИ ГЕКСОХЛОРАН ДУСТИ БИЛАН ДОРИЛАНИШИ ШАРТ.

ҲАММА ЕР БУРЧАКЛАРИНИ, ЙЎЛ АТРОФЛАРИНИ, АРИҚ ЁҚАЛАРИНИ, ТУТ ҚУЧАТЛАРИНИ ЎРГИМЧАККАНА, ПАХТА БИТИ, ШИРА ВА ТУТ ҚАСАЛЛИКЛАРИГА, ШУНИНГДЕК БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ ҚИМЕВИЙ УСУЛДА ДОРИЛАНГ.

Хотин-қизлар маданият саройида

Тошкент Октябрь районидаги Охунбобоев номли маданият университетида савол-жавоб кечаси ўтказилди. Кечада саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш новаторлари, инженер-техник ходимлари, коммунистик меҳнат бригадаларининг аъзолари ва зарбдорлари, уй ишлари билан шуғулланувчи хотин-қизлардан уч юздан кўпроқ киши қатнашди.

Москвада бўлиб ўтган коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг Баёноти ва бутун дунё халқларига Мурожаати ҳақида молия-иқтисод институтининг доцентлари Саъдуллаев, Отамирзаев, Зиёдов ўртоқлар доклад қилдилар.

Кечада савол-жавоблар бўлди. Хотин-қизлар совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсати ҳақида, халқаро аҳвол ҳақида, социалистик мамлакатлардаги маданий қурилишлар тўғрисида, Конгодаги аҳвол ҳақида ва бошқа масалалар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олдилар.

Кеча охирида шаҳар маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари катта концерт қўйиб бердилар.

М. КАРИМОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область Советларига ва Тошкент шаҳар Советига сайлов ўтказувчи область сайлов комиссиялари ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиясининг составини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайлов тўғрисидаги Низомнинг 28 ва 44-моддаларига мувофиқ **қарор қилади:**

Область сайлов комиссиялари ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиясининг қуйидаги состави тасдиқлансин:

АНДИЖОН ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Область сайлов комиссиясининг раиси **Абдуллаев** Рашид Абдураимович — касаба союзлари область Советидан.

Раис ўринбосари **Самар** Николай Николаевич — область коммунистик партия ташкилотидан.

Секретарь **Давидова** Малика Шарифовна — маҳаллий саноат ва коммунал хўжалик ходимлари касаба союзи область комитетидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари

Муйдинов Абдусаттор — Андижон шаҳридаги «Строммашина» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Ростовцева Антонина Семеновна — Ленинскдаги 1 ва 2-пахта заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Қодирова Мунаввар — Пахтаобод районидаги Энгельс номли қишлоқ хўжалик артели колхозчилари йиғилишидан.

Раҳмонова Ходима — Андижон шаҳридаги 22-ўрта мактаб ўқитувчилари йиғилишидан.

Зорина Валентина Алексеевна — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи область ташкилотидан.

Мадраҳимов Раҳимжон — Хўжаобод районидаги «Андижон» нефть кони ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Мадкаримова Қумрихон — Андижон шаҳридаги Володарский номли тикувчилик фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Сотимбоев Раҳмат — Наманган-даги заводнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Ғафуров Аҳмаджон — Учқўрғон районидаги «Норин» пахтачилик совхози ишчилари ва хизматчилари йиғилишидан.

Абдуллаев Эргаш — Андижон район, Ёрбоши қишлоқ Советидаги Сталин номли қишлоқ хўжалик артели колхозчилари йиғилишидан.

БУХОРО ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Область сайлов комиссиясининг раиси **Бурхонов** Файзулло — касаба союзлари область Советидан.

Раис ўринбосари **Юртаев** Василий Андреевич — область коммунистик партия ташкилотидан.

Секретарь **Кузина** Нина Васильевна — Бухоро пиллакашлик фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари

Тен Владимир Васильевич — шаҳар коммунистик партия ташкилотидан.

Қиличева Маҳбуба — пиллакашлик фабрикаси бошланғич комсомол ташкилотидан.

Аҳмедова Ҳалима — «XVI партсъезд» тикувчилик фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Толипов Қаҳҳор — Вобкент район, Янгибозор қишлоқ Советидаги «Ўзбекистон» қишлоқ хўжалик артели колхозчилари йиғилишидан.

Гадоева Марям — Ғиждувон районидаги Калинин номли қишлоқ хўжалик артели колхозчилари йиғилишидан.

Шеннер Марям Фраимовна — Когон станцияси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Розиқов Карим — Рометан район саноат комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Ражабов Ҳайри — Свердлов район ижроия комитети ходимлари коллективи йиғилишидан.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Область сайлов комиссиясининг раиси **Ҳаитов** Муса Назарович — Самарқанд медицина институти студентлари, профессор-ўқитувчилар состави йиғилишидан.

Раис ўринбосари **Носирова** Ўлмас — «Ҳужум» пиллакашлик фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Секретарь **Лебедиин** Филипп Игнатьевич — касаба союзлари область советидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари

Кузьмин Виктор Петрович — область коммунистик партия ташкилотидан.

Одилова Инқилобия Қаюмовна — Самарқанд шаҳар коммунистик партия ташкилотидан.

Борисов Григорий Иванович — ҳарбий хизматчилар йиғилишидан.

Раззоқова Қаноат — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи область ташкилотидан.

Саматова Амина — 26 Боку комиссари номидаги пиллакашлик фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Раҳмонова Ходима — Андижон шаҳридаги 22-ўрта мактаб ўқитувчилари йиғилишидан.

Зорина Валентина Алексеевна — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи область ташкилотидан.

Мадраҳимов Раҳимжон — Хўжаобод районидаги «Андижон» нефть кони ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Мадкаримова Қумрихон — Андижон шаҳридаги Володарский номли тикувчилик фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Сотимбоев Раҳмат — Наманган-даги заводнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Ғафуров Аҳмаджон — Учқўрғон районидаги «Норин» пахтачилик совхози ишчилари ва хизматчилари йиғилишидан.

Абдуллаев Эргаш — Андижон район, Ёрбоши қишлоқ Советидаги Сталин номли қишлоқ хўжалик артели колхозчилари йиғилишидан.

БУХОРО ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Область сайлов комиссиясининг раиси **Бурхонов** Файзулло — касаба союзлари область Советидан.

Раис ўринбосари **Юртаев** Василий Андреевич — область коммунистик партия ташкилотидан.

Секретарь **Кузина** Нина Васильевна — Бухоро пиллакашлик фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари

Тен Владимир Васильевич — шаҳар коммунистик партия ташкилотидан.

Қиличева Маҳбуба — пиллакашлик фабрикаси бошланғич комсомол ташкилотидан.

Аҳмедова Ҳалима — «XVI партсъезд» тикувчилик фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Толипов Қаҳҳор — Вобкент район, Янгибозор қишлоқ Советидаги «Ўзбекистон» қишлоқ хўжалик артели колхозчилари йиғилишидан.

Гадоева Марям — Ғиждувон районидаги Калинин номли қишлоқ хўжалик артели колхозчилари йиғилишидан.

Шеннер Марям Фраимовна — Когон станцияси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Иванова Людмила Ивановна — Қарши станцияси вагон-ремонт депоси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Қаюмова Санобар — Термиз станцияси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Область сайлов комиссиясининг раиси **Раҳматов** Исмоил — касаба союзлари область советидан.

Раис ўринбосари **Абдураззоқов** Убайдулла Аббосович — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи область ташкилотидан.

Секретарь **Мажидова** Олияхон Холиқовна — область халқ маорифи бўлими ходимлари коллективидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари

Ҳаймуҳаметова Розия — Олмалиқ бойитиш фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

Омонова Зулайхо — Гулистон районидаги «Коммуна» қишлоқ хўжалик артели колхозчилари йиғилишидан.

Виноградова Роза Георгиевна — «Ўзбекуголь» комбинати усти очиқ разрез ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Додамуҳамедов Зокир — Ўзбекистон металлургия заводи прокат цехи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Хачиянц Софья Саркисовна — Чирчиқ электрокимё комбинатининг 20- цехи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Абдусаматова Вазира — Оққўрғон районидаги 23-мактаб ўқитувчилари йиғилишидан.

Ортиқов Абдулла — Янгийўл районидаги Сталин номли қишлоқ хўжалик артели колхозчилари йиғилишидан.

Шокирова Люба — Жиззах районидаги «Москва» қишлоқ хўжалик артели колхозчилари йиғилишидан.

Бердников Геннадий Васильевич — Самарқанд локомотив депоси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Рўзиқулова Баҳор — Пастдаргом район бошланғич ва ўрта мактаб ходимлари касаба союз ташкилоти йиғилишидан.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Область сайлов комиссиясининг раиси **Абдуллаев** Наби — касаба союзлари область советидан.

Раис ўринбосари **Эшмаматов** Нормамат — область коммунистик партия ташкилотидан.

Секретарь **Рўзиев** Соиб — сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи область жамияти ходимлари йиғилишидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари

Ваҳидова Ҳидоят — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи область ташкилотидан.

Маҳмудова Нина — Термиз дарё порти ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Ортиқов Болта — Денов районидаги «Ҳазорбог» совхози ишчилари ва хизматчилари йиғилишидан.

Тимонов Михаил Васильевич — Жарқўрғон районидаги «Кўкайти» нефть кони ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Мелишчева Нина Григорьевна — Қарши область касалхонаси ходимлари коллективи йиғилишидан.

Тожибоева Ҳабиба — Шўрчи районидаги 1-мактаб ўқитувчилари йиғилишидан.

Чориев Тўра — Шеробод районидаги Киров номли қишлоқ хўжалик артели колхозчилари йиғилишидан.

Красношчаков Александр Михайлович — Ангор РТС ишчилари ва инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Раҳмонова Эътиборхон — Фарғона педагогика институти студентлари, профессор-ўқитувчилар состави йиғилишидан.

Умарова Кароматой — Қўқон пайпоқ-йигириш комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Жўрабоев Икромжон — Охунбобоев районидаги «Фарғона» қишлоқ хўжалик артели колхозчилари йиғилишидан.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Область сайлов комиссиясининг раиси **Мадраҳимов** Отаназар — Хоразм педагогика институти студентлари ва ўқитувчилари йиғилишидан.

Раис ўринбосари **Оллобергенова** Бибижон — Урганч районидаги Чапаев номли қишлоқ хўжалик артели колхозчилари йиғилишидан.

Секретарь **Скобичкин** Петр Иванович — касаба союзлари область советидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари

Сазонова Лидия Петровна — Урганч пахта заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Журавлева Анна Александровна — медицина ходимлари касаба союзи область комитетидан.

Аҳмарова Лениза — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи область ташкилотидан.

Рўзибоев Мадраим — қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ходимлари касаба союзи область комитетидан.

Рамқулов Зокир Ғибадуллич — область ижроия комитети касаба союз ташкилотидан.

Бобожонова Холжон — Урганч районидаги Охунбобоев номли қишлоқ хўжалик артели колхозчилари йиғилишидан.

Полвонов Абдулла — Хева пахта-ёғ заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Худойбергенов Маданият — Урганч депо станцияси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Оллобергенов Абдулла — область коммунистик партия ташкилотидан.

Аминова Раъно — маориф, олий мактаблар ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзи область комитетидан.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

Шаҳар сайлов комиссиясининг раиси **Йўлдошева** Маъмура Юнусовна — касаба союзлари республика советидан.

Раис ўринбосари **Каймаков** Петр Васильевич — Тошкент шаҳар коммунистик партия ташкилотидан.

Секретарь **Давидов** Ерван Карапетович — Тошкент гарнизони ҳарбий хизматчилари йиғилишидан.

Сайлов комиссиясининг аъзолари

Раҳимова Сурайё Содиқовна — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи шаҳар ташкилотидан.

Назарова Меҳри Ҳайдаровна — касаба союзлари область советидан.

Эриатов Тоштемир — Ўзбекистон районидаги «Ганиобод» совхози бошланғич партия ташкилотидан.

Саидов Аҳмаджон — Қува пахта тозалаш заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Мирзаҳмедова Зуҳра Шомаҳмедовна — Тошкент Молия-иқтисод институти студентлари, профессор-ўқитувчилар состави йиғилишидан.

Юрченко Анатолий Федорович — Ўзбекистон трактор йигиш заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан.

Хузин Минераис Хузинович — «Ўзбексельмаш» заводи касаба союз ташкилотидан.

Юнусов Рўзибой — «Ташсельмаш» заводи касаба союз ташкилотидан.

Рўзиева Тожи — Калинин районидаги «Тошкент» совхози ишчилари ва хизматчилари йиғилишидан.

Турапова Мунира — Калинин районидаги Сталин номли қишлоқ хўжалик артели колхозчилари йиғилишидан.

Бедрин Александр Алексеевич — Октябрь революцияси номидаги завод пўлат қуйиш цехи ишчилари, инженер-техник ходимлари йиғилишидан.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ё. НАСРИДДИНОВА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ

Тошкент шаҳри.
1961 йил, 20 январь.

Самарқанд. Жиззаҳ районидаги «Москва» колхози ўтган йили 6 тоннадан ортиқ гўшт сотиб, давлатга парранда гўшти топшириш планини ошириб бажарган эди. Колхоз паррандачилари бу йил 7 тонна гўшт сотиш мажбуриятини олдилар. Суратда: колхоз паррандачилик фермасида.
Р. Шамсиддинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ

Ишчи посёлкасида қўғирчоқ театри

САМАРҚАНД. Хишров ГЭСи посёлкасида яшовчи болалар яхши совға олдилар. Бу ерда ота-оналар ва мактабларнинг ўқитувчилари қўғирчоқ театри ташкил қилдилар. Слесарь Р. Зияэдинов, электр пайвандчи Р. Ёқубов, шофёрлардан В. Рязанцев ва Ю. Егоров болаларга «Довюрак қўён» ва «Кулча» деган машҳур эртакларни кўрсатдилар.

Театрнинг қишки репертуарида ўнларча кўп пардали пьесалар бор.

ҒАФУР ҒУЛОМ ШЕЪРЛАРИ ФОРС ТИЛИДА

Ўзбекистон Давлат адабиёт нашриёти Ғафур Ғуломнинг шеърлар тўпламини форс тилида нашр этди. Китобга шоирнинг 35 йиллик ижодий фаолияти даврида ёзган энг яхши асарлари киритилган.

«ЧОР ДАРВЕШ» ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Чор дарвеш» қиссаси ўзбек тилида босилиб чиқди.

Бу қисса қиноялардан ташкил топган қиссадир. Ундаги қаҳрамонлар ҳаққонийлик, содиқлик, меҳнатга муҳаббат сингари юксак олижаноб фазилатлар билан суғорилгандир. Ўзининг бадиий маҳорати жиҳатидан камдан-кам учрайдиган бу қисса кўп асрлар давомида китобхонлар томонидан севиб ўқилмоқда. (ЎзТАГ).

Редактор И. РАҲИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

22 ЯНВАРДА

12.00 — **Физкультура билан шуғулланинг.** 12.20 — **Трубачёв отряди жанг қилади** номли бадиий фильм (ўзбек тилида), 13.50 — **Инглиз тилидан 13-дарс** (рус тилида). 14.20 — Маданият университети: **М. И. Глинка — рус классик музикасининг асосчиси** (рус тилида), 18.30 — **Мойдодир** (болалар учун мультипликацион фильм), 18.50 — **Сўнгги ахборот,** 19.10 — **Бразилия футболчилари ўйнайди** (ҳужжатли фильм), 19.20 — **Концерт** (ўзбек давлат филармониясининг ўзбек ашула ва рақс ансамбли ижросида). 20.10 — **Янги Деҳли** номли ҳинд кинокомедиясининг биринчи серияси, 21.35 — **СССР халқлари куйларидан концерт.**

23 ЯНВАРДА

18.30 — **Олтин ер** («Эртак кетидан эртак» циклидан Эфиопия халқининг шу номдаги эртаги асосида ўзбек тилида телеинсценировка), 18.55 — **Бугунги Куба** (ҳужжатли фильм), 19.05 — **Сўнгги ахборот,** 19.25 — **Советский воин** (телевизион журнал). 20.25 — **Янги Деҳли номли** ҳинд кинокомедиясининг иккинчи серияси. 21.50 — **Бир мужик қандай қилиб ики генерали боқиқани ҳақида қисса** (Салтиков-Шчедрин туғилган кунинг 135 йиллиги олдидан ўзбек тилида телеинсценировка).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/I-да эрталаб **Олтин калит,** кечқурун **Дилором** (100-спектакль). СССР халқ артисти **Саодат Қобилова,** Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Галия Измайлова, Саттор Ярашев, Карим Зониров, Насим Ҳошимовлар** қатнашади. Дирижёр — СССР халқ артисти, профессор **Мухтор Ашрафий.** 24/I да **Кармен.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/I-да эрталаб ва кечқурун **Фурқат,** 24/I-да **Алишер Навоий.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/I да **Паранжи сирлари** («Холисхон»), 23/I да **Раис уйланармиш,** 24/I да **Ошиқ Ғариб.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 22, 25/I кеч соат 7 яримда **«Бахор» халқ рақс ансамблининг концертлари.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 22/I кеч соат 7 яримда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий юбилейига бағишланган **эстрада концерти.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСР да хизмат кўрсатган артист **Ю. Дуров гастролининг давоми.** Бугун 3 марта томоша кўрсатилади: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда. Билетлар сотилган.

КИНО

Шовқин-суронли кун (кеч соат 8 яримда), **Кўчма қалъа** (янги кенг экранли фильм, кундуз ва кечқурун) — «ВАТАН».

Оливер Твист — «МИР» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 4 да). «ЕШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Эски Чикагода — «ДРУЖБА» (1-залда), «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 5 ва 10.40 минутда).

Тирилиш — «МИР» (кундуз соат 2, кеч 6, 8 ва 10 да), СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз 4, кеч 6 ва 10 да).

Юлюс Янонис — «ДРУЖБА» (2-залда кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кундуз соат 12-20 минут ва кеч 7 да).

Қурашаётган Конго (кеч соат 6 ва 7 да), **Рим устида беш ҳалқа** (кеч 8 ва 9-20 минутда) — КИНОЛЕКТОРИЙ.

Мексика осмони тагида — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 4 ва кеч 6 да).

Йўлбарсдан довюрак — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Лўлилар чайласидаги дўстлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кеч соат 8 да).

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, «Правда Востока» кўчаси 26 уй

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 33469. Саноат ва транспорт — 29-005. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 27004. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 31226. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси

Р 01985. Нашр. Б. 19.